

2019/2020

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ  
**БОЛАЛАР ВАЗИЯТИНИНГ**  
ТАҲЛИЛИ

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БОЛАЛАР ВАЗИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Барча ҳуқуқлар ҳимояланган**

© UNICEF 2020

**Бирлашган Миллатлар ташкилоти Болалар Фонди томонидан нашр этилган**  
Тошкент, Ўзбекистон

**Қўшимча маълумот олиш учун:**

Шароф Рашидов кўчаси, 16

Тошкент шаҳар, Ўзбекистон

E-mail: tashkent@unicef.org

website: [www.unicef.uz](http://www.unicef.uz)

манзили бўйича мурожаат этинг.



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ  
**БОЛАЛАР ВАЗИЯТИНИНГ**  
ТАҲЛИЛИ

# ҚУТЛОВ СҮЗИ

## МУНИР МАМЕДЗАДЕ

## ЮНИСЕФНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ

## ВАКОЛАТХОНАСИ РАҲБАРИ

2019 йилда бутун дунёда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 30 йиллиги нишонланди. Конвенция инсон ҳуқуқлари бўйича энг кенг кўламда ратификация қилинган халқаро битим бўлиб, у жаҳон миёсида болаларга нисбатан қарашларни ва муносабатларни сезиларли даражада ўзgartирди. Конвенцияга мувофиқ, болалар нафақат пассив ғамхўрлик объекти сифатида, балки маҳсус ҳуқуқлар тўпламига эга шахслар сифатида қаралади.

1994 йилдан бери, Конвенцияда иштирок этувчи давлат сифатида, Ўзбекистон барча болалар ҳуқуқларини, шу жумладан омон қолиш, таълим олиш, қадр-қимматга эга бўлиш, шунингдек, зўравонлик ва камситилишнинг ҳар қандай шаклларидан ҳимоя қилиниш бўйича ҳуқуқларини таъминлашни ўз зиммасига олди. Ўзбекистон ҳукумати кенг қамровли ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни бошлиб юборди ва болалар ҳуқуқларини илгари суриш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Бундай

саъй-ҳаракатларнинг барчаси мамлакатдаги болалар ва аёлларнинг вазиятини хар томонлама кўриб чиқишига ва таҳлилга асосланган бўлиши зарурлигини эътироф этиш тобора ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан, энг муҳим устувор йўналишларни, шунингдек, Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини янада илгари суриш йўлида янги пайдо бўлаётган муаммоларни аниқлаш учун, Ўзбекистондаги болаларнинг вазиятини комплекс таҳлил қилиш ишлари амалга оширилди. Ишонаманки, ушбу ҳужжат 2030 йилгача бўлган Миллий стратегияни ишлаб чиқишига ҳам ҳисса қўшади ва кўмак беради. Бу эса, 2030 йилгача мўлжалланган кун тартибининг «Ҳеч кимни ортда қолдирмаслик» тамойилига асосланиши ҳамда инсон капиталини ривожлантириш ва болалар фаровонлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратган ва сармоялар киртиган ҳолда, Ўзбекистонни Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш сари етаклаши керак.

Ўзбекистондаги болалар вазиятининг таҳли-

ли асосий манфаатдор томонлар, жумладан, вазирликлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари, илмий доиралар, донорлар ва хусусий сектор вакиллари иштирокида ўтказилди.

Таҳлилда ЮНИСЕФ ва унинг ҳамкорлари томонидан тайёрланган бир қатор муҳим нашрлардан, шунингдек, кенг кўламли миллӣ ва халқаро статистик ва илмий манбалардан, шу қатори илмий тақриз қилинган журналлардан фойдаланилди.

Олинган маълумотлар Ўзбекистоннинг мамлакатда болалар ҳуқуқларини таъминлашда

сезиларли ютуқларга эришганлигини тасдиқлади. Шу билан бирга, бу таҳлил қиз ва ўғил болаларнинг омон қолиш, ривожланиш, таълим олиш, ижтимоий таъминот, ҳимоя ва иштирок этиш каби барча ҳуқуқларга эга бўлишини таъминлаш масаласида ҳали ҳал этилиши лозим бўлган масалалар мавжудлигини кўрсатди. Шу муносабат билан, ЮНИСЕФ номидан ҳукумат ва барча ҳамкорларни Ўзбекистондаги болалар ҳуқуқларини илгари суришда қўллаб-қувватлашга содиқлигимизни яна бир бор тасдиқлашга ижозат бергайсиз.

# ҚУТЛОВ СҮЗИ

АЛИЯ ЮНУСОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ  
БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ВАКИЛИ

Боланинг энг яхши манфаатларини таъминлаш, болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон, мамлакатда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва такомиллаштириш борасида сезиларли ютуқларга эришди. Ўзбекистон Республикаси Бола ҳуқуқлари тўғрисидағи конвенцияни, Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясини, шунингдек Болаларни қуролли можароларга жалб қилиш тўғрисидаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг факультатив протоколларини ратификация қилди. Конвенция ва факультатив протоколларнинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ги қонунида амалга оширилади.

Шубҳасиз, бугунги кунда Ўзбекистондаги болалар вазитини яхшилашда муваффақиятлар, муаммолар ва уларнинг сабабларини батафсил тушунишга боғлиқ.

ЮНИСЕФ томонидан тайёрланган Ўзбекистондаги болаларнинг вазиятини таҳлил қилиш, биринчи навбатда, Ўзбекистондаги болалар ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги вазиятни тақдим этишга қаратилган бўлиб, асосий эътибор Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини амалга оширишда мавжуд заифлик ва тенгсизликни аниқлашга қаратилган. Болаларнинг омон қолиш ҳуқуқи, ривожланиш, таълим олиш, ижтимоий ҳимоя қилиниш, болаларни ҳимоя қилиш ва болаларнинг жамиятда тўлақонли иштирок этиш ҳуқуқи масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Амалга оширилаётган катта ислоҳотларга қарамай, Ўзбекистондаги таълим тизими таълим сифати ва ижтимоий инклюзивлик жиҳатидан мақбул натижаларга эришиш учун янада мустаҳкамланиб бориши зарур.

Ижтимоий ҳимоя тизимидағи ислоҳотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ижтимоий таъминот тизимини ислоҳ қилиш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва улардан фойдаланиш,

ижтимоий иш тизими니 такомиллаштиришга боғлиқ.

Ўзбекистонда болаларни зўравонлик, эксплуатация, шафқатсиз ва камситувчи муомаладан ҳимоя қилиш, миллий меъёрий-хуқуқий базани такомиллаштириш, аҳоли ўртасида хуқуқий саводхонликни ошириш орқали муҳим ислоҳотлар бошланди. Пахта йигим-теримида мунтазам болалар меҳнатидан фойдаланишга барҳам берилди.

Ота-она қарамогисиз қолган болаларни, шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларни таълим-тарбия интернат муассасаларига жойлаштиришни камайтириш ва олдини олиш мақсадида болаларни деинституциялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳаллий ва миллий даражадаги сиёсатни ишлаб чиқиша болалар ва ёшларни ўз манфаатларига таъсир қиласиган қарорларни қабул қилишда уларнинг фикрини инобатга олган ҳолда жалб қилиш амалиёти ва механизmlарини кучайтириш зарур, бу болалар

ва ёшларнинг жамиятдаги иштироки учун хуқуқий базани кенгайтиради. Бу, ўз навбатида, тингланиш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришда иштирок этиш имкониятини беради.

Ўзбекистон, бошқа кўплаб мамлакатлар сингари, бугун ҳам бир қатор янги юзага келаётган муаммоларга дуч келмоқда, улар биздан келажакда алоҳида эътибор ва эҳтиёткорлик билан кузатиб боришни талаб қиласиди. Бу таълим соҳасидаги демографик ҳолат, шу жумладан мактабгача таълим соҳасида; келажакда болалар фаровонлиги учун янги имкониятлар ва муаммоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган Интернетдан кенг фойдаланиш ва ижтимоий тармоқларга кириш; соғлиқни сақлаш бўйича янги ва ўсиб бораётган таҳдидлар, масалан, аҳолининг кундалик ҳаётини кескин ўзгартириб юборган дунё миқёсидаги коронавирус инфекцияси (COVID-19) пандемияси; болалар савдоси; васийлик тизимларини тарк этган ёки озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган ва жамиятга

қайта қўшилишга ва ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаганлар.

Хеч шубҳа йўқки, оила ижтимоий институт сифатида, бола учун биринчи ҳимоя мұхити бўлиб, болаларнинг омон қолиши, ривожланиши, таълим олиши, ҳимояси ва ижтимоий таъминоти учун катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистондаги болаларнинг вазиятини таҳлил қилиш доирасида ЮНИСЕФ томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар, Ўзбекистон Республикаси томонидан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни, шунингдек БМТ-нинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг тавсияларини амалга ошириш нуқтаи назаридан, Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасида татбиқ қилинаётган

ислоҳотларни тўлдиришга, янада такомиллаштириш мақсадида миллий қонунчиликда бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартлар қоидаларини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, бошланган ислоҳотларни боланинг энг яхши манфаатлари таъминлаш йўлида самарали амалга ошириш имконини беради.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасига Ўзбекистондаги болалар вазиятининг таҳлилини тайёрлагани учун, ҳар бир боланинг ҳуқуқларини хар томонлама таъминлашни амалга оширишда самарали иш олиб бораётгани, яқин ҳамкорлик қилаётгани ва қўллаб-куватлаётганлиги учун миннатдорчилик билдиримоқчиман.

# МИННАТДОРЧИЛИК

**Ҳисоботни тайёрлаган асосий гурӯҳ:** Вазият таҳлили болалар ҳуқуқлари ва ижтимоий сиёсатни ислоҳ қилиш соҳасида дунёning етакчи консалтинг компанияси - Maestral International ижтимоий сиёсат ва секторни ислоҳ қилиш бўйича катта халқаро маслаҳатчisi Анна Норденмарк Северинссон томонидан тайёрланган. Муаллифга миллый маслаҳатчи Фарруҳ Ирназаров кўмак берган.

**Маслаҳатлар ва ҳисоботнинг холислигини таъминлаш:** Вазият таҳлили маслаҳатлашиш ва жараёнда ҳар томонлама иштирок этиш тамойили асосида ўтказилди. 2019 йилнинг июнь ойидан август ойигача бўлган давр ичida бир неча маслаҳатлашувлар ўтказилди. Ҳисобот холислигини таъминлаш учун давлат органлари вакиллари билан ўтказилган консультатив учрашувларда қўйидагилар қатнашдилар: Халқ таълими вазирлиги, Бош прокуратура, Бош прокуратура академияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллый агентлиги, Республика ихтиослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги,

«Оила» маркази, Давлат статистика қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий Мажлис депутатлари, Олий суд, Хотин-қизлар қўмитаси. Фуқаролик жамияти билан маслаҳатлашувларда қўйидаги ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар: «Тараққиёт Стратегияси» маркази, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати, SOS Болалар шаҳарчалари, «ИТА ФАКТ» хусусий тадқиқотчилик маркази, «ЭКСПЕРТ ФИКРИ» хусусий тадқиқотчилик маркази, Ўзбекистон Миллый университети, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллый маркази, Омбудсмен, Электрон ОАВ миллый ассоциацияси, Тошкентдаги Вестминстер халқаро университети. Халқаро агентликлар қаторидан маслаҳатларда Жаҳон банки, БМТТД, USAID/АҚШ элчихонасининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими, Осиё тараққиёт банки, БМТ гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича бошқармаси (БМТГЖБ), Европа иттифоқи (ЕИ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) қатнашдилар.

**Техник кузатув ва мувофиқлаштириш:** Ушбу вазият таҳлили ЮНИСЕФнинг Ўзбекистон-

даги ваколатхонаси мониторинг ва баҳолаш бўлими томонидан мувофиқлаштирилган биргаликдаги жараён натижасида янгиланди. ЮНИСЕФ ваколатхонаси сабиқ раҳбари жаноб Саша Грауманн ва ваколатхона сабиқ раҳбари ўринбосари жаноб Афшин Парси алоҳида миннатдорчилик билдирамиз, улар ушбу таҳлилни тайёрлашда умумий раҳбарлик ва кўмак кўрсатдилар. ЮНИСЕФнинг Европа ва Марказий Осиё (ECARO) мамлакатлари бўйича миңтақавий ваколатхонаси мазкур жараён давомида техник кўмакни кўрсатди. Олиб борилган ишларга мунтазам равишда мониторинг ва баҳолаш бўлими раҳбари Жанар Сагимбаева, бола ҳуқуқларини мониторинг қилиш бўйича мутахассис Зокир Назаров ва мониторинг ва баҳолаш

масалалари бўйича маслаҳатчи Комолаҳон Рахманова бошчилик қилдилар. ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг дастурлар бўйича ходимлари техник маълумотларни етказиш ва вазият бўйича нуқтаи назарни билдириш воситасида мавзуулар бўйича бўлимлар сифатини баҳоладилар, тегишли соҳалардаги вазиятни таҳлил қилиш ишларини мувофиқлаштирилар ҳамда ушбу ҳисоботнинг оралиқ варианatlарига оид ўз тавсияларини бердилар.

Ушбу ҳисоботда келтирилган маълумотлар талқини ва тавсиялар муаллифлар томонидан тайёрланган бўлиб, ЮНИСЕФ ёки Ўзбекистон ҳукуматининг қарашлари ва фикларини акс эттирмаслиги мумкин.

## МУНДАРИЖА

Қутлов сўзи Мунир Мамедзаде ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари .....	4
Қутлов сўзи Алия Юнусова Ўзбекистон Республикасининг .....	6
Бола ҳуқуқлари бўйича вакили .....	6
Миннатдорчилик.....	9
Қисқартмалар .....	12
Ҳисоботнинг қисқача шарҳи .....	14
Кириш.....	23
Мамлакат ҳақидаги маълумотлар .....	30
Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги.....	41
3.1. Омон қолиш ва ривожланиш ҳуқуқи .....	42
3.2. Таълим олиш ва ривожланиш ҳуқуқи.....	53
3.3. Ижтимоий ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқи.....	66
3.4 Зўравонлик, эксплуатация, суиистеъмол қилиш ва камситишлардан ҳимояловчи муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи .....	74
3.5. Иштирок этиш ҳуқуқи .....	86
Тенгсизлик турлари.....	94
Заифликни келтириб чиқарувчи таркибий сабаблар.....	103
Юзага келаётган муаммо ва имкониятлар .....	116
Холосалар ва тавсиялар.....	123

## ҚИСҚАРТМАЛАР

<b>ОАВ</b>	Оммавий ахборот воситалари
<b>ОТБ</b>	Осиё Тараққиёт Банки
<b>CEDAW</b>	Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция
<b>БҲК</b>	Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, 1989 й.
<b>ЕМОМИ</b>	Европа ва Марказий Осиё учун минтақавий идораси (ЮНИСЕФ)
<b>МТ</b>	Мактабгача таълим
<b>TCP</b>	Таълим сектори режаси
<b>ЕИ</b>	Европа Иттифоқи
<b>УЎТ</b>	Умумий ўрта таълим
<b>ХМТ</b>	Халқаро меҳнат ташкилоти
<b>ХМТ</b>	Халқаро миграция ташкилоти
<b>ЎзФТЛ</b>	Ўзбекистондаги «Фуқароларни тинглаш» лойиҳаси
<b>МБАТ</b>	Меҳнат бозорининг ахборот тизими
<b>ЖЖТКЁ</b>	Жиноий жавобгарликка тортилишнинг энг кичик ёши
<b>Мваб</b>	Мониторинг ва баҳолаш
<b>ННТ</b>	Нодавлат нотижорат ташкилоти
<b>КИКТ</b>	Кўп индикаторли кластерли тадқиқот
<b>БТҮҶО</b>	«Бандлик, таълим ва ўқув билан қамраб олинмаган»
<b>СИИТ</b>	Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва техник
<b>ЎҲБД</b>	Ўқувчиларни халқаро баҳолаш дастури
<b>ОБҶОО</b>	ОИВ инфекциясини онадан болага ўтишини олдини олиш
<b>БРМ</b>	Барқарор ривожланиш мақсадлари

<b>ТСНҚБДИ</b>	Таълим сифатини назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси
<b>ВТ</b>	Вазият таҳлили
<b>МТФТСХТ</b>	Математика ва табиий фанлар бўйича таълим сифатининг халқаро тадқиқоти
<b>БМТТД</b>	БМТ Тараққиёт дастури
<b>ЮНИСЕФ</b>	БМТ Болалар жамғармаси
<b>(БМТГМЖҚБ)</b>	БМТ гиёхванд моддалар ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича бошқармаси
<b>ЮСАИД</b>	АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги
<b>ЖССТ</b>	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

# ҲИСОБОТНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРҲИ

Ушбу ҳисбот 2016 йилда амалга оширилган «Ўзбекистонда аёллар ва болалар вазиятининг таҳлили» деб номланган ҳисбототнинг янгиланган намунаси бўлиб, болалар ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги вазиятни кўриб чиқиш, болалар ҳаётида мавжуд заиф томонларни аниқлаш ва Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини амалга ошириш йўлида турган асосий ва таркибий сабабларни ўрганишга қаратилган. 2019 йил таҳлили Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда мавжуд заиф томонлар ва тенгсизликларни аниқлашга йўналтирилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда болалар вазиятини яхшилашда самарага эришиш тенгсизликлар намоён бўлиши ва уларнинг сабабларини теран англашга боғлик, деб этироф қилинмоқда. Ушбу вазият таҳлили Ўзбекистон мамлакатда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва яхшилашда тараққиётга эришганлигидан далолат бермоқда. Шунингдек, ҳисбот Ўзбекистонда болаларнинг омон қолиш, ривожланиш, таълим олиш, ижтимоий ҳимоя, болаликни ҳимоя қилиш ҳамда жамият ҳаётида тўлақонли қатнашишга оид ҳуқуқларини амалга оширишга интилишда «тугалланмаган кун тартиби» мавжудлигини кўрсатмоқда.

## ОМОН ҚОЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ҲУҚУҚИ

Бола омон қолиши ва ривожланиши соҳасида мавжудлигича қолаётган муаммолардан бири 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг аксарияти бола ҳаётининг ilk 28 куни давомида рўй бериши билан изоҳланади. Бундан ташқари, болалар ҳанузгача нисбатан оддий усуслар ва сармоялар ёрдамида олдини олиш мумкин бўлган сабабаларга кўра нобуд бўлишмоқда. 2018 ва 2019 йилларда рўй берган қизамиқ касаллигининг тарқалиши иммунизация қамрови талаб даражасида бўлмаганлиги ва дозалари ўз вақтида берилиши юзасидан ташвишланишга сабаб бўлмоқда. Репродуктив, яъни фарзанд кўриш ёшидаги аёлларда озуқа моддалари танқислиги кузатилмоқда: ҳомиладор бўлмаган 20% аёллар анемияга (кам қонликка) чалинган; ҳомиладор бўлмаган репродуктив ёшдаги 40% аёлларнинг овқатлари минимал диета талабларига жавоб беради, ва ҳомиладор бўлмаган аёлларнинг деярли ярми фолат танқислигига учраган. Болалар орасида микроэлементлар етишмовчилиги кенг тарқалган: уларнинг 15% анемияга учраган, 50% дан ортиғи темир танқислиги ва 6% "А"

витамини етишмовчилигига чалинган. Бундан ташқари, 9% болалар етарлича овқатланмаслик кўрсаткичлари (усишининг орқада қолиши) аломатларига эга, уларнинг 2% да эса озгинчилик белгилари кузатилади. Ўз жонига қасд қилиш ва ўз-ўзига шикаст етказиш даражаси кескин ортиб кетди, айниқса 15-19 ёшлилар гуруҳида. Бу борада узлуксиз парваришни таъминлашнинг бир неча энг асосий сабаблари мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш лозим бўлади.

#### Таълим олиш ва ривожланиш ҳуқуқи

Таълим соҳасида жиддий ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва ҳукумат таълим сифатини ва ўқитиш натижаларини таълим соҳасининг энг муҳим, марказий элементи сифатида кўрмоқда. Ҳозирги вақтда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси яхшиланиб, 53% га етди, лекин ҳали ҳам нисбатан пастлигича қолмоқда. Бошланғич таълим билан қамраб олиш даражаси 100% ни ташкил қиласди, бироқ ўрта синфларда (5-9 синфлар) ўқитиш бўйича маълумотлар мактабга қатнамайдиган ёки иккинчи йилга қолдирилган болалар борлигини кўрсатмоқда, чунки бу даврда ўқитиш билан қамраб олинганилик даражаси атиги 94% ни ташкил қиласди. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг фақат 91% 5-9 синфларни муваффақиятли битиради. Бутун мамлакат бўйлаб 25-30 ёшдагиларнинг 12%

гина олий маълумотга эга. Мактабгача таълимга, сифатли умумий ўрта ва олий таълимга эга бўлиш аёллар ва эркаклар учун, ногиронлиги бўлган болалар, шаҳар ва қишлоқ болалари, кам даромадли оилалар болалари учун катта фарқ қиласди. Бундан ташқари, таълим сифати ва ижтимоий иклюзивлик нуқтаи назаридан оптимал натижаларга эришиш учун Ўзбекистондаги таълим тизимини янада мустаҳкамлаш зарур. Кўпгина болаларга ўз уйларининг муҳити ва ота-оналарининг кўмаги таълим олишдаги ҳаракатларига етарли мадад бера олмайди. Таълим тизими ҳам инфратузилма ва сифат нуқтаи назаридан қатор муаммоларга дуч келмоқда.

#### Ижтимоий ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқи

Мавжуд ижтимоий ҳимоя тизими шундай ташкил этилганки, Ўзбекистондаги болаларнинг кўпчилиги (54%) бирор ижтимоий нафақа оладиган оилаларда истиқомат қиласди. Шундай бўлса-да, кам таъминланган оилаларнинг ярмидан кўпи (52%) миллий ижтимоий ҳимоя тизими томонидан ҳеч қандай кўмак билан қамраб олинмаган ва вақт ўтиши билан турли нафақаларнинг қамрови қисқарди. Бугунги кунда 0-17 ёшдаги болаларнинг атиги 17% гинаси, бола учун мўлжалланган уч турдаги нафақаларнинг (болани парваришлар бўйича нафақа, оилавий нафақа ва ногиронлик нафақаси) бирортасини олаётган оилаларда яшайди.

Шу билан бирга, имкониятлари чекланган болаларнинг 48% ногиронлик нафақасидан баҳраманд бўлмаяпти. Шунингдек турли ёшдагилар гуруҳлари орасида ҳам ижтимоий нафақалар билан қамраб олинганинг номутаносиблик мавжуд. Масалан, 15-17 ёшли болалар аксарияти ижтимоий нафақалар дастурлари билан қамраб олинмаган. Болалар камбағаллиги даражаси умуман аҳоли камбағаллиги даражасидан юқоридир. Нафақа олиш учун ариза бериш таомилларининг мураккаблиги, нафақаларни тўлаш даври кераклича мослаштирилмаганини ҳамда ижтимоий таъминот ва ижтимоий хизматларни тақдим этиш тизимининг парчаланганини сабабли ижтимоий ҳимоя тизими нинг самарадорлиги етарли даражада эмас.

### **Зўравонлик, эксплуатация, суиистеъмол қилиш ва камситишлардан ҳимояловчи муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи**

Болаларнинг зўравонлик, эксплуатация, бешафқат ва камситувчи муомаладан ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқи кучли қонунчилик базаси мавжудлиги туфайли илгари сурилмоқда; болаларни ҳимоя қилиш тизимида муҳим ислоҳотлар бошлаб юборилди. Пахта йиғим-теримида мунтазам болалар меҳнатидан фойдаланишга барҳам берилди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистондаги болаларга нисбатан зўравонлик, бешафқат ва камситувчи муомала, жумладан жинсий зўравонлик ва оила муҳитида ўта

қаттиқ интизом тўғрисида қўшимча билим ва маълумотлар зарур. Вояга етмаганлар, хусусан қизларнинг эрта никоҳга кириши пухта мониторингни талаб қиласди. Ота-онанинг қарамоғисиз қолган болалар улуши кўпаймоқда ва уларнинг кўпчилиги интернат муассасаларига жойлаштириляпти, бу эса болалар институционализациясининг юқори даражасига олиб келмоқда. Болалар интернатларига жойлаштирилганларнинг аксарияти - ногиронлиги бўлган болалардир. Қонунга билан низода ёки қонун билан алоқада бўлган болалар учун, улар жиноят қурбонлари ёки гувоҳи бўлишидан қатъи назар, қонунчиликни ва ҳуқуқдан фойдаланиш амалиётини халқаро стандартларга мослаштириш талаб этилади. Оилавий омиллар, ижтимоий кўмакнинг талаб даражасида бўлмаганини ҳамда ижтимоий хизматлар тизимидағи камчиликлар ҳамда ижтимоий ходимлар малакасининг етарли эмаслиги болаларнинг тўлақонли ҳимоясига тўсқинлик қилмоқда.

### **Иштирок этиш ҳуқуқи**

Болалар жамият ҳаётида иштирок этишининг ҳуқуқий доиралари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган. Бироқ, болалар иштирокига хизмат қилиши мумкин бўлган болалар ҳуқуқларини кафолатлаш мақсади мавжуд ва Ўзбекистондаги турли форумларда болалар иштироки таъминлананаётган бўлишига қарамасдан, уларнинг иштироки

аҳамиятли даражада бўлиши учун шунинг ўзи кифоя қилмайди. Ўзбекистондаги оиласарда болаларни тарбиялаш амалиёти ўзгараётганлигининг белгилари кузатилмоқда ва шу билан бирга болаларда оиласавий қарорларни қабул қилишда қатнашиш имкониятлари кўпайиб боряпти. Одил судлов тизимида болаларнинг иштирок этишга оид ҳуқуqlари аниқ белгиланган, шу билан бирга, фуқаролик ишларни кўриб чиқишга нисбатан, жиноий жараёнда болалар ҳуқуqlари янада аниқ таъкидлаб ўтилган. Бошқа соҳаларда, масалан, болаларга хизмат кўрсатиладиган ва улар ўз вақтининг катта қисмини ўтказадиган соғлиқни сақлаш ва таълим тизимида болаларнинг иштирок этиш ҳуқуқи бирмунча ноаниқ белгиланган. Болалар манфаатларига дахл қилувчи қарорларни қабул қилишда, масалан, ота-онанинг ажралиши ёки болани муқобил васийлик тизимига жойлаштириш масалаларини кўриб чиқишда болаларни жалб қилиш амалиётини ва уларнинг фикрини инобатга олиш механизmlарини мустаҳкамлаш лозим. Маҳаллий ва миллий даражаларда сиёsat ишлаб чиқишда болалар ва ёшлар иштироки талаб даражасида бўлмаганлиги этироф қилинмоқда. Интернетдан фойдаланиш имконияти тобора ўсиб бораётганлигини ҳам ҳисобга олиш лозим, чунки бу болаларга тингланиш ва ижтимоий фикрни шакллантиришда қатнашишга кўпроқ имкон тақдим этади.

### Тенгиззлик турлари

Келтирилган маълумотлар болалар ҳуқуқларини амалга оширишдаги тенгиззлик маълум даражада бола мамлакатнинг қайси ҳудудида яшаётганлигига боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда – айрим ҳудудларда болаларга тегишли натижалар бошқа ҳудудларга нисбатан бирмунча номаъқул. Боланинг жинси ҳам у учрайдиган тенгиззлик даражаси учун муҳим аҳамиятга эга. Бу борада яна қуйидаги омиллар ҳам мавжуд: оила ёки бола шаҳар ёки қишлоқ жойида яшаши, болада ногиронлиг мавжудлиги; ҳамда оиласининг даромади ва оиласада қайси тилда мулоқот қилиниши ҳам боланинг ўз салоҳияти ва ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш имкониятига таъсир қилади. Бу жараёнда ўғил ва қиз болалар, ҳудудлар, шаҳар ва қишлоқ жойлари, ногиронлиги бўлган болалар, турли оиласавий аҳвол ва фаровонлик даражасига тегишли ҳар хил тенгиззликлар болалик даврида тўпланиб бориб, кейинчалик ёшларнинг ҳаётий натижаларида акс этадиган заифликка олиб келади.

### Таркибий сабаблар

Мавжуд соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя ва болаларни ҳимоя қилиш тизимларининг самарадорлиги қатор таркибий сабабларга тақалади. Сиёсий омиллар нуқтаи назаридан, мамлакат ривожланиши кун тартибида ижтимоий секторнинг устувор бўлишини

ижобий баҳолаш мумкин. Бунда коррупцияга қарши курашиб муҳим вазифалардан бири ҳисобланади, чунки у бир неча секторларда хизматларни тақдим этишга ўз таъсирини кўрсатади. Яна бир вазифа эса энг муҳтож аҳоли қатламлари ва болаларни қарорларни қабул қилишда иштирок этиш имконияти билан таъминлашдан иборатdir. Иқтисодий тўсиқларга қўйидагилар киради: бюджетни тақсимлашда кам самарадорлик, норасмий ҳаражатлар (масалан, соғлиқни сақлаш тизимидағи норасмий ҳаражатлар), ижтимоий ҳимоя ва турли ёшдагилар грухлари учун номутаносиб сармоялар киритиш) ва қабул қилинган стандартларга мувофиқ бўлиш учун камлик қиласиган бюджетлар. Ҳукумат томонидан ижтимоий секторга (Ўзбекистонда болалар ҳуқуқлари ва фаровонлиги масалаларини илгари суришда бюджетнинг асосий расмий қисми ҳисобланади) юқори даражадаги сармоялар киритилиши кутилаётган натижаларга олиб келмаяпти. Ижтимоий соҳада жамият ва фуқаролар камситмаслик ва гендер tengлиги ҳамда зарарли анъаналарга барҳам бериш тамойилларига ижтимоий содиқликни акс эттирувчи қонунчиликка амал қиласигар. Лекин қонунчилик, ижтимоий меъёрлар ва оддий амалиёт ўртасида сезиларли тафовутлар мавжуд. Патриархал ва иерархик оила тузилишлари, қатъий гендер меъёрлари, стигматизация ва камситувчи меъёрлар болалар

ҳуқуқларининг барча соҳаларидағи тараққиёт йўлида тўсиқдир. Давлат бошқаруви – бу давлат сиёсатини амалга ошириш ва фуқароларга давлат хизматларини таъминлаш учун жавоб берадиган бошқариш тизимиdir. Бутун дунёда кузатилаётган давлат бошқарувининг электрон ҳукуматни ислоҳ қилиш ва давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш каби айрим ислоҳотлар Ўзбекистонда ҳам бошлаб юборилган. Бунда давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлаш учун давлат органлари вазифаларини аниқлаштириш ва такрорланиши қисқартириш бўйича ишларни амалга оширишга тўғри келади. Шунингдек Ўзбекистонда давлат секторининг самарадорлиги учун жуда муҳим бўлган ҳамда маълумотларга асосланган режалаштириш маданиятини ва ташкилотларда ўрганишни рағбатлантирувчи бошқарувни илгари суриш зарур. Буларнинг барчаси, Ўзбекистонда амалдаги бошқариш тизими билан бир бўлиб, мамлакатга ижтимоий соҳада тезкор ва муваффақиятли ислоҳотларни амалга ошириши учун тўқнашишга тўғри келадиган истиқболлар ва муаммоларни белгилайди. Ушбу ислоҳотлар болалар дуч келаётган тўсиқларни бартараф этиш учун зарур. Лекин, кўпгина бошқа мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, бундай ислоҳотлар узоқ вақт сарфланишини талаб қиласиди. Бу эса ўз навбатида халқаро ҳамжамият томонидан ҳам узоқ муддатли кўмакни тақозо қиласиди.

## Юзага келаётган муаммо ва имкониятлар

Шу билан бирга Ўзбекистон келажакда янада каттароқ эътибор ва пухта мониторинг ўтказишни талаб қиласиган қатор янги истиқболлар ва муаммолар билан тўқнашмоқда. Шулар қаторига демографик вазият ва у, айниқса, таълим секторида юзага келтирган босим киради. Шунингдек, демографик вазият таълим секторига йирик сармояларларни киритиш ва уни қўллаб-қувватлаш лозимлигини таъкидлайди. Бу энг муҳим соҳалардан бири бўлиб, Ўзбекистонга демографик дивидендан фойдаланишга имкон беради, чунки шу туфайли мамлакатга бир неча йил ичida юқори малакали ёш авлодни тарбиялашга имкон беради. Бундан ташқари, вазиятни таҳлил қилиш натижасида аниқланганидек, Интернет тармоғидан тобора кенг фойдаланиш ва ижтимоий тармоқларга кириш келажакда болалар фаровонлиги учун нафақат янги имкониятларни яратиши, балки янги юзага келаётган муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Саломатлик учун қуидаги янги ва кўпайиб бораётган таҳдидлар мавжуд: руҳий саломатлик, ёшлар орасидаги ОИВ инфекцияси, кўргина дори воситаларига чидамли сил касаллиги, ортиқча вазн ва семириб кетишдан иборат бўлиб, соғлиқни сақлаш соҳасида “тугалланмаган кун тартибиға” қўшимча равишда эътибор талаб қиласиди, ва бу масалани ҳал қилиш устида мамлакатда кей-

инги бир неча йил давомида иш олиб борилмоқда. Можаролар рўй бераётган худудлардан қайтаётган болалар яқиндан бошлаб давлат эътиборини жалб қила бошлади ва, эҳтимол, келгусида бу муаммо долзарблигича давом этади. Одам савдоси қурбони бўлган ёшлар ва болалар, васийлик тизимидан чиққан ёки озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо муддатини ўтаётган ёшлар жамиятга реинтеграциялашишда ёрдамга муҳтож бўлади. Чамаси, оила – ижтимоий институт сифатида, ўзгараётганга ўхшайди, ажримлар сонини ўсиши, уйдаги зўравонлик ҳолатлари каби янги тенденциялар юзага келмоқда ва ушбу муаммоларни келгусида янада ўйғун ва ҳар томонлама ҳал қилиш лозим бўлади. Оила бола учун энг биринчи ҳимояловчи муҳит ҳисобланади ва болалар омон қолиши, ривожланиши, таълим олиши, ҳимояга эга бўлиши ва ижтимоий таъминланиши учун улкан аҳамиятга эга. Мамлакат болаларига ғамхўрлик қиласиган давлат учун оила сармояларни йўналтирадиган биринчи навбатдаги устуворликка айланиши даркор. Ва ниҳоят, иқлим ўзгариши, ҳозир ҳам, ишонч билан айтиш мумкинки, келгусида ҳам болалар учун чинакам ва муайян хатарларни келтириб чиқаради. Ҳеч бўлмаганда, иқлим ўзгариши Ўзбекистондаги болалар саломатлигига қандай таъсир кўрсатаётганлигини мониторинг қилиш, ушбу глобал таҳдиддинг болалар таълими, камбағаллик даражаси ва умумий

фаровонлигига таъсирини қандай юмшатишга оид таълим ва ижтимоий ҳимоя масаласида мулоқот бошлаш фойдали бўлар эди.

### Хуносалар

Она ва бола саломатлиги яхши бўлиши, бола туғилишиданоқ сифатли озуқа билан таъминланиши, сифатли мактабгача таълим олиш имкониятлари янада ортиши, умумий ўрта таълим сифати ўсиши, болалар ҳаётига таъсир кўрсатувчи қарорларни қабул қилиш жараённада қатнашишда болаларга кўпроқ имкониятлар берилиши, олий таълим имкониятларидан баҳраманд бўлиш имконияти тақдим этилиши ва ижтимоий нафақалар билан қамраб олиш доираси янада кенгайиши; ота-оналарининг қарамоғисиз қолган болалар сонини камайтириш ва болаларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш борасида мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар қўлланилиши Ўзбекистондаги ёш авлодни гуллаб-яшнайдиган авлодга айлантиришда ёрдам бериши мумкин. Лекин шуларнинг ўзи етарли эмас. Ўзбекистон болалар ҳуқуқларини амалга оширишда янада сезиларли тараққиётга эришиши учун энг муҳтоҷ болалар аҳволини таҳлил қилиши ва бундай муҳтоҷлик кўп тарқалган соҳаларда тенгсизликни қисқартиришга қаратилган миллий сиёsat ва режаларни ишлаб чиқиши зарур. Шунингдек мавжуд соғлиқни сақлаш,

таълим, ижтимоий ҳимоя ва болаларни ҳимоя қилиш тизимларининг фаолият юритиш негизида мужассамлашган айrim таркибий тўсиқларни ўрганиш ва бартараф этиш, ҳамда болалар ҳаётига таъсир қилувчи қарорлар қабул қилинишида болаларнинг ўзи иштирок этиши механизмлари ва жараёнларини белгилаш шарт.

### Тавсиялар

Ижтимоий соҳада давом этаётган жорий ислоҳотларга қўшимча равишда Ўзбекистонда болаларга нисбатан тенгсизликни бартараф этишга ёрдам бериши лозим бўлган қўйидаги тавсиялар келтирилади:

**1 тавсия:** Болалар камбағаллигига таъсир кўрсатадиган ва улар кундалик ҳаётида дуч келадиган ёмон саломатлик, таълимдаги этишмовчиликлар, турмуш даражасининг пастлиги, зўравонликка учраш таҳди迪 ва шу жумладан, экологик жиҳатдан хавфли ҳудудларда яшаш каби турли омиллар таъсирини баҳолашга имкон берадиган болалар камбағаллигини ўлчаш бўйича кўп жиҳатли кўрсаткични ишлаб чиқиши.

**2 тавсия:** Болалар камбағаллигининг кўп жиҳатли ўлчови натижаларини ҳисобга олиш учун ресурсларни тақсимлаш бўйича мавжуд формулани қайта кўриб чиқиши.

**3 тавсия:** Болалар эҳтиёжларига ва турли хавфлар ва таҳдидларга таъсирини камайтиришга ёрдам берадиган ҳамда ижтимоий таъминот, ижтимоий хизматлар дастурлари ва меҳнат бозоридаги дастурларнинг самарали интеграциялашуви учун ижтимоий ҳимоя тизимини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш.

**4 тавсия:** Ёшлар стратегиясига ёшлар орасидаги NEET («Бандлик, таълим ва ўқув билан қамраб олинмаган») даражасини пасайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни киритиш орқали ёшлар стратегиясини янгилаш; камситувчи гендер меъёрларини бартараф этиш ва ёш аёллар иштирок этиши учун имкониятларни кенгайтириш; стипендия дастурларини кенгайтириш; бандликка ёрдам бериш; Интернет ва ижтимоий тармоқлардан хавфсиз фойдаланишга ёрдам бериш.

**5 тавсия:** Ногиронлиги бўлган болалар учун профилактика чораларини кучайтириш, ногиронлиги бўлган болалар учун эрта аниқлаш ва аралашиш, инклюзив таълимни ислоҳқилиш, ногиронлиги бўлган болалар учун реабилитация ва таълим олиш имкониятларини яхшилаш; ногиронлиги бўлган одамларга нисбатан стигма ва камситишга қарши курашиб ёйича коммуникация стратегияларини ишлаб чиқиш; ногиронлиги бўлган одамлар-

нинг иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш орқали имконияти чекланган болалар дуч келадиган ноқулайликларни камайтириш учун стратегияси ва харажатлар кўрсатилган ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш.

**6 тавсия:** Мактабгача таълим билан қамраб олишни тезлаштириш, таълим олишни бу соҳадаги ислоҳотнинг асосий вазифасига айлантириш ва таълим сифатини оширишга комплекс ёндашувни таъминлаш орқали ҳозирги вақтда таълим секторида олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш йўли билан барча даражаларда таълим бериш сифатини ошириш.

**7 тавсия:** Олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида, ҳомила пайдо бўлган вақтдан бошлаб, эрта болаликда ва ёшлиқда соғлиқни сақлаш ва соғлом овқатлантириш бўйича хизматларини яхшилаш.

**8 тавсия:** Болаларга оид ижтимоий меъёrlар ва зўравонлик тўғрисидаги билимларни яхшилаш.

**9 тавсия:** Энг заиф деб топилган алоҳида худудларда ўтказиладиган ислоҳотларнинг комплекс, интеграциялашган ва мувофиқлаштирилган тажриба-синов (пилот) лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш .

# 1



# КИРИШ

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси 2016 йилдан бошлаб барча ижтимоий соҳаларни қамраб оладиган, ҳукуматнинг фуқаролар олдидаги масъулиятининг янги стандартини белгилайдиган ва Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини амалга ошириш истиқболларини қайта кўриб чиқадиган ислоҳотлар жараёнини бошлаб юборган. Ушбу ислоҳотлар мураккаб шароитларда амалга оширилмоқда. Бу масалада Ўзбекистонда мавжуд бўшлиқларни ва болалар ҳуқуқларини амалга оширишдаги тенгсизликни бартараф этиш учун ижтимоий сиёsat ва ижтимоий хизматлардаги ўзгаришлар инновациялар ва билимни талаб қиласди. Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари каби, Ўзбекистон ҳам кўп жиҳатдан иқлим ўзгариши таъсирига дуч келмоқда, табиий оғатлар, айниқса зилзилалар, ўририлишлар ва қурғоқчилик хатарига учра-

моқда. Қорақалпоғистон Республикасининг Орол денгизи ҳудудидаги экологик ҳалокат бутун Марказий Осиё минтақаси учун ўта жиддий муаммолигича қолмоқда. Орол денгизидаги фалокат сабабли янада мураккаблаштирилган иқлим ўзгариши натижасида Ўзбекистон сув етишмовчилиги муаммоси билан тўқнашмоқда, бу эса ўз навбатида мамлакатнинг айrim ҳудудларида озиқ-овқат хавфсизлигининг кескинлашувига олиб келиши мумкин<sup>1</sup>. Келгусида ЯИМ ўсиши таҳмин қилинаётган<sup>2</sup> бўлса-да, 2017 йилда Ўзбекистонда ЯИМ нинг 0,1% миқдорида бюджет дефицити<sup>3</sup> мавжуд бўлган, мамлакатнинг ташқи қарздорлиги эса 2016-2019 йиллар давомида 100% дан ортиқ миқдорга ўсган<sup>4</sup>. Айнан ана шундай шароитларда ЮНИСЕФ Ўзбекистонда болалар вазиятининг таҳлилини ўтказмоқда.

1 Рахматуллаев, Абдуллаев ва Казбеков (2017 й.), «Марказий Осиёда сув-энергетик-саноат-экологик боғлиқлик: ўтиш давридан – ислоҳот сарі», маълумотлар олинган манба: [https://www.researchgate.net/publication/321673745\\_Water-Energy-Food-Environmental\\_Nexus\\_in\\_Central\\_Asia\\_From\\_Transition\\_to\\_Transformation](https://www.researchgate.net/publication/321673745_Water-Energy-Food-Environmental_Nexus_in_Central_Asia_From_Transition_to_Transformation).

2 Жаҳон банки (2019 й.), «Ўзбекистон: Янги, янада очиқ иқтисодиёт йўлида», маълумотлар олинган манба: <https://www.worldbank.org/en/country/uzbekistan/publication/economic-update-summer-2019>

3 PEFA (2018 г.), «Давлат харажатларининг самараదорлиги ва молиявий ҳисобдорликни баҳолаш бўйича ҳисобот» (PEFA), манба: <https://www.google.com/url?sa=t&rct=j&q=&esrc=s&source=web&cd=1&cad=rja&uact=8&ved=2ahUKEwj28a3oiejLAhUkxaYKHRQkDfsQFjAAegQIBAC&rl=http%3A%2F%2Fdocuments.worldbank.org%2Fcurated%2Fen%2F869221561673501123%2FUzbekistan-2018-Public-Expenditure-and-Financial-Accountability-PEFA-Performance-Assessment-Report.docx&usg=A0Vwaw1nkYlv5e2iaVesQBb4-6i0>

4 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (2019 й.), Миллий жамлама маълумотлар, қуйидаги манбада мавжуд: [https://www.mf.uz/media/GDDS/pdf/Public\\_External\\_Debt.pdf](https://www.mf.uz/media/GDDS/pdf/Public_External_Debt.pdf).

Ушбу ҳисобот 2016 йилда бажарилган «Ўзбекистонда аёллар ва болалар вазиятининг таҳлили» деб номланганн ҳисоботнинг янгиланган намунаси ва ЮНИСЕФнинг «Янги авлод вазиятининг таҳлили» (Ситан) туркум ҳисоботларининг биринчиси бўлиб, унинг мақсади – болалар, уларнинг ҳуқуқлари ва фаровонлигига оид вазиятни таърифлайдиган таҳлилни ифодаловчи етакчи ҳисоботга айланишдан иборат. Ҳуқуқларга асосланган ушбу таҳлил болалар ҳуқуқларини амалга оширишдаги тараққиёт, муаммолар ва имкониятлар, болалар фаровонлиги ва улар бошдан кечираётган тенгсизликларни ўрганиди. Ҳисоботда болалар ҳуқуқларини рўёбга чиқариш йўлида тўсқинлик қилаётган ушбу тенгсизликларнинг бевосита, асосий ва таркибий сабаблари таҳлил қилинади. Ҳисоботда ҳуқуқларни амалга оширишдаги тенгсизликлар ҳамда улар, масалан, ўғил ва қиз болалар, шаҳар ва қишлоқ жойлари, ҳудудлар ва турли болалар гуруҳлари ўртасида қай даражада намоён бўлиши кўриб чиқлади. Шунингдек, энг муҳтоҷ болалар аҳволи ва улар қаторига тушиб қолишда энг катта хатарга учраётган болалар ҳақида баён қилинган. Шубилан бирга ҳисббот гендер омиллари ва хатарларини таҳлилини ўзига киритади. Гендер соҳасида амалга оширилган таҳлилда ўғил ва қиз болалар ҳуқуқларини амалга оширишдаги тенгсизликлар ва тафовутларни изчил

аниқлашга ҳаракат қилинган. Унда ушбу тафовутлар юзага келишига муайян омиллар қайдаражада сабабчи бўлганлиги ҳамда ўғил ва қиз болалар, эркаклар ва аёлларга нисбатан тенгсизлик масалалари таркибийсабаблари урганиб чиқлади. Таркибий сабаблар таҳлили тенгсизликларга таъсир кўрсатадиган ҳамда Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини амалга оширишга ғов бўладиган ва чуқур илдиз отган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва техник омилларини аниқлайди. Хатарларни таҳлил қилиш масаласида ушбу тадқиқотда Ўзбекистонда мавжуд таҳликалар кўриб чиқлади ва мавжуд вазият, сабаблар, турли маъсүл томонларнинг кучли ва заиф томонлари ушбу хатарларни енгиш қобилиятига қандай таъсир кўрсатишини инобатга олади. Тўплangan маълумотлар таҳлили турли секторларда болалар ҳуқуқларини амалга оширишда тафовутлар ва янги пайдо бўлаетган муаммолар мавжудлигини ҳамда географик жойлашув ва оғатларга дуч келиш хавфи уларга қандай таъсир кўрсатишини кўрсатиб беради.

Ушбу вазият таҳлили мамлакатда болалар ҳуқуқларини рўёбга чиқариш борасидаги ўзгаришларга ҳисса қўшиши мумкин бўлган ЮНИСЕФ, бошқа халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти, хусусий сектор, ҳукумат ва шулар каби кенг доирадаги манфаатдор томонлар фойдаланиши учун мўлжалланган.

Шунингдек мазкур таҳлил ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон ҳукуматининг ҳамкорлигига оид янги 5-йиллик ҳамкорликдаги мамлакат дастурини ишлаб чиқиш жараёнини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган. Ушбу жараён яқин йилларда ЮНИСЕФ ва шерик томонларнинг саъй-ҳаракатлари қаратилиши мумкин бўлган болаларга нисбатан устуворликлар ва янги юзага келаётган муаммоларни аниқлашга ёрдам беради. Ҳисобот етти бобдан ташкил топган. Биринчи боб – кириш қисмидир. Унинг иккинчи бобида кўтарилиган мавзу юзасидан мамлакатдаги вазиятга оид умумий маълумотлар келтирилган. Сўнг соғлиқни сақлаш ва ривожланиш, таълим ва ривожланиш, ижтимоий ҳимоя, зўравонлик, эксплуатация, бешафқат муоммадан ҳимоя қилиш соҳаларида болалар ҳуқуқларини амалга оширишда эришилаётган тараққиёт ва мавжуд муаммолар, ҳамда болалар ҳаётига

бевосита таъсир қиласидиган масалалар ва қарорларни қабул қилишда болалар иштироқини таъминлаш тўғрисида баён этилган мазмундор боб эътиборингизга ҳавола қилинган. Шунингдек, унда ҳар бир соҳанинг кейинги ривожланишига тўқсинглик қиласидиган бевосита ва асосий сабаблар ҳам кўриб чиқлади. Тўртинчи бобда эса учинчи бобда акс эттирилган барча соҳалар бўйича тенгсизликнинг ўзига хос қонуниятлари аниқланади. Бешинчи бобда болалар ҳуқуқларининг барча соҳаларига дахл қиласидиган ва келгусида тараққиётга эришиш истиқболларига таъсир кўрсатадиган, чуқур ўрнашиб қолган таркибий сабаблар таҳлил этилган. Олтинчи бобда келгусида болалар ҳаётига ўз таъсирини ўтказадиган янги ва юзага келаётган муаммолар аниқланади ва уларнинг қисқача шарҳи берилади. Еттинчи бобда тегишли хулоса ва тавсиялар ўз ўрнини эгаллаган.



## СИТАН ҲИСОБОТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЖАРАЁНИ

Ситан ҳисботини ишлаб чиқишда консультатив, кенг иштирокка асосланган ёндашув кўйланилган ва қўйидаги расмда кўрсатилганидек, беш босқичда амалга оширилган.

### SitAn ни ишлаб чиқиш жараёни



Таҳлил методологияси ва тадқиқот масалалари янги авлод вазият таҳлилини (Ситан) тадқиқ этиш учун ЮНИСЕФ штаб-квартирасининг кўрсатмаларига асосланган ва Ўзбекистон шароитларига мослаштирилган. Тадқиқот методологияси ва масалалари ЮНИСЕФ нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва маслаҳатларда қатнашувчи партнерлар билан келишилгандан кейин, маълумотларни йиғиш жараёни

бошлиб юборилди. Маълумотларда аниқланган бўшлиқларни тўлдириш учун бутун жараён давомида маълумотларни тўплаш ва баҳолаш ишлари давом этди. Шунингдек бутун жараён давомида мавжуд маълумотларни тўлдириш ва триангуляция қилиш учун маълумотларнинг янги манбалари аниқланди. Керакли маълумотларни йиғиш жараёни ҳисбот матни бутунлай якунланмагунга қадар давом этди.


Қўлланилган методология иккиламчи сифатли ва миқдорий маълумотларни шарҳлаш ва таҳлил қилишни ҳамда турли манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашишини ўзига киритган. Маълумотлар манбаларида ЮНИСЕФ ва бошқа манбаатдор томонларнинг нашр қилинган ва нашр қилинмаган ҳисоботлари мавжуд. Ушбу чоралар давлат органларига миқдорий маълумотлар юзасидан талабномалар узатиш ва турли давлат органлари томонидан тайёрланган ва эълон қилинган ҳар йилги статистик ҳисоботлар шарҳи билан тўлдирилди. Шунингдек Ситанда халқаро ҳисоботлар ва тадқиқот ишлари фойдаланилган, уларнинг айримлари тақриз қилинадиган журналларда босиб чиқарилган. Шу билан бирга маълумотлар манбалари ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро манбаатдор томонлар билан маслаҳатлашиш жараёнида аниқланган. Маслаҳатчилар ҳам мустақил равишда тақриз ёзиладиган мақолалар, глобал ва минтақавий маълумотлар базалари каби маълумотлар манбаларини аниқланган. Бир неча маълумотлар манбалари шарҳдан чиқариб ташланди. Бу конфиденциал ҳисобланган ва этика экспертизасини олиши лозим бўлган иккиламчи маълумотлар базаларига тегишли эди. Айни пайтда, сифат стандартларига мос келмайдиган айрим ҳисоботлар ҳам чиқариб ташланди. Масалан, дастлабки маълумотлар манбаларига

етарлича ишора қилмайдиган ва, эҳтимол, қарама-қарши ёки етарли даражада пухта таҳлил тақдим этмайдиган ҳисоботлар ҳам ушбу Ситан таҳлилидан чиқариб ташланган. Гуруҳ маслаҳатлашувлари давомида ҳам маълумотларни тўплаш ишлари бажарилган. Маълумотларни йиғиши миссияси давомида 2019 йил июль ойида фуқаролик жамияти, давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва ЮНИСЕФ билан алоҳида маслаҳатлашувлар ўтказилди. Ушбу маслаҳатлар ҳам қўллаш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш, ҳам асосий тенденциялар, тараққиёт ва мавжуд салоҳият тўғрисида манбаатдор томонлар билан маслаҳатлашиш учун хизмат қилди. Бола ҳуқуқларининг турли соҳаларида ривожланиш йўналишларини батафсил муҳокама қилиш учун ЮНИСЕФнинг дастурий секциялари билан ҳам сессиялар ўтказилди. Ушбу бирламчи маслаҳатлашувлар ва маълумотлар таҳлили асосида энг муҳим масалаларнинг дастлабки рўйхати тузилиб, иккинчи миссия вақтида ва 2019 йилнинг август ойида ЮНИСЕФ билан ўтказилган семинарда тақдим этилган. Семинар давомида аниқланган тенгсизликлар тўғрисидаги фикрлар тўпланди ва ЮНИСЕФ ходимлари гуруҳларда сабаб-оқибатли алоқаларни таҳлил қилиш устида иш олиб бордилар. Бу адабиётни шарҳлашни давом эттириш ва маълумотларни тўплашга хизмат қилди.

Мавжуд маълумотлар триангуляция қилиш ва августда бўлиб ўтган семинар давомида аниқланган тенденциялар, сабаб-оқибатли алоқаларни тасдиқлаш учун қўлланилди. 2019 йил октябрь ойида давлат органлари вакиллари билан тасдиқлаш учрашуви бўлиб ўтди. Жорий ҳисоботда тақдим этилган маълумотлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси кўмагида ташкил этилган семинарда давлат ва халқаро манфаатдор томонлар вакиллари билан муҳокама қилинди. Ушбу ҳисобот методологияси болалар ҳуқуқларини таҳлил қилишга асосланади. Тадқиқотда

айтилганидек, болалар ҳуқуқлари амалга оширилиши ёки оширилмаслигининг сабабларини болаларнинг турмуш шароитларида излаш керак, ҳамда уларга ваколатли органлар имкониятлари ва болаларни парваришилаш бўйича тегишли мажбуриятларни бажарувчи органлар ёки шахслар таъсир кўрсатади. Мазкур ваколатли органлар ёки шахслар бир неча даражаларда, шу жумладан бевосита бола атрофидаги муҳитда, масалан оила ва маҳаллий ҳамжамиятлар даражасида, маҳаллий ва миллий тизимларда, хизматлар ва ташкилотларда тақсимланган.

#### Таҳлилий асос



# 2



# МАМЛАКАТ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

# МАМЛАКАТ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

## Демографик кесим

Аҳоли сони 33,5 миллиондан ортиқ кишидан<sup>1</sup> иборат бўлган Ўзбекистон Марказий Осиёда аҳоли энг зич яшайдиган мамлакат ҳисобланади<sup>2</sup>. Аҳолининг гендер тақсимилашуви мутаносиблашган: аёллар 50,3% ва эркаклар 49,7% ни ташкил қиласди, ва бундай мувозанат барча ёш гуруҳлар кесимида сақланиб туради<sup>3</sup>. Кейинги 20 йил ичидаги аҳоли сони ўрта ҳисобда 1,38% га ўсади. БМТ нинг таҳминига кўра, 2030 йилга келиб мамлакат аҳолиси 37 миллион кишидан ошиб кетади<sup>4</sup>. Ўзбекистон кўп миллатли давлат: 83,8% ўзбеклар, 4,8% тоҷиклар, 2,5% қо-

зоқлар, 2,3% руслар, 2,2% қорақалпоқлар яшайди<sup>5</sup>. Давлат тили – ўзбек тили ҳисобланади. Ўзбекистон эрта демографик дивидендларга эга мамлакат сифатида таснифланади<sup>6</sup>, яъни бу ота-оналар қарамоғида яшайдиган болалар коэффициенти паст даражада ва меҳнатга яроқли аҳоли улуши юқори эканлигидан далолат беради<sup>7</sup>. Аҳоли асосан ёшлардан иборат – яшовчиларнинг 45,5% ни 25 ёшга тўлмаганлар ташкил қиласди<sup>8</sup>. Меҳнатга яроқли ёшдан кичикроқ бўлганлар сони аҳолининг умумий сонидан 30,5% ни, меҳнатга яроқли ёшдагилар - 59,3%, меҳнатга яроқли ёшдан катта ёшдаги-

1 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (2019 й.), «Демографик вазият», маълумотлар олинган манба: <https://stat.uz/en/press-center/news-committee/181-ofytsyalnaia-statystika-en/6383-demography>

2 Марказий разведка бошқармаси (2019), Жаҳон Фактлар китоби, маълумотлар қўйидаги манбадан олинган: <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/geos/uz.html>.

3 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (2019 й.), «Гендер статистикаси», маълумотлар олинган манба: <https://gender.stat.uz/en/osnovnye-pokazateli-en/demografiya-en/naselenie-en/411-ozhidaemaya-prodolzhitelnost-en>

4 БМТ Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаментининг аҳолишунослик бўлими (2019 йил) маълумотлар олинган манба: <https://population.un.org/wpp/DataQuery>.

5 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (2017 й.), маълумотлар олинган манба: <https://stat.uz/en/435-analiticheskie-materialy-en1/2075-demographic-situation-in-the-republic-of-uzbekistan>

6 Жаҳон банкининг типологиясига мувофиқ демографик дивидендларга эга бўлган 4 турдаги мамлакат мавжуд: дивиденддан олдинги босқичдаги, эрта дивиденд босқичидаги, кеч дивиденд босқичидаги ва пост-дивиденд босқичидаги мамлакатлар бўлиб, аҳоли орасида меҳнатга яроқли одамлар улушининг нисбати юқори бўлганда эришиш мумкин бўлган иқтисодий ўсишини ўлчайди. Шунингдек қаранг "2015/2016 йилги глобал мониторинг ҳисоботи: демография ўзгаришлар даврида ривожланиш максадлари.", Жаҳон банки гурухи (2016), Вашингтон, Колумбия худуди: Жаҳон банки ва 2017 йил бўйича аҳоли ва фертиллик тўғрисидаги маълумотлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти, аҳолишунослик бўлими, "Жаҳон аҳолисининг истиқболи: 2017 йилги аудит", Нью-Йорк, Нью-Йорк: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

7 ЮНИСЕФ (2018 й.), «2030 авлоди, Ўзбекистон: демографик дивидендга эришиш учун болалар ва ёшлар ривожланишига инвестицияларни киритиш вақти келди».

8 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (2019 й.), «Демографик вазият», маълумотлар олинган манба: <https://stat.uz/en/press-center/news-committee/181-ofytsyalnaia-statystika-en/6383-demography>

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой, иқтисодиёти марказлашган режалаштириш асосидаги тартибдан эркин бозор иқтисодиётига ўтиши давридаги мамлакатдир. Мамлакат 2016 йилдан бошлаб қатор мұхым сектор ва соҳаларда ислоҳотларни амалга оширмоқда.

лар - 10,2% ни ташкил этади<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда миграция кенг ривожланған. Ташки меҳнат миграцияси жараёни ишчи кучи асосан Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларидан Россия, Қозоғистон, Туркия, Корея Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа мамлакатларга бориши билан ифодаланади. Турли манбалар ҳар бир мамлакат бўйича миграция йўналишларига оид турли рақамлар ҳақида хабар беришмоқда, чунки мигрантлар кўпинча рўйхатдан ўтмаслиги, миграциянинг даврийлиги ва бир шахснинг ўзи чегарадан кўп маротаба ўтиши сабабли мигрантларнинг аниқ сонини ҳисоблаб олиш мураккаб. Экспертларнинг баҳолашларига кўра, Ўзбекистонлик меҳнат мигрантларидан қарийб 3 млн. нафари Россияда, тахминан 1 млн. нафари Туркияда, Қозоғистонда эса – қарийб 800 минг нафари меҳнат қиласди<sup>2</sup>. Россия рублининг қадрсизланиб кетиши ва умумий иқтисодий пасайиш кузатилиши, ва айни пайтда Ўзбекистон меҳнат бозоридаги вазият яхшиланиши меҳнат ми-

грантларини ўз юргига қайтиб келишига олиб келмоқда. Ўзбекистонга келиб тушаётган пул маблағлари оқими юзасидан турли манбалар ҳар хил рақамларни келтирмоқда. 2019 йилда Жаҳон банки Ўзбекистон (Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар билан бирга) Россиядаги иқтисодий ўсишдан фойда кўрганлиги тўғрисида хабар берди ва 2018 йилдаги пул ўтказмаларини мамлакат ЯИМнинг 9% га тенг этиб баҳолади<sup>3</sup>.

### Сиёсий иқтисодиёт ва бошқариш

Ўзбекистон – бевосита денгизга чиқиш йўлларига эга бўлмаган, табиий ресурсларга бой мамлакат. Пахта ишлаб чиқариш бўйича дунёда еттинчи ўринни, табиий газ қазиб чиқариш ҳажми бўйича – 15-чи ўринни эгаллаб келишига қарамасдан, мамлакат иқтисодиёти ҳалигача кўп жиҳатдан пахта етишириш ва углеводородларни қазиб чиқаришга боғлиқлигича қолмоқда<sup>4</sup>. Мамлакат ҳукумати пахта етиширишга боғлиқликни камайтириш

1 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўнимитаси (2019 й.), «Демографик вазият», маълумотлар олинган манба: <https://stat.uz/en/press-center/news-committee/181-ofitsialnaia-statistika-en/6383-demography>.


2 Халқаро миграция ташкилоти (2016 й.), «Марказий Осиёда мигрантлар заифликлари ва миграция эҳтиёжлари: асосий сабаблар, қайтувчи миграциянинг ижтимоий ва иқтисодий таъсири». Астана: XMT.

3 Жаҳон банки (2019 й.), «Мигрантлар пуллик ўтказмалари оқиб келиши», маълумотлар олинган манба: <https://www.knomad.org/sites/default/files/2019-04/Remittance%20Inflows%20Apr%202019.xlsx>.

4 Марказий разведка бошқармаси (2019), Халқаро маълумотнома, маълумотлар олинган манба <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/geos/uz.html>.

## АҲОЛИ ТАҚСИМЛАНИШИ

Шаҳарларда яшовчилар сони 16,9 млн. кишини ташкил қиласиди (аҳолининг умумий сонидан - 50,5%), мамлакат пойтахти Тошкент энг йирик шаҳар ҳисобланади (аҳолиси 2,5 млн. киши). Аҳолининг қарийб ярми (44,9%) мамлакат шарқида – Фарғона водийсида, ва шимоли-шарқида – Тошкент вилоятида (шу жумладан Тошкент шаҳрида) истиқомат қиласиди. Қуидаги расмда аҳолининг мамлакат ҳудудлари бўйлаб тақсимланиши акс эттирилган (% ҳисобида).



чораларини кўрятти. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, мамлакатнинг ялпли ички маҳсулоти (ЯИМ) 49,7 млрд. АҚШ долларини ташкил қиласди, ЯИМ дан аҳоли жон бошига эса 1 535 АҚШ доллари тўғри келади (2018 йилдаги жорий нархларда)<sup>1</sup>. 2018 йилда ЯИМ ўсиши 5,1% га етди<sup>2</sup>. Мамлакат иқтисодиёти марказлашган режалаштириш тартибидан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида<sup>3</sup>. Ҳукумат 2016 йилдан бошлаб мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қила бошлади, лекин ҳозирча бу хорижий инвестициялар миқдорининг сезиларли ўсишига олиб келмади. Бозор иқтисодиётига «босқичма-босқич» ўтиш ёндашуви қўлланилиши сабабли, кўпгина тармоқлар ҳали ислоҳ қилинмаган, хусусийлаштириш даражаси ҳам пастлигича қолмоқда<sup>4</sup>. Айрим бир давлат манбаларига кўра, норасмий иқтисодиёт ЯИМ нинг 50% дан ортигини ташкил қиласди<sup>5</sup>. Янги ҳукумат қатор ислоҳотлар орқали, шу жумладан, 2017 йилда валюта айирбошлаш курсининг икки (уч) ҳиссали механизмига барҳам бериш мақсадида, миллий валютанинг конвертациясини жорий

қилиш йўли билан норасмий иқтисодиётни чеклаш чораларини татбиқ қилди. Бу чора асосий халқаро валюталарга нисбатан миллий валюта курсининг пасайишига олиб келди<sup>6</sup>. Ўзбекистон Республикаси президентлик конституцион республика бўлиб, унда Ўзбекистон Президенти бир вақтда ҳам давлат раҳбари, ҳам ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. Мустақилликка эришган кундан бошлаб, 2016 йил сентябргача Ўзбекистонни президент Ислом Каримов бошқарди. Президент Ислом Каримов 2016 йил 2 сентябрда вафот этганидан кейин бosh вазир Шавкат Мирзиёев парламент томонидан вақтинча президент вазифаларини бажарувчи сифатида тайинланди, 4 декабрда эса сайловчиларнинг 89% овози билан Либерал-демократик партия номидан президент лавозимиға сайланди<sup>7</sup>. Ҳокимият Конституцияга биноан, ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида бўлинган. Ижро этувчи ҳокимият ҳукумат томонидан амалга оширилади, қонун чиқарувчи ҳокимият эса Олий Мажлиснинг икки палатаси (Сенат ва Қонунчилик палатаси) томонидан юритилади. Суд ҳокимияти суд ваколатларини

1 Жаҳон банки (2019 й.), «Ўзбекистон шархи», маълумотлар олинган манба: <https://www.worldbank.org/en/country/uzbekistan/overview>.

2 Жаҳон банки (2019 й.), «Ўзбекистон: Янги, янада очиқ иқтисодиёт йўлида», маълумотлар олинган манба: <https://www.worldbank.org/en/country/uzbekistan/publication/economic-update-summer-2019>

3 Марказий разведка бошқармаси (2019), маълумотлар олинган манба., <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/geos/uz.html>

4 Қаранг, масалан, Абдуллаев У.(2020) «Ўзбекистондаги давлат корхоналари: шарҳ ва ислоҳотларнинг айрим устуворликлари», Осиё Тараққиёт Банки Институти, маълумотлар олинган манба: <https://www.adb.org/sites/default/files/publication/560601/adbi-wp1068.pdf>

5 UzReport (2018 й.), «Яширин иқтисодиёт Ўзбекистон ЯИМнинг 50% ни ташкил қиласди», маълумотлар олинган манба: <https://uzreport.news/economy/shadow-economy-has-50-share-in-uzbekistans-gdp>

6 Исламов ва бошқалар (2018 й.), «Айирбошлаш курси сиёсатини либераллаштириш: Халқаро тажриба ва Ўзбекистон учун сабоқлар», Бозор Иқтисодиёти Муаммолари, 1 сони.

7 Манба: <https://www.gazeta.uz/ru/2016/12/05/winner/>

Олий суд ва Конституциявий суд орқали амалга оширади. Мамлакат маъмурий жиҳатдан 12 вилоят, 1 автоном республика ва 1 республика бўйсунувидаги шаҳарга бўлинган. Ҳар бир минтақада давлат сиёсатини амалга ошириш учун жавоб берадиган маъмурий органлар мавжуд. Ўзбекистонда яшаш жойи бўйича маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар институционаллаштирилган. Маҳаллалар ўзбек маданиятида асрлар давомида мавжуд бўлган, анъаналар билан қалин боғланган ва ижтимоий меъёрлар ва маҳаллий урф-одатларга жиддий таъсир кўрсатади. Маҳаллалар тизими ҳозирги вақтда 30 дан ортиқ маъмурий функцияларни, шу жумладан бошқариш ва ижтимоий нафақаларни тақдим этиш ишларини бажаради. Ҳар бир маҳалла раиси ва котибига давлат томонидан иш ҳақи тўланади, маҳалла раҳбари лавозимига номзодлар маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланади, лекин маҳалланинг кўпгина бошқа вазифалари учун ҳақ тўланмайди. 2020 йилда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилиб, аввалги Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” ва “Нуроний” Жамғармаларини бирлаштириди<sup>1</sup>.

Мамлакатда ҳануз ҳалқаро миқёсдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) кам. 2018 йилда қабул қилинган янги қонун (Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун) жамоатчилик томонидан назорат олиб борилиши учун хукукий доираларни белгилайди. Шундан кейин қабул қилинган бир неча фармон, қарор ва фармойишлар Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг янги ролига йўл очиб берди<sup>2</sup>. Адлия вазирлигининг маълумотларига кўра, 2018 йилда Ўзбекистонда 9 235 ННТ рўйхатга олинган<sup>3</sup>. Лекин уларнинг кўпчилиги давлат томонидан яратилган ва маблағ билан таъминланади. Маҳалла қонун томонидан нодавлат ташкилот сифатида эътироф этилган<sup>4</sup>.

#### Фавқулодда вазиятлар хатари

Ўзбекистон хавф-хатар даражаси паст (10 дан 3 га баҳоланади) ва табиий оғатлар хатари юқори бўлган мамлакат сифатида эътироф этилади<sup>5</sup>. Мамлакат учун зилзилалар рўй бериши энг катта хатар ҳисобланади, айни пайтда ер ўпирилиши, қурғоқчилик ва эпидемиялар ҳам жиддий хавф туғдиради<sup>6</sup>. Ўзбекистонда юқори ҳарорат, ёғингарчилик тартиби бузилиши,

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги №5938-сонли «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

2 Масалан, қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил май ойидаги «Мамлакатнинг демократик янгиланиши жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

3 Манба: <https://www.minjust.uz/ru/about/statistics/>

4 «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

5 Inform Global Risk Index (2018), манба: <https://drmkc.jrc.ec.europa.eu/inform-index/Results-and-data/INFORM-2018-Results-and-data>

6 Ibid. Шу ернинг ўзида.

Ўзбекистонда иқлим ўзгариши оқибатлари кузатилмоқда ва табиий оғатлар, айниқса, зилзилалар, ўтиришлар ва қурғоқчилик рўй беришининг катта хавфи мавжуд.

қурғоқчилик, сувга эга бўлиш имконияти камайиши кабилар билан ифодаланадиган иқлим ўзгариши оқибатлари кузатилмоқда. Кейинги 50 йилда ҳаво ҳароратининг ўртача исиши 2-3°C ни ташкил қилиши тахмин этилмоқда, бу эса охирги 50 йил давомида қайд қилинган 1,5°C дан анча юқоридир<sup>1</sup>. Иқлим ўзгариши натижасида қурғоқчилик кўпайиши кутилмоқда, айниқса Ўзбекистоннинг ғарбий қисмida. Прогнозларга кўра, 2050 йилга келиб Ўзбекистоннинг иккита иирик дарёлари Сирдарё ва Амударё сувларининг сатҳи, тегишлигича, 2-5% ва 10-15% га пасайиши кутилмоқда<sup>2</sup>. Бу минтақада суфориш ишлари учун сувга эга бўлиш нуқтаи назаридан жиддий оқибатларга олиб келади ва бутун қишлоқ ҳўжалиги секторига салбий таъсир кўрсатади.

### Гендер кесими

Ўзбекистоннинг бешинчи даврий маъруза-сига қилган шарҳида БМТнинг хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш қўмитаси (CEDAW) мам-

лакат қонунчилигидаги ислоҳотларда, одам савдосига қарши курашишдаги саъй-ҳаракатларда, маҳаллалар раислари этиб сайланган аёллар сонида ҳамда аввалги даврий маърузада келтирилганга нисбатан abortлар сони жиддий қисқарганида сезиларли тараққиётга эришилганлигини таъкидлади. Шунингдек, 2019 йил сентябрь ойида қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги янги қонун ҳам қонунчиликдаги тараққиёт сифатида эътироф этилди, чунки ушбу қонун ҳам бевосита, ҳам билвосита камситишни белгилайди, гендер-ҳуқуқий экспертизани, яъни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатини таъминлаш тамоилига мувофиқлиги концепциясини жорий қиласди<sup>3</sup>. Бироқ, CEDAW таъкидлашича, гендер тенглигига эришиш учун саъй-ҳаракатларни ишга солиш лозим бўлган бир неча соҳалар қолмоқда. Бу борада гендер бандлиги аспектлари мавжуд: иқтисодиётнинг тўртта

1 Жаҳон банки (2013 й.), «Ўзбекистон – Иқлим ўзгариши масалалари бўйича тадбирлар шарҳи», манба: <http://documents.worldbank.org/curated/en/777011468308642720/Uzbekistan-Overview-of-climate-change-activities>

2 Жаҳон банки (2013 й.), «Ўзбекистон - Иқлим ўзгариши масалалари бўйича тадбирлар шарҳи», манба: <http://documents.worldbank.org/curated/en/777011468308642720/Uzbekistan-Overview-of-climate-change-activities>

3 Lex.uz (2019), Аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида, манба: <http://lex.uz/pdfs/4494873>

секторида аёллар кўпчиликни ташкил қиласди, еттига секторида эса асосан эркаклар банд бўлган<sup>1</sup>. Масалан, соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий хизматларни тақдим этишда асосан аёллар (тахминан 75%) меҳнат қиласди, транспорт ва қурилиш секторларида эса кўпчиликни эркаклар (90% дан ортиқ) ташкил қиласди<sup>2</sup>. Аёллар ва уларнинг хулқ-атвори тўғрисидаги маданий ва гендер меъёрлар ва стереотиплар аёлларнинг ҳаётини ва касбий танловига кучли таъсир кўрсатади<sup>3</sup>. Бундай стереотиплар ва гендер ролларига нисбатан анъянавий ёндашув кўпроқ йирик шаҳарларнинг алоҳида туманларида ва қишлоқ жойларидаги нисбатан консерватив аҳоли қатламлари орасида учрайди. Бундан ташқари, CEDAW мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида аёллар фоизи паст эканлигини; қийин ҳаёт шароитида бўлган аёллар учун бошпана етарли әмаслиги ёки йўқлиги; иш ҳақини тўлашда гендерли тафовут мавжудлиги, қишлоқ жойларида аёлларнинг номаъқул

аҳволи ва гендер бўйича батафсил бўлинган статистик маълумотлар йўқлигини ташвиш билан таъкидламоқда<sup>4</sup>. Ҳукумат ушбу муаммоларнинг айримларини ҳал қилиш устида иш олиб боряпти<sup>5</sup>.

### Болалар учун давлат маблағлари ва ресурслари

Ўзбекистон 2017 молия йилини бюджетга 74 865 млрд. сўм (ЯИМ дан 30,1%) миқдордаги тушиум, 75 037 млрд. сўм (ЯИМ дан 30,2%) миқдордаги чиқим ва 8 240 млрд. сўм (ЯИМ дан 0,1%) миқдордаги бюджет дефицити билан якунлади<sup>6</sup>. Расмий статистикага кўра, давлатнинг ташки қарзи 2016 йил 1-чорагидаги 5,8 млрд. АҚШ долларидан 2019 йил 1-чорагидаги 11,7 млрд. АҚШ долларигача ортган (ўсиш 101,4%)<sup>7</sup>. Ўзбекистонда болалар учун асосий хизматларни таъминлашда давлат инвестициялари жиддий ҳисса ҳисобланади. Болалар манфатлари учун ижтимоий секторларга давлат инвестициялари ҳажми 1990 йилдан бошлаб

1 Lex.uz (2019), Аёллар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида, манба: <http://lex.uz/pdfs/4494873>

2 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (2017 й.), манба: <https://gender.stat.uz/en/osnovnye-pokazateli-en/trud-en/zanyastost-naseleniya-en/918-employed-persons-by-sex-and-economic-activity-in-2017>

3 Осиё тараққиёт банки (2018 й.), Ўзбекистон: мамлакатнинг гендер баҳоланиши, манба: <https://www.adb.org/sites/default/files/institutional-document/479841/uzbekistan-country-gender-assessment-update.pdf>

4 БМТ (2015 й.). «Аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция», Нью-Йорк, Нью-Йорк: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

5 БМТ (2013 й.). «Ўзбекистоннинг бирлашган учинчи ва тўртинчи даврий маърузалари бўйича якуний фикр-мулоҳазалар», Қўмитанинг олтмиш учинчи сессиясида қабул қиласган (27 май – 14 июнь 2013 й.). Бола ҳукуқлари бўйича қўмита. Женева.

6 PEFA (2018 й.), «Давлат ҳаражатлари самарадорлиги ва молиявий ҳисобдорлигини баҳолаш бўйича ҳисобот» (PEFA), манба: <https://www.google.com/url?sa=t&rct=j&q=&esrc=s&source=web&cd=1&cad=rja&uact=8&ved=2ahUKEwj28a3oiejLAhUkxaYKHRQkDfsQFjAAegQIBBAC&rl=http%3A%2F%2Fdocuments.worldbank.org%2Fcurated%2Fen%2F869221561673501123%2FUzbekistan-2018-Public-Expenditure-and-Financial-Accountability-PEFA-Performance-Assessment-Report.docx&usg=AQvVawInKyIv5e2iaVesQBb4-6i0>

7 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (2019 й.), Миллий жамлама маълумотлар, қуйидаги манбада мавжуд: [https://www.mf.uz/media/GDDS/pdf/Public\\_External\\_Debt.pdf](https://www.mf.uz/media/GDDS/pdf/Public_External_Debt.pdf).

Давлат ижтимоий секторга ЯИМ нинг 10% дан ортиқ маблағини ажратади ва бу йўналишига давлат бюджети харажатларининг 55% дан ортиғи сарфланади. Ижтимоий секторларда болалар манфаатларидағи давлат инвестициялари умумий ҳар йилги давлат харажатларидан қарийб 78% ни ташкил қиласди. Шунга қарамасдан, кўп ҳолларда ушбу инвестицияларнинг болаларга таъсири номаълум, инвестициялар самарадорлиги ўсиши керак ва улар ижтимоий интеграцияга ёрдам бериши лозим.

кўпайиб борган ва бу давлатнинг вазиятни яхшилашга бўлган юқори ижтимоий содик-лигидан далолат беради. Давлат томонидан ижтимоий секторларни ривожлантиришга ажратилаётган маблағлар ЯИМ нинг 10% дан ортиқ бўлиб, давлат бюджети чиқимларининг 55% дан кўп миқдорини ташкил қиласди. Алоҳида ижтимоий секторлар доирасида болалар ривожланишига қаратилган давлат инвестициялари ҳар йилги умумий давлат харажатларидан қарийб 78% ни ташкил қилиб, маданият соҳасида 6,5% дан таълим соҳасида 100% гача ўзгаради.<sup>1</sup> Аммо болалар мақсадларида ижтимоий секторларга давлат инвестициялари киритилиши муносабати билан таъкидланган энг муҳим муаммо шундан иборатки, бир бола бошига тўғри келадиган давлат харажатлари паст даражада, ушбу инвестицияларнинг болаларга бевосита таъ-

сири кўп ҳолларда номаълумдир<sup>2</sup>. Бюджетнинг белгиланган йўналиш (ёки иқтисодий тасниф) бўйича тақсимланиши маблағларнинг ярмидан ортиғи (52,1%) давлат хизматчиларига иш ҳақини тўлашга сарфланишини кўрсатмоқда<sup>3</sup>. Бундан ташқари, ижтимоий соҳаларга давлат инвестицияларининг киритилиши қисқариб боряпти. Шунингдек, болалар ижтимоий интеграциялашуви учун давлат инвестициялари ва дастурларининг инклузивлигини кучайтириш мақсадида саъй-ҳаракатларни ишга солиш лозим, мисол учун ногиронлиги бўлган болаларга<sup>4</sup>. Давлат инвестицияларига қўшимча равища, НДТ, донорлар, хайрия ташкилотлари ва хусусий сектор томонидан нодавлат инвестициялари тақдим этилмоқда, лекин уларнинг тўлиқ ҳажмдаги миқдори маълум эмас. Шу билан бирга, болалар ва уларнинг ҳуқуқларини амалга

1 ЮНИСЕФ (2018 й.) «Ўзбекистонда болаларга давлат инвестицияларини киритиш модели: жорий аҳвол ва такомиллаштириш йўналишлари». Тошкент: ЮНИСЕФ.

2 ЮНИСЕФ (2018 й.) «Ўзбекистонда болаларга давлат инвестицияларини киритиш модели: жорий аҳвол ва такомиллаштириш йўналишлари». Тошкент: ЮНИСЕФ.

3 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўнимитаси (2019 й.), «Миллий жамлама маълумотлар», қўйидаги манбада мавжуд: [https://www.mf.uz/media/GDDS/pdf/Public\\_External\\_Debt.pdf](https://www.mf.uz/media/GDDS/pdf/Public_External_Debt.pdf).

4 ЮНИСЕФ (2018 й.), «Ўзбекистонда болаларга давлат инвестицияларини киритиш модели: жорий аҳвол ва такомиллаштириш йўналишлари». Тошкент: ЮНИСЕФ.

ошириш вазифаси хорижда ишлаётган меҳнат мигрантларининг пуллик ўтказмаларидан сезиларли манфаатга эга бўлади, деб таъкидланмоқда<sup>1</sup>.

Миллий ривожланиш стратегияси ва айнан «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси» қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий секторни ривожлантириш орқали ўсиш ва ривожланишни тезлаштириш учун тегишли устуворликни белгилайди. Стратегия ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш; таълим ва фан соҳаларини; ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантиришга устувор аҳамият беради<sup>2</sup>. Шундай қилиб, Ўзбекистон ривожланишининг умумий кун тартибида болалар марказий ўрин эгаллайди, миллий ривожланиш стратегияси эса бола ҳуқуқларини амалга ошириш, ҳимоя қилиш ва ҳуқуқларини таъминлаш учун муҳим бўлган кенг қамровли ва салмоқли ижтимоий

ислоҳотлар учун асос солади. Президент томонидан 2016 йилдан бошлаб қабул қилинган кўп сонли фармон ва қарорлар соғлиқни сақлаш секторида, таълим соҳасида, ижтимоий ҳимоя ва болаларни ҳимоя қилиш соҳасида кўра билишни шакллантириб ва ислоҳотларни режалаштириб, ушбу муҳим ижтимоий ислоҳотлар дастурини амалга оширишни бошлашга асос солди.

### Камбағалликка қарши курашиш

Мамлакатда 2016 йилда кам таъминланган аҳоли улуши (бир кунда киши бошига 2100 ккал дан камроқ тўғри келиши ҳисобидан) 12,3% ни ташкил қилган: қишлоқ жойларида – 15,1% ва шаҳарларда – 9,2%<sup>3</sup>. 2018 йилда эса кам таъминланганлар сони 11,4% га тўғри келган<sup>4</sup>. Камбағаллиқда яшовчи одамларнинг тўртдан уч қисми қишлоқ жойларда истиқомат қиласиди<sup>5</sup>. Айни пайтда нисбий камбағаллик даражаси умумий аҳоли сонидан 21% ва болалар орасида 24% ни ташкил қиласиди, дея баҳоланмоқда<sup>6</sup>.

1 ЮНИСЕФ (2018 й.), «Ўзбекистонда болаларга давлат инвестицияларини киритиш модели: жорий аҳвол ва такомиллаштириш йўналишлари». Тошкент: ЮНИСЕФ.

2 «2017-2021 йилларда Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегиялари»да белгиланган бешта устувор йўналишлар қўйидагиларни ўзига киритади: давлат ва жамоат қурилиши тизимини такомиллаштириш; қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш; иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш; ижтимоий соҳани ривожлантириш; хавфисизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглик ҳамда вазмин, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсат юритиш.

3 Маълумотлар базаси TransMonEE (2018 й.), манба: <http://transmonee.org/database/>

4 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, манба: [https://stat.uz/ru/164-ofitsialnaia-statystika-ru/6579-urov-en-zhizni-naseleniya\\_2](https://stat.uz/ru/164-ofitsialnaia-statystika-ru/6579-urov-en-zhizni-naseleniya_2)

5 БМТД (2017 й.), «Ўзбекистон тўғрисида», манба: <http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/countryinfo.html>.

6 «Ўзбекистон фуқароларини тинглаб» сўровида қўлланилган нисбий камбағаллик чегараси аҳоли жон бошига ўртacha даромаднинг 50 фоизи миқдорида белгиланган. Бу юқори даромадли мамлакатлarda кенг тарқалган усул бўлиб, миллий камбағаллик чегараларини ҳисоблаш учун ишлатиладиган калория усулидан фарқ қиласиди. Манба: ЮНИСЕФ (2019) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига жавоб берадиган ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш». Тошкент.

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БОЛАЛАР ВАЗИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

## 2019/2020

2018 йилда ишсизликнинг расмий даражаси 9,3% га тўғри келган<sup>1</sup>. 2001 йилдан 2017 йилгacha бўлган давр ичida Джини индекси – даромадлар тенгсизлиги кўрсаткичи, 0,38 (2001) дан 0,29 (2017) гача пасайди<sup>2</sup>. Пахта монокультурасига асосланган (яъни, биргина қишлоқ хўжалиги экини – пахтага таянадиган) иқтисодиёт таркиби бундай вазият юзага келишининг сабабларидан бири сифатида кўрилмоқда<sup>3</sup>. Аммо ҳукумат ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида 2030 йилгacha қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқди. Ушбу ҳужжатга кўра, ҳукумат қишлоқ хўжалигига пахта ва буғдой ишлаб чиқариш, сотиш ва қайта ишлаш соҳасини давлат томонидан бошқарувини бекор қилишни режалаштирум оқидан<sup>4</sup>.

### Минтақа ва глобал даражадаги муаммолар

Орол денгизининг фалокати бутун Марказий Осиё минтақаси учун энг катта муаммо бўлиб турибди. Асосан пахта етиштириш оқибати баробарида денгизнинг қуриб қолиши

«минтақанинг барқарор ривожланиши, Марказий Осиёда яшовчи одамлар саломатлиги, генофонди ва келажаги учун тўғридан-тўғри таҳдид қилмоқда»<sup>5</sup>. Сув ресурслари чекланган шароитларда оби-ҳаётдан бесамара фойдаланиш сабабли Марказий Осиё мамлакатлари (шу жумладан Ўзбекистон) сув етишмовчилиги ва келгусида озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солиниши муаммосига дуч келишлари мумкин<sup>6</sup>. Икки йирик дарёнинг юқори оқимида жойлашган мамлакатлар (Қирғизистон ва Тожикистон) ушбу дарёларнинг гидроэнергетик салоҳиятидан фойда кўришга интилаётган бир пайтда, қуий оқимдаги давлатлар (Қозогистон ва Ўзбекистон) экин майдонларини суғориша, асосан, фақат ана шу икки дарё сувларига боғлик. Мавжуд минтақавий тафовутлар сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлидаги ҳамкорликни мураккаблаштириши ёки секинлаштириши мумкин.

1 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (2019 й.), манба: <https://stat.uz/en/press-center/news-committee/181-ofytsyalna-ia-statistyka-en/6384-labor-market>.

2 Жаҳон банки (2019 й.). «Мамлакатдаги иқтисодий вазият шарҳи (2019 йил ёз ойи): янги иқтисодиёт йўлида». Макроиктисодиёт, савдо ва инвестициялар бўйича Глобал амалиёт бўйими, манба: <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/32042/Uzbekistan-Toward-a-New-Economy-Country-Economic-Update.pdf?sequence=1&isAllowed=y>

3 Борген лойиҳаси (2017 й.), «Пахта: Ўзбекистонда камбағалликнинг бош сабабларидан бири», қуийдаги сайтда мавжуд: <https://borgenproject.org/major-causes-of-poarity-in-uzbekistan/>

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги №5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

5 Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий Ваколатхонаси (2017 й.), «Орол денгизи муаммолари ва Марказий Осиё сув ресурслари», манба: <https://www.un.int/uzbekistan/news/problems-aral-sea-and-water-resources-central-asia>.

6 Рахматуллаев, Адбуллаев ва Казбеков (2017 й.), «Марказий Осиёда сув-энергетика-озиқ-овқат-экологик ўзаро боғлиқлик: ўтиш давридан – ислоҳотлар сари», манба: [https://www.researchgate.net/publication/321673745\\_Water-Energy-Food-Environmental\\_Nexus\\_in\\_Central\\_Asia\\_From\\_Transition\\_to\\_Transformation](https://www.researchgate.net/publication/321673745_Water-Energy-Food-Environmental_Nexus_in_Central_Asia_From_Transition_to_Transformation)

# 3



# ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ВА ФАРОВОНЛИГИ

# ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ВА ФАРОВОНЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни 1994 йилда ратификация қилди, 2008 йилда эса ушбу Конвецияга оид болалар савдоси, болалар фоҳишалиги ва болалар порнографияси ҳамда болаларни қуролли можароларда иштирок этишига тааллуқли иккита факультатив протоколни тасдиқлади. Болалар ҳуқуқлари ва фаровонлиги 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияда мустаҳкамланган. Конституция мамлакат ичида ҳокимият қай тарзда бўлининини ва барча фуқароларнинг асосий ҳуқуқларини белгилайди. Конституциявий ҳуқуқлардан ташқари, бола ҳуқуқлари қўшимча равишда Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунда ҳам белгиланган. Ушбу Қонунга мувофиқ, болаларнинг ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас (Қонунда белгиланган ҳолатлардан ташқари), шу билан бирга, қарама-қаршиликлар юзага келган ҳолда, ушбу қонун халқаро битим ва қонунлар миллий қонунчиликдан устун туришини белгилайди. Амалда Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

бала дунёга келишидан бошланади: бола туғилганлиги умумий рўйхатга олинади ва бу унга шахслик, исми-шарифи ва фуқароликни кафолатлади. Шундай бўлса-да, БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича Қўмитаси бола туғилишини рўйхатга олиш амалиёти деярли умумий бўлишига қарамасдан, рўйхатга олиш учун тўлов ундирилиши ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан заиф оиласар ва қочоқлар оиласарида туғилган болаларни рўйхатдан ўтказишга тўсқинлик қилиши мумкин, деб таъкидламоқда. Туғилганидан кейин рўйхатга олинмаган болаларнинг сони ва улуси номаълум, лекин рўйхатга олинган туғилишлар сони ва берилган туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар сони ўртасидаги тафовут, эҳтимол, барча туғилишлар ҳам расмий рўйхатга олинмаганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, болаларга туғилишданоқ асосий ижтимоий хизматлардан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи кафолатланган, ва улар ўзларининг индивидуал ҳуқуқларига эга бўлган шахслар сифатида ҳимояланган (ўз ота-оналари томонидан бериладиган ҳуқуқлардан қатъи назар)<sup>1</sup>.

1 БМТ (2013 й.) «Ўзбекистоннинг бирлашган учинчи ва тўртинчи даврий маърузалари бўйича якуний фикр-мулоҳазалар», Қўмитанинг олтмиш учинчи сессиясида қабул қилинган (27 май – 14 июнь 2013 й). Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита. Женева.



### 3.1. ОМОН ҚОЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ҲУҚУҚИ

#### Шарҳ

Ўзбекистонда соғлом бўлиш ҳуқуқи бевосита

Конституцияда мустаҳкамланган<sup>1</sup>. Ҳукумат томонидан асосий тиббий хизматлар мажмуи тақдим этилиб<sup>2</sup>, бирламчи тиббий-санитария ёрдами, шошилинч ёрдам ва даволаш, дори-дармонларни тақдим этиш, «ижтимоий аҳамиятга эга ва хавфли» касалликларни даволаш ва давлат томонидан алоҳида заиф сифатида таснифланган аҳоли гуруҳлари учун ихтисослашган даволашни ўз ичига киритади<sup>3</sup>. Сўнгги йигирма йил давомида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида тиббий ёрдам сифатини, соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш ва молиялаштиришни яхшилашга қаратилган қатор муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Мамлакатдаги бирламчи, иккиламчи, учламчи ва шошилинч тиббий ёрдам тизимларига йўналтирилган ушбу ислоҳотлар 3-сонли Барқарор Ривожланиш Мақсадларига (БРМ) эришишда тараққиётга муваффақ бўлиш ҳамда болалар саломатлигини, уларнинг фаровонлиги ва ривожланиши жараёнлари яхшиланишини таъминлашга ёрдам беради.

Омон қолиш ва ривожланиш ҳуқуқини босқичма босқич амалга оширишдаги ишлар ривожи

#### Муҳим ютуқлар

Глобал миқёсда таққослайдиган бўлсак, Ўзбекистон болаларни омон қолиши ва ривожланишининг энг муҳим ютуқлари бўйича яхши кўрсаткичларга эга. Чақалоқлар ва болалар ўлими даражаси маълумотлар олинган манбаларга (БМТнинг болалар ўлимини баҳолаш бўйича идоралараро гуруҳи, расмий статистика ёки сўровлар маълумотлари) қараб фарқланади. Маълумотлар манбасидан қатъи назар, Ўзбекистонда кейинги 25-30 йил давомида ўлим кўрсаткичлари доимо пасайиб келган. Ўзбекистон 2014 йилда ЖССТ мезонларига мос келадиган «ўлик ҳолатда туғилиш» ифодасини қабул қилди. Гарчи бу неонатал ва чақалоқлар ўлими расман кўрсаткичларининг ўсишига олиб келган бўлса ҳам, айни пайтда янги туғилган чақалоқлар ўлими даражаси ва унинг сабаблари туғрисида янада аниқ маълумотларни тақдим этди.<sup>4</sup>

1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 40 модда. Конституция (инглиз тилида) қўйидаги манзилда бор: <http://www.gov.uz/en/constitution>

2 Конституция (рус тилида) қўйидаги манзилда бор: <http://www.med.uz/documentation/detail.php?ID=1028>

3 Соғлиқни сақлаш вазирлиги (2018 й.). «ОИВ инфекцияси ва захмни онадан болага ўтиши профилактикаси: Вазият таҳлили». Тошкент

4 ЮНИСЕФ (2018 й.). «Ўзбекистон Республикасида неонатал ўлим ҳолатларининг вазияти таҳлили». Вилоятларда туғруқ муассасалари ва перинатал марказлари томонидан тўлдирилган BABIES матрицалари асосидаги таҳлил.

	БМТнинг болалар ўлимини баҳолаш бўйича идоралараро гуруҳи	Расмий маълумотлар (Давлат статистика қўмитаси)
Неонатал ўлим	2018 йилда ҳар бир 1000 нафар тирик туғилган чақалоқларга 11,59	2017 йилда ҳар бир 1000 нафар тирик туғилган чақалоқларга 5,7
5 ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлим даражаси	2018 йилда 1000 нафар тирик туғилган чақалоқларга 21,45 (ўғил болалар учун 24,31, қиз болалар учун 18,37)	2018 йилда 1000 нафар тирик туғилган чақалоқларга 13,1 (ўғил болалар учун 14,5, қиз болалар учун 11,5)
5-14 ёшдаги болалар орасидаги ўлим даражаси	2018 йилда 1000 нафар тирик туғилган чақалоқларга 3,31	Маълумотлар йуқ

**Сақланиб қолаётган муаммолар:  
болалар омон қолиши ва  
ривожланишидаги тенденциялар**

**Янги туғилган чақалоқлар орасидаги ўлим даражаси:** 5 ёшгача бўлган болалар орасида ўлим даражаси пасайишида эришилган тараққиётга қарамасдан, чақалоқлар ўз ҳаётининг илк 28 кунида яшаб кетиши ташвишга солмоқда. 5 ёшгача бўлган болалар орасидаги барча ўлим ҳолатларидан 54% чақалоқ ҳаётининг илк 28 куни давомида рўй беради. Барча ўлим ҳолатларининг яна 35% бола 1 ойликдан 12 ойлик бўлгунига қадар содир бўлади, қолган 11% эса бола 1 ёшлиқдан 5 ёшлиkkacha бўлган давр ичida кузатилади<sup>1</sup>. Ушбу масалада ҳудудлар орасида жиддий

тафовутлар мавжуд: Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 5 ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлим кўрсаткичи бутун мамлакат бўйлаб ўртacha кўрсаткичдан юқоридир. Янги туғилган чақалоқлар орасидаги ўлим ҳолатлари (неонатал ўлим) юзага келишига муддатдан олдин туғилиш/кичик вазн билан туғилиш, инфекциялар ва асфиксия кабилар сабаб

Халқаро нуқтаи назардан Ўзбекистон омон қолиши ва ривожланишининг асосий кўрсаткичлари бўйича яхши кўрсаткичларни намойиш қиляпти, ўлим кўрсаткичлари кейинги 25-30 йил давомида пасайиб боряпти.

<sup>1</sup> Фоизлар 5 ёшгача бўлган болалар ўлими (U5MR) бўйича 21,5 да ҳисобланади; болалар ўлими даражаси (IMR) 19,12; ва янги туғилган чақалоқларнинг ўлими (NMR) 11,59. Манба: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар ўлимини баҳолаш бўйича идоралараро гуруҳи (2019). Ўзбекистон. Маълумот олинган манба: <https://childmortality.org/data/Uzbekistan> . (2019 йил 11-ноябр ҳолатига кўра). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар ўлимини баҳолаш бўйича идоралараро гуруҳи болалар ўлими бўйича жинси бўйича маълумот келтирмаган.

бўлади<sup>1</sup>. Эҳтимол, муддатидан олдин туғилган кўпгина болаларни тиббиёт муассасаларида зарур ҳаво ҳароратини таъминлаш (терморегуляция), инфекцияларнинг олдини олиш учун гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш ва бир марталик буюмлар билан таъминлаш каби оддий усулларга эътибор жамлаш йўли билан қутқариб қолиш мумкин эди<sup>2</sup>.

**Неонатал давридан кейинги давр:** Болалар туғилганидан кейин (неонатал даврда) уларнинг омон қолиш имкониятларини яхшилашга доир кун тартибидаги масала якунланмаганигича қолмоқда, чунки бу даврда болаларнинг аксарияти олдини олиш мумкин бўлган сабабларга кўра нобуд бўладилар. 2017 йилда 5 ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлимларнинг аксарияти (83,10%) турли юқумли касалликлар, оналар ва янги туғилган чақалоқлар хасталиклари ва озуқалари сабабли рўй берган. Ана шу болалар ҳаётдан кўз юмишининг асосий сабаби «респиратор

инфекциялар (шу жумладан сил касаллиги)» бўлиб, уларнинг улушига барча ўлимларнинг 41,8% тўғри келди<sup>3</sup>. 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўлимига турли жароҳатланишлар сабаб бўлиб, уларнинг улушига 2017 йилда барча ўлимларнинг 35% тўғри келди. Шунга қарамасдан, респиратор инфекциялари (шу жумладан сил касаллиги) ушбу ёшдагилар гуруҳи учун ҳам энг муҳим сабаб ҳисобланиб, 2017 йилда содир бўлган барча ўлим ҳолатларининг 24,17% ни ташкил қилди<sup>4</sup>.

**Ўз жонига қасд қилиш ва ўз-ўзини жароҳатлаш ҳолатлари юқори даражада ва тобора ортиб бормоқда:** Марказий Осиё ёшлари орасида Ўзбекистонда ўз жонига қасд қилиш ва ўз-ўзига жароҳат етказиш борасида юқори кўрсаткичлар қайд қилинмоқда<sup>5</sup>. Ўз жонига қасд қилиш ва руҳий саломатлик муаммолари ўртасидаги боғланиш юзасидан ўтказилган халқаро тадқиқотлар натижаларига кўра, бу ҳолат ёшларнинг руҳий саломатлиги

1 ЮНИСЕФ (2018 й.). «Ўзбекистон Республикасида неонатал ўлим ҳолатларининг вазияти таҳлили». Вилоятларда туғруқ муассасалари ва перинатал марказлари томонидан тўлдирилган BABIES матрицалари асосидаги таҳлил.

2 ЮНИСЕФ (2018 й.). «Ўзбекистон Республикасида неонатал ўлим ҳолатларининг вазияти таҳлили». Вилоятларда туғруқ муассасалари ва перинатал марказлари томонидан тўлдирилган BABIES матрицалари асосидаги таҳлил.

3 "Шикастланиш", "юқумли бўлмаган касалликлар" ва "юқумли, оналик ва неонатал касалликлар, шу жумладан озиқавий касалликлар" гуруҳлари бўйича таснифлаш ЖССТ томонидан кўпланиладиган стандарт гуруҳлаш услугига амал қиласди. Ҳар бир сабаб гуруҳидаги турли хил касалликлар бўйича маълумотлар муаллиф томонидан умумлаштирилди. Манба: Соғлиқни сақлаш кўрсатқичлари ва баҳолаш институти (2019), Касалликнинг глобал юки. Манба мавжуд: [www.healthdata.org](http://www.healthdata.org) ва <https://vizhub.healthdata.org/gbd-compare> (2019 йил 5 сентябр ҳолатига кўра).

4 Соғлиқни сақлаш кўрсатқичлари ва баҳолаш институти (2019 й), глобал касаллик юки. Манба: [www.healthdata.org](http://www.healthdata.org) ва <https://vizhub.healthdata.org/gbd-compare> (2019 йил 5 сентябрдаги ҳолатга кўра)

5 Давлат статистика қўмитаси томонидан TransMonEE маълумотлар базасига тақдим этилган маълумотларга ўз жонига қасд қилиш ва ўз-ўзига шикаст етказиш ҳолатларини ўз ичига олади. Манба: TransMONEE маълумотлар базаси (2016) <http://transmonee.org/database/>.

Ўз жонига қасд қилиш ва ўз-ўзини жароҳатлаш сони кўпайиб боряпти, аниқса 15-19 ёшлилар гуруҳида.

муаммоларига кўпроқ эътибор қаратиш зарурлигидан далолат беради<sup>1</sup>. Бундай салбий кўринишлар йилдан-йилга тобора ортиб бориб, 2008 йилдан буён қарийб икки баравар кўпайди ва 2016 йилда 10-19 ёшлилар орасида ўзига жароҳат етказиш ва ўз жонига қасд қилишлар 100 000 нафар аҳоли сонига 19,6 ҳолатни ташкил қилди<sup>2</sup>. Бу борада энг катта ўсиш 15-19 ёшлилар гуруҳида кузатиляпти<sup>3</sup>. 15-19 ёшлилар гуруҳидаги ўғил болалар сони 10-19 ёшлилар гуруҳидаги ўғил болалар орасида ўз-ўзини жароҳатлаш ва ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг умумий сонидан қарийб 74% ни ташкил қилади. Худди шу 15-19 ёшлилар гуруҳидаги қиз болалар сони 10-19 ёшлилар гуруҳидаги қиз болалар орасида ўз-ўзини жароҳатлаш ва ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари тахминан 80% га teng келади<sup>4</sup>.

**ОИВ/ОИТСга чалинган болалар:** Ўзбекистонда ОИВ эпидемияси кўпайиш босқичида ва касалликни юқтирганлар сони аҳолининг 0,1% дан камроғини ташкил қилади. Шу билан бирга ОИВ онадан болага юқиши статистикаси камайиб боришига қарамасдан, ҳозирги вақтда ОИВ/ОИТС болалар орасидаги ўлим сабабларидан бири бўлиб, 1990 йилдан бошлаб унинг кўрсаткичлари ўсади<sup>5</sup>. 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, ОИВ дан нобуд бўлишнинг барча ҳолатларидан 10% ни 18 ёшгача бўлган болалар ташкил қилган<sup>6</sup>. Республикада ОИВ билан яшаётган 18 ёшгача бўлган болалар улуши 2017 йилда 18,3% ни ташкил қилди, айни пайтда 18 ёшгача бўлган болалар орасида ОИВ га учраганларнинг энг катта сони Андижонда (барча ҳолатларнинг 41,9%), Фарғонада (31,2%), Наманганда (30,9%), Сирдарёда (18,1%), Қашқадарёда (17,8%) ва Тошкент вилоятида (14,8%) кузатилди. ОИВ

1 Мартин Оксфорд мактаби, Оксфорд университети, GCDL. (2018). Бизнинг дунёмиз маълумотларда: руҳий саломатлик, онлайн ушбу манбада: [https://ourworldindata.org/mental-health\\_\(2020\)](https://ourworldindata.org/mental-health_(2020)) йил 18 марта ҳолатига кўра).

2 Давлат статистика қўмитаси томонидан TransMonEE маълумотлар базасига тақдим этилган маълумотларга ўз жонига қасд қилиш ва ўз-ўзига шикаст етказиш ҳолатларини ўз ичига олади. Манба: TransMONEE маълумотлар базаси (2016) <http://transmonee.org/database>.

3 Қизлар учун бу кўрсаткич 2010 йилда 15-19 ёшдаги 100,000 қизга 6,3 дан 2016 йилда 15-19 ёшдаги 100,000 қизга 15,8 га ўсади. Худди шу ўш гуруҳидаги ўғил болалар учун бу кўрсаткич 2010 йилда 15-19 ёшдаги 100,000 ўғил болаларга нисбатан 5,7 дан 2016 йилда 15-19 ёшни 100,000 ўғил болалар учун 14,5 га кўтарилди. Манба: TransMONEE маълумотлар базаси 2018, маълумотлар <http://transmonee.org/database>/

4 Ҳисоб-китобларни муаллиф томонидан TransMonEE маълумотлар базасидан (2018) олинган маълумотлар асосида амалга оширилди. Манба: <http://transmonee.org/database>/

5 Ҳисоб-китобларни муаллиф Соғлиқни сақлашни кўрсатқичлари ва баҳолаш институти (2019 йил) "Касалликнинг глобал юки" маълумотларига асосланни тузган. Манба: [www.healthdata.org](http://www.healthdata.org) ва <https://vizhub.healthdata.org/gbd-compare> (2019 йил 5 сентябр ҳолати)

6 Соғлиқни сақлаш вазирлиги (2018 й.). «ОИВ инфекцияси ва заҳм онадан болага ўтиши профилактикаси: Вазият таҳлили». Тошкент. 25 бет.

билин яшаётган 0-24 ёшли болалар ва ёшлар орасида касалликнинг энг юқори тарқалганик даражаси 7-14 ёшлилар гуруҳида (2017 йилда барча ҳолатларнинг 10,6%), кейинги ўринда 19-24 ёшлилар гуруҳи (2017 йилда барча ҳолатларнинг 8,2%)<sup>1</sup>.

### **Омон қолиш ва ривожланиш соҳасидаги муаммоларнинг сабаблари**

Юқорида келтирилган маълумотлар болалар ва оналарни узлуксиз парваришилашда муаммолар мавжудлигидан дарак беради. Бундай муаммолар ҳам бевосита оналар ва болалар доирасида, ҳам соғлиқни сақлаш тизимида мавжуд.

### **Бевосита оиласи валид ва индивидуал омиллар**

**Репродуктив (фарзанд кўриш) ёшдаги ва ҳомиладор аёлларнинг овқатланиши:** Ўзбекистонда янги туғилган болалар ўлимининг кўпчилиги, 2018 йилда қайд этилган янги туғилган ўлимларнинг тахминан 32%, онанинг ҳомиладорликдан олдинги соғлиғи, биринчи

навбатда овқатланиш ва юқумли касалликлар билан боғлиқ.<sup>2</sup> Мамлакатда охирги йигирма йил давомида репродуктив ёшдаги (15-49 ёшда) ва ҳомиладор аёллар овқатланишининг умумий аҳволи яхшиланганлиги кузатилди. Шундай бўлса-да, фарзанд кўриш ёшдаги аёллар ҳануз тўғри овқатланишга эришолмаяптилар: ҳомиладор бўлмаган аёлларнинг қарийб 20% анемияга чалинган; ҳомиладор бўлмаган репродуктив ёшдаги аёлларнинг тахминан атиги 40% минимал диета меъёрларига жавоб беради, ва ҳомиладор бўлмаган аёлларнинг деярли ярмида фолат танқислиги мавжуд. Фолат танқислиги шаҳар ҳудудларида яшовчи аёлларда кўпроқ кузатилади ва вилоятлар орасида фолат танқислиги тарқалганлигига катта тафовутлар мавжуд: Хоразмда 22,9% дан Фарғонада 58,8% гача. Ҳомиладор бўлмаган аёлларнинг тахминан беш нафаридан бирида B12 витамини танқислиги қайд этилади. Ҳомиладор аёлларнинг овқатланишида ҳам муаммолар мавжуд: ҳомиладор аёлларнинг қарийб учдан бир қисми анемиядан азият чекадилар, ва бундай ҳолат ЖССТнинг таснифига кўра, жа-

Болалар ўлимини юзага келтирадиган ва нисбатан оддий усул ва кичик сармоялар эвазига олдини олии мумкин бўлган сабаблар ҳануз кенг тарқалган.

1 Соғлиқни сақлаш вазирлиги (2018 й.). «ОИВ инфекцияси ва заҳм онадан болага ўтиши профилактикаси: Вазият таҳлили». Тошкент. 20-21 бет.

2 ЮНИСЕФ (2018 й.). «Ўзбекистон Республикасида неонатал ўлим ҳолатларининг вазиятли таҳлили». Вилоятларда туғруқ муассасалари ва перинатал марказлари томонидан тўлдирилган BABIES матрицалари асосидаги таҳлил.

моат соғлиқни сақлаш тизимининг ўртамиёна муаммоси сифатида эътироф этилади; ҳомиладор аёлларнинг ярмигина минимал мақбул диета хилма-хиллигига амал қиласди, ва бундай аёлларнинг ҳар ўн нафаридан биригина тавсия этиладиган А витаминли қўшимчаларни, ҳар уч нафаридан биригина поливитаминли таблеткаларни қабул қиласди<sup>1</sup>.

**Тиббий ёрдам учун мурожаат этиш, эмлаш заруратини англаш ва унга оид билимларга эга бўлиш, болаларни кўкрак сути билан боқишиш ва болалар озуқаси:** Мавжуд маълумотлар бола парваришини таъминлайдиган кўпгина шахслар болалар касалликлари юзага келганда хатар аломатларини тўғри аниқлай олмаслигини кўрсатмоқда: 2006 йилда ўтказилган MICS тадқиқотига мувофиқ, болани парваришлайдиган барча шахсларнинг

Ҳомиладор аёлларнинг учдан бир қисми анемиядан азият чекади ва бу ЖССТ таснифига мувофиқ жамоат соғлиқни сақлаш тизимининг ўртамиёна муаммоси ҳисобланади.

ўрта ҳисобда фақат 15% гина хатар аломатларини аниқлай оладилар (Фарғона вилоятида атиги 3%, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида – 6%)<sup>2</sup>. Миллий эмлашлар календарига мувофиқ эмлаш билан қамраб олингандик тўғрисида тақдим этилган маълумотлар қамров даражаси деярли умумий эканлигини (99%) кўрсатади<sup>3</sup>. Шунга қарамасдан, 2018 ва 2019 йилларда қизамиқнинг бирдан авж олиши иммунизация қамрови талаб даражасида бўлмаганлиги ва дориларнинг кейинги дозалари ўз вақтида берилиши юзасидан ташвишланишга сабаб бўлмоқда<sup>4,5</sup>. Қизамиқка учраганлик тасдиқланган ҳолатларининг аксарияти Қашқадарё вилояти, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида содир бўлди<sup>6</sup>. 5 ёшгача бўлган болалар овқатланиши амалиёти кейинги икки ўн йилликда яхшиланган бўлса-да<sup>7</sup>, чақалоқлар ва болаларни овқатлантириш масаласи ҳануз яхшиланishi талаб этади: 6 ойликкача бўлган болаларнинг атиги 50% фақат кўкрак сути билан боқилади; 5 ёшгача бўлган болаларнинг учдан бир қисмигина минимал джаражада мақбул турли озуқалар билан таъминланади ва уларнинг фақат 5%

1 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда озиқланиш бўйича тадқиқот. 2017 й.». Тошкент.

2 Мульти Индикаторли Кластерли Тадқиқот (МИКТ), 2006, ЮНИСЕФ, қўйидаги манбада мавжуд: <http://mics.unicef.org/surveys>

3 ЮНИСЕФ (2018 й.). «Иммунизация ва соғлиқни сақлаш етказмалари тизими учун инсон ресурслари: тезкор баҳолаш ва яхшиланishi режалаштириш, Ўзбекистон». Тошкент.

4 ЮНИСЕФ (2018 й.). «Иммунизация ва соғлиқни сақлаш етказмалари тизими учун инсон ресурслари: тезкор баҳолаш ва яхшиланishi режалаштириш, Ўзбекистон». Тошкент.

5 ЮНИСЕФ (2018 й.). «Ўзбекистон Республикасида болалар иммунизациясига оид аҳолининг билимлари, муносабати ва амалиёти». Тошкент.

6 Маълумотлар, қизамиқда доир эпидемиологик вазият тўғрисидаги маълумотларни янгилаш доирасида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2019 йил июнь ойида ЮНИСЕФ ва ЖССТга тақдим этилган.

7 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда озиқланиш бўйича тадқиқот. 2017 й.». Тошкент.

гагина минимал даражада мақбул овқатлар рациони берилади<sup>1</sup>. Бундан ташқари, болалар орасида микроэлементлар танқислиги кенг тарқалган: болаларнинг 15% анемиядага чалинган, ушбу ёшдаги болаларнинг 50% дан ортиғи темир етишмовчилиги ва 6% А витамины танқислигианиқланган. Шу билан бирга, Ўзбекистондаги болаларнинг 9% сурункали етарлича овқатланмаслик аломатларига эга (ўсишдан орқада қолиш) ва 2% ўткир дара-

жада етарлича овқатланмаслик белгиларини намоён қиласи (озгинлик)<sup>2</sup>.

**Соғлиқни сақлаш тизимидағи ҳал этилиши зарур бўлган асосий масалалар:**

**Тиббий хизматлардан фойдаланиш ва сифати:** Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида фуқароларга ҳам давлат, ҳам хусусий тиббиёт тузилмалари томонидан хизматлар тақдим



1 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда озиқланиш бўйича тадқиқот. 2017 й.». Тошкент.

2 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда озиқланиш бўйича тадқиқот. 2017 й.». Тошкент.

етилади. Давлат тиббиёт хизматлари таъминотчиларининг фаолияти турли даражаларда ташкил этилган: улар бирламчи, иккиминч ва учламчи тиббий ёрдам хизмати кўринишида хизмат кўрсатадилар ва уларнинг асосий вазифаси марказлашган - асосий хизматлар тўплами доирасида тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат. Хусусий тиббиёт хизматлари таъминотчилари тизими ривожланиб боряпти<sup>1</sup>. Ҳомиладор аёлларнинг аксарияти бирламчи тиббиёт-санитария тизими доирасида керакли хизматлардан баҳраманд бўладилар. Кейинги йилларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги оналар, янги туғилган чақалоқлар ва болаларни парваришлишни яхшилаш бўйича бир қатор кенг қўламли давлат дастурларини амалга ошириди. 2005 йилда ОИВни онадан болага ўтишини профилактика қилиш сиёсати (ОБПС) жорий этилди, 2019 йилда эса ОИВ онадан болага ўтишига ва туғма захмга барҳам бериш бўйича янги Миллий стратегия қабул қилинди. Умуман олганда, Ўзбекистонда туғруқларнинг 100% малакали тиббиёт ходимлари иштирокида ўтади<sup>2</sup>. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра, 2017 йилда ОИВга чалинган оналар томонидан дунёга келтирилган

чақалоқларни кимёвий профилактика билан қамраб олиш 98% ни ташкил қиласан<sup>3</sup>. Шундай бўлса-да, тиббий хизматлар сифати, айниқса туғруққача даврда ва оғирлашувлар юзага келиши хавфи билан кечадиган ҳомиладор аёлларни парваришилашда, етарли даражада эмас: баҳоларга кўра, янги туғилган чақалоқлар ўлими ҳолатларининг 38% туғруққача парвариш сифати ва 70% ҳомиладорликдан аввал ва ҳомиладорлик даврида аёлларга бирламчи амбулатория тиббий ёрдамини кўрсатиш сифати билан боғлиқ<sup>4</sup>. Ҳомиладор аёлларнинг захмга оид скрининги талаб даражасида эмас ва 2017 йилда 76% ни ташкил қиласан, бу эса Ўзбекистонда ана шу касалликнинг алоҳида ҳолатлари аниқланмай қолиб кетиши ҳамда бола ўлик туғилиши, ва муддатидан аввал дунёга келишининг сабабларидан бири бўлиши мумкин<sup>5</sup>. Бундан ташқари, вилоятлар орасида паст вазн ва ташхис қўйилган туғма нуқсонлар билан туғилган болалар омон қолиши кўрсаткичларида катта тафовутлар мавжуд. Бундай ўлимлар кўп ҳолларда янги туғилган чақалоқни қайта жонлантириш, мақбул ҳаво ҳароратини сақлаб туриш ва инфекцияларни даволашнинг иложи йўқли-

1 Ахмедов М., Азимов Р., Муталова З., Гусейнов С., Цой Е. ва Речель Б. (2014 й.) «Ўзбекистон: Соғлиқни сақлаш тизимининг шарҳи. Соғлиқни сақлаш тизими: ўзгаришлар даври», 16(5):1-137

2 ЖССТ (2019 й.). Глобал соғлиқни сақлаш обсерваториясининг маълумотлар банки. Қуйидаги манбада мавжуд: <https://www.who.int/gho/database/en/> (2019 йил 19 август ҳолатига кўра).

3 Соғлиқни сақлаш вазирлиги (2018 й.). «ОИВ инфекцияси ва захм онадан болага ўтиши профилактикаси: Вазият таҳлили». Тошкент.

4 ЮНИСЕФ (2018 й.). «Ўзбекистон Республикасида неонатал ўлим ҳолатларининг вазиятили таҳлили». Вилоятларда туғруқ муассасалари ва перинатал марказлари томонидан тўлдирилган BABIES матрицалари асосидаги таҳлил.

5 Соғлиқни сақлаш вазирлиги (2018 й.). «ОИВ инфекцияси ва захм онадан болага ўтиши профилактикаси: Вазият таҳлили». Тошкент.

ги сабабли рўй беради<sup>1</sup>. Бу соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва бошқаришда ҳамда тиббий хизмат кўрсатишда ва бир марталик тиббий анжомлардан фойдалана олишда умумий муаммолар борлигидан дарак беради. Чақалоқлар омон қолиши кўрсаткичлари мамлакатдаги ўртача кўрсаткичлардан паст бўлган ҳудудлар қаторига Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Жizzах ва Самарқанд вилоятлари киради ва бу ҳолат тиббиёт хизматлари сифати бўйича ҳудудлар орасида катта фарқланиш мавжудлигини акс эттиради<sup>2</sup>. Катта ёшдаги болалар ва имкониятлари чекланган болалар учун, соғлиқни сақлаш хизматларининг манзиллиги ва самарадорлигини оширишни давом эттириш лозим, масалан, мавжуд патронаж тиббиёт ҳамшираларининг фуқаролар уйларига бориб хизмат кўрсатиш тизими орқали. Бу масалада умумий минимал қамровни таъминлашда ва энг муҳтоҷ оилаларни қўллаб-қувватлашни кучайтириш учун патронаж ҳамширалари томонидан уйда парвариш кўрсатилишининг янги модели ишлаб чиқилди ва таклиф этилди<sup>3</sup>.

**Ногиронлиги бўлган ва руҳий саломатлигида муаммолари мавжуд бўлган болаларни тиббий хизматлардан баҳраманд бўлиши имкони:** Маълумотларга кўра, имкониятлари чекланган болалар яшайдиган айрим оиласлар тиббий хизматлардан фойдаланишда молиявий муаммоларга дуч келади: тиббий хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлмаган 2/3 болалар аҳолининг кам таъминланган қатламларидан (квинтеллардан) келиб чиқади<sup>4</sup>. Ногиронликни эрта аниқлаш



1 ЮНИСЕФ (2018 й.). «Ўзбекистон Республикасида неонатал ўлим ҳолатларининг вазиятили таҳлили». Вилоятларда туғруқ муассасалари ва перинатал марказлари томонидан тўлдирилган BABIES матрицалари асосидаги таҳлил.

2 Ташхис қилинган туғма нуқсонлари мавжуд болаларни парваришлаш бўйича минтақавий перинатал марказлар томонидан тақдим этилган маълумотларга асосланиб. Манба: ЮНИСЕФ (2018 й.). «Ўзбекистон Республикасида неонатал ўлим ҳолатларининг вазиятили таҳлили». Вилоятларда туғруқ муассасалари ва перинатал марказлари томонидан тўлдирилган BABIES матрицалари асосидаги таҳлил.

3 Готсадзе (2016 й.). «Ўзбекистонда тиббиёт патронаж тизимини баҳолаш ва тенгиззикларни таҳлил қилиш». CURATIO International Foundation

4 Тадқиқот маълумотлари бўйича. БМТ (2019 й.). «Ўзбекистонда ногиронлиги бор болалар ва катталар аҳволининг таҳлили». Тошкент.

ва эрта аралашиш тизими ҳали яхши ривожланмаган. Имкониятлари чекланган болаларни парваришловчи шахсларга консультатив хизматларни кўрсатувчи хизматлар сони жуда кам, скринингдан фойдаланиш ва аралашувни қўллаш учун зарур бўлган тегишли протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд<sup>1</sup>. Аҳолининг руҳий саломатлиги масалалари ҳам Ўзбекистондаги соғлиқни сақлаш тизими томонидан жиддий эътибор қаратилишини талаб қилади. Ҳозирги вақтда кўрсатиладиган хизматлар анъанавий касалхоналар ёки тиббиёт муассасаларидағи ихтисослашган хизматларга боғлиқ. Жамоат соғлиқни сақлаш масаласи сифатида кўриладиган руҳий саломатлик муаммоларини ҳал қилиш учун секторлараро стратегияларни ишлаб чиқиш лозим.

**Соғлиқни сақлаш тизимининг асосий элементлари ва ишчи кучининг сифати ҳам Ўзбекистондаги соғлиқни сақлаш ва иммунизация тизимида аниқланган асосий муаммолардан бири сифатида таъкидланган. 100 000 нафар аҳоли бошига тўғри келадиган шифокорлар сони 1990 йилдан бўён камайган ва ҳозирги**

вақтда Марказий Осиё мамлакатларидағи ўртача кўрсаткичлардан (100 000 нафар аҳоли бошига 225 нафар шифокорлар) бирмунча пастроқ даражада қолмоқда<sup>2</sup>. Бундай ҳолат малакали тиббиёт ходимларининг етарлича даражада эмас ва нотенг тақсимланишига олиб келмоқда, айниқса бирламчи тиббий ёрдам даражасида<sup>3</sup>. Тошкент шаҳрида ва унинг атрофидаги жойларда яшовчи аҳоли, масалан, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари, ва Қорақалпоғистон Республикасининг аҳолисига нисбатан, юқори малакали тиббиёт ходимлари ва сифатли ускуналар билан жиҳозланган замонавий тиббиёт муассасаларининг хизматларидан баҳраманд бўлишда кенгроқ имкониятларга эга<sup>4</sup>. Мамлакатда инсон ресурсларини бошқариш ва малақа ошириш учун барқарор, кенг қамровли ва ишончли ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) тизими йўқлиги кадрлар салоҳиятини режалаштириш ва ривожлантиришни чеклаб қўймоқда. Дипломдан олдинги ва дипломдан кейинги тиббий тайёргарлик тизими янада такомиллаштиришни талаб қилади, иш ҳақининг пастлиги ва рағбатлантиришнинг йўқлиги ишчи кучнинг мотивациясига таъсир

1 БМТ (2019 й.). «Ўзбекистонда ногиронлиги бор болалар ва катталар аҳволининг таҳлили». Тошкент.

2 Ахмедов М., Азимов Р., Муталова З., Гусейнов С., Цой Е. ва Речель Б. (2014 й.) «Ўзбекистон: Соғлиқни сақлаш тизимининг шарҳи. Соғлиқни сақлаш тизими: ўзгаришлар даври», 16(5):1-137

3 Қаранг, масалан: Ахмедов М., Азимов Р., Муталова З., Гусейнов С., Цой Е. ва Речель Б. (2014 й.) «Ўзбекистон: Соғлиқни сақлаш тизимининг шарҳи. Соғлиқни сақлаш тизими: ўзгаришлар даври», 16(5):1-137 ва Готсадзе (2016 й.). «Ўзбекистонда тиббиёт патронаж тизимини баҳолаш ва тенгизликларни таҳлил қилиш». CURATIO International Foundation.

4 Готсадзе (2016 й.). «Ўзбекистонда тиббиёт патронаж тизимини баҳолаш ва тенгизликларни таҳлил қилиш». CURATIO International Foundation

кўрсатиши ва тиббиёт ходимларининг юқори даражадаги алмашувига олиб келиши мумкин<sup>1</sup>. Шунингдек, ҳалқаро тажриба соғлиқни сақлаш тизими самарали фаолият юритиши учун соғлиқни сақлаш ходимлари ва мижозларни асосий материал ва ускуналар билан таъминлаш учун самарали таъминот тизими зарурлигидан далолат берадиган бир пайтда, Ўзбекистонга оид бир қатор таъдқиқотларда керакли ускуналар ва совуқ занжири инфратузилмасининг мавжуд эмаслиги; сарфланувчи материалларни, шу жумладан дори-дармонлар ва асосий ускуналарни сотиб олиш ва тақсимлашда, ва кадрларни профессионал қўллаб-кувватлаш/кураторлик тизимини жорий қилишда камчиликлар мавжудлиги; мутахассислар/иммунизация ва вакцинация бўйича хизмат кўрсатишга оид масалаларда тиббиёт ҳамшираларнинг малакаси етарли даражада эмаслиги (кадрлар алмашуви юқори даражада бўлганлиги сабабли); тиббиёт муассасалари бошқарувининг етарлича децентрализация бўлмаганлиги; ва маълумотлар билан иш олиб бориш учун замонавий таомил ва қўлланмалар йўқлиги аниқланди<sup>2</sup>. Ушбу муаммолар ҳамда тиббиёт муассасаларининг

сув таъминоти ва санитария каби асосий инфратузилмаларининг тақчиллиги соғлиқни сақлаш тизими томонидан тақдим этилаётган барча доирадаги хизматлар сифатининг пасайишига олиб келади.

**Атроф-муҳит омиллари:** Саломатлик ва иммунизация ҳамда улар билан боғлиқ хатарлар билан ўзаро боғланган бевосита яшаб кетиш ва ривожланиш омилларидан ташқари, жароҳатланиш, баҳтсиз ҳодисалар ва юқумли бўлмаган касалликларга олиб келадиган бошқа сабаблар ҳам мавжуд. Булар қаторига жамоат муҳити жойларини, транспорт қатнови йўли ва йўловчилар ҳаракатланиши учун тротуарларга доим ҳам бўлинмаслиги киради (гарчи бу баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун зарур бўлишига қарамасдан), лекин шунинг ўзи билан чекланиб қолмайди<sup>3</sup>. «Носоғлом» деб аталадиган озиқ-овқат маҳсулотларини сотишни тартибга соладиган ва озиқ-овқатлар ўрамларида шакар кўп миқдорда мавжуд бўлган озуқалар кўрсатилишини талаб қиласидиган давлат сиёсатининг ишлаб чиқилиши ҳам оналар ва болалар соғлиғини яхшилашга хизмат қилиши мумкин.

1 Қаранг, масалан: Штейн, С., Новилло, Д. (2018). Ўзбекистонда информацион соғлиқни сақлаш тизими ва электрон соғлиқни сақлашни мустаҳкамлаш бўйича ҳисобот. ЖССТ Европа минтақавий бюроси ва Готсаде (2017 й.). «Ўзбекистонда туман даражасидаги соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш ва тиббиёт патронаж тизимини ислоҳ қилиш истиқболлари».

2 ЮНИСЕФ (2018 й.). «Иммунизация ва соғлиқни сақлаш етказмалари тизими учун инсон ресурслари: тезкор баҳолаш ва яхшиланишни режалаштириш, Ўзбекистон». Тошкент.

3 Ж. Содиков (2018 й.). «Йўл-транспорт ҳодисалари бўйича маълумотлар таҳлили ва визуализацияси». Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти. Тошкент. Манба қўйидаги манзилда мавжуд: [https://www.researchgate.net/profile/Jamshid\\_Sodikov/publication/324982701\\_Road\\_Traffic\\_Accident\\_Data\\_Analysis\\_and\\_Visualization\\_in\\_R/links/5aefd9fca6fdcc8508b95950/Road-Traffic-Accident-Data-Analysis-and-Visualization-in-R.pdf](https://www.researchgate.net/profile/Jamshid_Sodikov/publication/324982701_Road_Traffic_Accident_Data_Analysis_and_Visualization_in_R/links/5aefd9fca6fdcc8508b95950/Road-Traffic-Accident-Data-Analysis-and-Visualization-in-R.pdf) (2020 йил 18 марта ҳолатига кўра).



### 3.2. ТАЪЛИМ ОЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ҲУҚУҚИ

#### Шарҳ

Болаларни эрта ривожлантириш ва таълим бериш турли ёшдаги болаларга ўз салоҳиятларини ривожлантириш ва амалга оширишга ёрдам беради ва иқтисодий унумдорлик, фаол фуқаролик нуқтаи назари, бутун умри давомида мустаҳкам соғлик, кейинги авлод болаларни муваффақиятли тарбиялаш учун асосий омиллар сифатида таъкидланади<sup>1,2</sup>. Таълимнинг аҳамиятини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Конституцияси бепул ва мажбурий умумий ўрта таълимни кафолатлади. 2019 йилда қабул қилинган мактабгача таълим тўғрисидаги қонун ва 2020 йилдаги таълим тўғрисидаги қонун таълим тизимининг бош ҳуқуқий асослари ҳисобланиб, бепул бир йиллик мажбурий мактабгача таълимни ҳамда бепул ва мажбурий ўрта таълимни таъминлайди. Таълим мамлакат жамияти ва иқтисодиёти Миллий ривожланиш стратегигасига ўтишига хизмат қиласидиган ва 4-сонли Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишда Ўзбекистонга муваффақият қо-

зонишга ёрдам берадиган асосий стратегиялардан бири сифатида белгиланган<sup>3</sup>. Миллий ривожланиш стратегияси ва таълим секторини ислоҳ қилиш стратегияси таълим тизимининг барча кичик секторларида салмоқли мақсадларни олдига қўймоқда. Ҳукумат 2017 йилдан бошлаб таълим сифати масалаларини ва ўқитиш натижаларини таълим тизимини ислоҳ қилишнинг марказига қўйди. Шундай бўлса ҳам, таълимни ислоҳ қилиш мақсадларига эришишда жиддий кескинликлар бор, ва мавжуд тизим ўзгариш ҳолатида турган тизим сифатида таърифланмоқда<sup>4</sup>.

**Таълим олиш ва ривожланиш ҳуқуқини босқичма босқич амалга ошириш масаласида ишлар ривожи**

#### Муҳим ютуқлар

Ўзбекистон ЯИМнинг катта улушини (6,4%) ва давлат бюджетининг салмоқли харажатларини (30%) таълим соҳасига сарфлайди, ва таълим эрта болалиқданоқ бола ривожланиши ва

1 Болани ривожлантириш маркази (2007). «Болани эрта ривожлантириш фани». Манба қўйидаги манзилда мавжуд: [www.developingchild.harvard.edu](http://www.developingchild.harvard.edu)

2 ОЭСР (2018 й.). «Таълим». Манба қўйидаги манзилда мавжуд: <https://data.oecd.org/education.htm> (2019 йил 21 сентябрь ҳолатига кўра).

3 Ўзбекистон Ҳукумати (2017 й.) «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига». Тошкент.

4 Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент.

мактабга тайёрланишининг муҳим стратегияси сифатида тан олинишида жиддий тараққиётга эришди. Кейинги йилларда янги Мактабгача таълим вазирлиги яратилди, мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва мактабгача таълим түғрисидаги қонун қабул қилинди. 3-7 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси жиддий ўсди: 2017/2018 йилдаги 25% дан 2019/2020 йилдаги 53% гача<sup>1</sup>. Ўзбекистон таянч таълимга эга бўлишни таъминлашда ҳам катта муваффақиятларга эришди. Халқаро вазият билан солиштирадиган бўлсақ, Ўзбекистонда мактабда ўқимайдиган болалар жуда кам учрайди. Умумий ўрта таълим мажбурий ҳисобланади, ва бу ўғил ва қиз болаларни бошланғич ва ўрта таълим билан қамраб олишда юқори кўрсаткичларга эришишга олиб келди. Умумий ўрта таълим тизимида турли саккиз тилда билим олиш имкониятлари тақдим этилади: ўзбек, қорақалпок, қозоқ, қирғиз, рус, тоҷик, туркман ва инглиз тилларида, ва бу турли аҳоли гуруҳларини таълимга эга бўлиш имконияти билан таъминлайди. Мактаб ёшидаги болаларнинг 3% дан камроғи мактабга қатнамайди<sup>2</sup>. Уму-

мий ўрта таълимга эга бўлишда гендер мувозанати кузатилиб, вақт ўтиши билан сақланиб турибди, ва саводхонлик даражаси 100% ни ташкил қиляпти<sup>3</sup>. Шу билан бирга, кейинги ўн йил ичида (2008 йилдан 2017 йилгача) мактабга қатнамайдиган болалар сони 350 000 нафардан 142 000 нафаргacha қисқарди<sup>4</sup>. 2018/19 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим давомийлиги 9 йилдан 11 йилгача узайтирилди<sup>5</sup>, ва таълимдаги жорий ислоҳотлар мактабгача таълим муассасалари сонини ошириш ҳамда 2021 йилга келиб 6-7 ёшдаги болаларнинг 100% қамровини таъминлашга қаратилди<sup>6</sup>. Таълим соҳасидаги ривожланиши янада яхши мониторинг қилиш мақсадида мамлакат 2018 йилда талабаларни халқаро баҳолаш дастури (PISA) ва математика ва табиий фанларни ўрганишдаги тенденциялар (TIMSS) каби ўқувчилар эришган ютуқларни баҳолашга қаратилган халқаро кенг миқёсли тадбирларида иштирок этиш ниятини билдириди. Бундан ташқари, таълим тизимининг барча секторларида таълим сифатини назорат қилишни такомиллаштириш мақсадида, 2017 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан таълим

1 Мактабгача таълим вазирлиги (2020 й.). Манба қўйидаги манзилда мавжуд: <http://old.mdo.uz/ru/>

2 Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент.

3 . ЮНЕСКО (2018 йил) Таълимни мониторинг қилиш бўйича глобал ҳисобот: Таълимдаги жавобгарлик: мажбуриятларни бажариш. Париж, Франция.

4 Жаҳон банки (2018 й.). «Ўзбекистон таълим секторининг таҳлили бўйича якуний ҳисобот».

5 Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент.

6 Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент.

сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси яратилди<sup>1,2</sup>.

### **Сақланиб қолаётган муаммолар: болалар таълими ва ривожланишидаги тенденциялар**

#### **Мактабгача таълимга эга бўлиш имконияти:**

Кейинги йилларда мактабгача таълим қамрови ўсишига қарамасдан, у халқаро стандартларга нисбатан пастлигича қолмоқда, ва мактабгача таълим қамровини янада кенгайтиришни давом эттириш учун Ўзбекистонга кўпроқ вақт ва сармоялар талаб этилади<sup>3</sup>. Айрим ҳудудларда кам таъминланган оиласлардаги болалар, ногиронлиги бўлган болалар, қишлоқ жойларидаги болалар мактабгача таълим билан қамраб олинмай қолиб

кетиш эҳтимолига дуч келмоқда<sup>4</sup>. Мактабгача таълим хизматларидан баҳраманд бўлиш имконияти энг паст даражада бўлган вилоятлар қаторида Қашқадарё (31%), Сурхондарё (35%) ва Тошкент вилоятлари (39%) эътироф этилмоқда, айни пайтда Тошкент шаҳрида бундай имкониятлар энг юқори даражада – 87% ни ташкил этмоқда<sup>5</sup>. Ногиронлиги бўлган болалар учун мактабгача таълим хизматлари одатда умумтаълим мактабгача муассасаларда эмас, ихтисослаштирилган мактабгача муассасаларда тақдим этилади. 2015 йилда 198 та ихтисослаштирилган мактабгача муассасаларда 20 994 нафар болалар таълим олган<sup>6</sup>.

**Умумий ўрта таълимга эга бўлиш имконияти** кафолатланган, ва вақт ўтиб қамров даражаси ортиб бориб, бошланғич синфларда 100% қамров таъминланган. Лекин бошланғич ва ўрта синфларда ўқувчилар қамровининг умумий коэффициентида мавжуд тафовут болалар мактабга бормаётганлиги ёки иккинчи йилга қолиб кетишга мажбур эканлигидан дарак беради, ва бундай тафовут вақт ўтиб ортади, бу эса муаммо кучайиб бораётганлигига

*Қамров ва давомат: таълимга эга бўлиш имконияти турли ёшдагилар гурухлари, ўғил ва қиз болалар, ногиронлиги бўлган ва бўлмаган болалар, турли фаровонлик даражаси, шахар/қишлоқ жойлари ва турли ҳудудлар учун фарқланади.*

1 ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги №515-сонли «Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори.

2 Шунингдек қаранг: Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент. ва Ўзбекистон Ҳукумати (2017 й.) «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». Тошкент.

3 ЮНИСЕФ (2017 й.). «Ўзбекистонда мактабгача таълим сиёсатининг шархи». Тошкент

4 Мульти Индикаторли Кластерли Тадқиқот (МИКТ), 2006, ЮНИСЕФ, қўйидаги манбада мавжуд: <http://mics.unicef.org/surveys>

5 Маълумотлар Мактабгача таълим вазирлигининг сайтидан олинган <http://old.mdo.uz/ru/> (2020 йил февраль ойи ҳолатига кўра)

6 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2015 йил учун маълумотлари ЮНИСЕФда келтирилган (2018 й.). «Таҳлий маълумот: Ўзбекистонда қонунчилик ва инклузив таълим сиёсатининг шархи», Тошкент.

Кам таъминланган оилалардаги болалар, имкониятлари чекланган болалар, маълум худудларда яшовчи болалар ва қизлар – заиф бўлиши ва улар мактабда ўқишини ташлаб кетиши ёки мактабга қатнамаслиги эҳтимоли катта.

ишора қиласди. 2010 йилда бошланғич ва ўрта синфлар ўқувчиларини қамраб олиш бўйича умумий коэффициент фарқи тахминан 4% ни ташкил қилган, шу билан бирга 2017 йилда бу кўрсаткич қарийб 10% гача ўсган<sup>1</sup>. 2016 йилда ўқувчиларнинг фақат 91% гина 5-9 синфларни муваффақиятли битирган<sup>2</sup>. Кам таъминланган оилалар болалари, имконияти чекланган болалар, маълум худудларда яшовчи болалар ва қизлар заифбўлиши ва улар мактабда ўқиши ташлаб кетиши ёки мактабга қатнамаслиги эҳтимоли катта.

2017 йилда тахминан 142 000 нафар болалар мактабга қатнамаган ва уларнинг 60% ни қиз болалар ташкил қилган бўлиб, ана шу болаларни аксарияти ногиронлиги бўлган болалар тоифасига киради, деб тахмин қилинмоқда<sup>3</sup>. Мактабга қатнамайдиган болалар улуши мамлакатдаги ўртача кўрсаткичларга нисба-

тан (3%) каттароқ бўлган вилоятлао қаторига қўйидагилар киради: Қорақалпоғистон Республикаси (7,5%), Сирдарё вилояти (4,5%), Самарқанд вилояти (4,4%), Бухоро вилояти (4,3%) ва Тошкент вилояти (4,2%)<sup>4</sup>.

**Ўрта маҳсус ва олий таълимга эга бўлиш имконияти:** Ёшларнинг кичик қисмигина олий таълим олиш имкониятига эга. Умумий ўрта таълим муассасаларини битирган болаларнинг аксарияти (2016/2017 йилда 84%) у ёки бу шаклда профессионал таълим олишни бошлайтилар<sup>5</sup>, айни пайтда имкониятлари чекланган болаларда ушбу кўрсаткич атиги 50% ни ташкил қиласди<sup>6</sup>. Олий таълим муассасаларига ўқишига кириш имкони жуда кам болаларда мавжуд (ўрта ҳисобда атиги 9%, 2017/2018 йилда аёллар учун – 6%, эркаклар учун – 11%)<sup>7</sup>. Кейинги йилларда олий таъ-

1 Ҳисоб-китоблар муаллиф томонидан ЮНЕСКО Статистика институтининг маълумотлари бўйича амалга оширилган (2019 й.). Ўзбекистон. Маълумотлар қўйидаги манбада мавжуд: <http://uis.unesco.org/en/country/uz>

2 2018/19 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим давомийлиги 9 йилдан 11 йилгача узайтирилди. Келтирилган маълумотлар ушбу ўзгаришдан аввалги давр учун мансуб ба «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент. ҳужжатида тилга олинган ЮНЕСКОнинг таълим мониторинги бўйича Жаҳон ҳисоботидан олинган.

3 Ҳисоб-китоблар Жаҳон банкига мансуб муаллиф томонидан ЮНЕСКО Статистика институтининг маълумотлари асосида (<http://data.uis.unesco.org/index.aspx?queryid=181#>) Жаҳон банкининг билдиришида амалга оширилган (2018 й.). «Ўзбекистон таълим секторининг таҳлили бўйича якуний ҳисобот», 48 бет.

4 Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент.

5 Жаҳон банки (2018 й.) «Ўзбекистон таълим секторининг таҳлили бўйича якуний ҳисобот».

6 БМТ текширувларининг маълумотлари асосида (2019 й.). «Ўзбекистонда ногиронлиги бор болалар ва катталар аҳволининг таҳлили». Тошкент.

7 Жаҳон банки (2018 й.) «Ўзбекистон таълим секторининг таҳлили бўйича якуний ҳисобот».

лим муассасаларида талабалар сони мутлақ мазмунда ўсиб бораётганлигига қарамасдан, университетлар талабалари сони мамлакат аҳолисининг 10 000 нафари бошига ўн йил олдинги 219 нафар талабалардан ҳозирги вақтдаги 167 нафаргача қисқарди. Бутун мамлакат бўйлаб 25-30 ёшдагиларнинг атиги 12% олий таълим олиш имкониятига эга бўлишда жиддий тенгсизликлар кузатилади: шаҳар ҳудудида яшовчилар қишлоқ ҳудудида яшовчиларга нисбатан олий таълим олишда икки баравар кўпроқ имкониятга эга (шаҳарликлар 22%, қишлоқдагилар 9%);<sup>1</sup> кам даромадли уй хўжаликлирида яшовчи 25-30 ёшдагиларнинг атиги 3% олий маълумот олишга муваффақ бўлган бўлса, юқори даромадли уй хўжаликларда ушбу кўрсаткич 23% ни ташкил қиласиди<sup>2</sup>. Шунингдек олий таълимга эга бўлишда жиддий гендер тағовутлари мавжуд: университетларда таълим олаётган талабаларнинг атиги 37% ни (103 299 нафар) аёллар ташкил қиласиди<sup>3</sup>.

**Мактабга тайёрланиш:** Умумий ўрта таълим муассасасида ўқишдан олдин мактабгача

муассасага қатнаган болалар, мактабгача таълим олмаган болаларга нисбатан, яхшироқ ўзлаштиришга эга бўлиши тасдиқланган. Ҳозирги вақтда мактабгача муассасага қатнамайдиган 3-7 ёшдаги кўп сонли болалар бундай имкониятдан маҳрум бўлган ва умумий ўрта таълим тизимиға ўқишига киришдан аввал мактабгача таълим олган ўз тенгдошлидан орқада қолади<sup>5</sup>. Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси ўсиши сари бу масалада ҳам ижобий силжишлар кузатилса, ажаб эмас. Кам таъминланган оилалар болалари, имкониятлари чекланган болалар, қишлоқ жойларида ва маълум вилоятлар яшовчи болалар умумий ўрта таълим тизимиға киришда мактабга тайёрланиш жараёнида катта эҳтимол билан орқада қолишилари мумкин<sup>6</sup>.

**Мактабда кўникмаларни ўзлаштириш:** Ўзбекистон таълим тизимида билим оладиган ўқувчилар учун келгуси ҳаётда зарур бўладиган асосий ва шахслараро кўникмалар этишмайди, умумий ўрта таълим сифати ва ўқувчилар билим олиши натижалари эса ўзга-

1 Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент.

2 Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент.

3 ЮНИСЕФ (2019 й.). «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

4 Ҳисоб-китоблар Жаҳон банкига мансуб муаллиф томонидан ЮНЕСКО Статистика институтининг маълумотлари асосида (<http://data.unesco.org/index.aspx?queryid=181#>) Жаҳон банкининг билдиришида амалга оширилган (2018 й.). «Ўзбекистон таълим секторининг таҳлили бўйича якуний ҳисобот», 40 бет.

5 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда бошланғич синфлар ўқувчиларига таълим бериш: натижалар, муаммолар ва имкониятлар: Ўзбекистон ўқувчиларининг таълимдаги ютуқларига оид Миллий тадқиқотнинг қисқача баёни, IV синф», 2018 й. Тошкент.

6 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда бошланғич синфлар ўқувчиларига таълим бериш: натижалар, муаммолар ва имкониятлар: Ўзбекистон ўқувчиларининг таълимдаги ютуқларига оид Миллий тадқиқотнинг қисқача баёни, IV синф», 2018 й. Тошкент.

Таълим тизими мақсадлари билим беришда юқори натижаларга эришиш ва ижтимоий интеграцияга хизмат қилишга йўналтирилган бўлиши лозим.

риб туриш ва фарқланишни давом этмоқда<sup>1</sup>. 2013-2014 йилларда Жаҳон банки томонидан меҳнат бозорига чиқиб бўлган одамлар орасида ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишича, билимларни юқори ўзлаштириш даражаси мантиқий ва ижодий фикрлаш, вербал кўнималар, рақамлар билан ишлаш, вазифаларни ҳал қилиш, хотирани яхшилаш ва фикрлашни тезлаштириш каби когнитив кўникмаларни доим ҳам яхшилашга олиб келмайди, яъни ўқувчилар мактабда, эҳтимол, ушбу кўникмаларни етарли даражада ўрганмайдилар<sup>2</sup>. Халқ таълими вазирлиги ва ЮНИСЕФ томонидан 2018 йилда таълимдаги ютуқлар юзасидан ўтказилган тадқиқот ўқувчилар таълим олган йиллари бўйича кутилган натижаларга нисбатан ўртacha натижаларни намойиш қилганларини ва бошланғич синфларда ўқиш суръатлари паст даражада бўлганлигини кўрсатди. Ўқувчилар ўқиш, математика ва табиатшуносликда оддий вазифаларни яхши бажарганлари баробарида, бироз мураккаброқ масалани ёки таҳлилий вазифани ечишга қийналдилар. Шунингдек тадқиқотда

ўқувчилар ва мактаблар учун юқори ва паст кўрсаткичларни белгиловчи омиллар, ўқишидан ги тенгсизликлар ва ўғил ва қиз болалар ўртасида ўзлаштиришдаги тафовутлар аниқланди. Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари каби олтида вилоятдаги мактабларда Жиззах, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги мактабларга нисбатан, фанларни яхши ўзлаштира олмаётган ўқувчилар сони бирмунча кўпроқдир. Билим бериш тили ва болалар ўз она тилида сабоқ олишлари ҳам ўзлаштиришга таъсир кўрсатувчи муҳим омилларидан бири бўлди<sup>3</sup>.

**Ҳаётий натижаларга ҳисса қўшиш ва меҳнат бозорига тайёр бўлиш:** таълим тизимидан чиқаётган ёшлар меҳнат бозорида талаб этиладиган тегишли кўникмаларга эга эмас. Таълим тизимида меҳнат бозорига ўтишда ёшлар қийинчиликларга дуч келадилар, ва “Бандлик, таълим ва ўқув билан қамраб олинмаган” (қисқача – NEET) кўп сонли ёшлар мавжудлиги бундан далолат беради.

1 Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент.

2 Айвад Момад Иҳсан, Ильхом Абдуллоев, Робин Ауди, Стефан Хат, Йост де Лаат, Игорь Хейфец, Дженника Ларрисон, Златко Николоски ва Федерико Торракки (2014 г.) «Ўзбекистонда иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш бўйича кўникмаларни ривожлантириш. »Жаҳон банки. Вашингтон, Колумбия ҳудуди.

3 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда бошланғич синфлар ўқувчиларига таълим бериш: натижалар, муаммолар ва имкониятлар: Ўзбекистон ўқувчиларининг таълимдаги ютуқларига оид Миллий тадқиқотнинг қисқача баёни, IV синф», 2018 й. Тошкент.

Баҳолашларга кўра, 15-29 ёшдаги 8,5 млн. ёшларнинг 42% (3,6 млн.) иқтисодий жиҳатдан фаол эмас, ҳеч қандай меҳнат, таълим ёки касбий тайёргарлик билан банд эмас. Бутун мамлакат бўйича NEET кўрсаткичи ёш аёллар учун 66%, ёш эркаклар учун эса 34% ни ташкил қиласди. Имкониятлари чекланган ёшлар орасида NEET кўрсаткичи 77%, оғир шаклдаги ногиронлиги бор одамлар бўйича эса ушбу кўрсаткич 91% гача етади<sup>1</sup>. Бундан ташқари, ёшлар орасида ишсизлик мамлакатдаги ишсизликнинг ўртача даражасига нисбатан икки баравар юқоридир (18%)<sup>2</sup>. Меҳнат бозорига муваффақиятли чиқаётгандар орасида кўникумаларга эга бўлиш масаласида маълум бўшлиқлар мавжудлиги ва иш берувчилар ўз ходимларининг кўникумаларидан қониқмаётгандиги белгилари мавжуд: масалан, уларнинг “ўз ҳаракатлари учун масъулиятни ўз зиммасига олиш”, “асосланиш” ва “креативлик” каби ижтимоий-эмоционал кўникумалар шулар жумласидандир<sup>3</sup>. Шунингдек, маълумотларга қараганда, айрим болалар таълим тизими-нинг бевосита таъсири сифатидаги ижтимоий изоляцияга (ёлғизланишга) дуч келмоқдалар. Бу айниқса ёпиқ муассасаларда таълим ола-

диган ва имкониятлари чекланган болаларга тааллуқлидир. Имкониятлари чекланган болаларнинг кўпчилиги маҳсус таълим оладилар ва тунда ҳам ётиб қоладиган мактаб-интернатларнинг яшовчилари ҳисобланиб, вақтининг асосий қисмини ўз оиласари ва ҳамжамиятларида яшамайдилар<sup>4</sup>. 2017-18 йилларда маҳсус таълим мактабларида ва мактаб-интернатларида 19 858 нафар болалар билим олган<sup>5</sup>.

### Болаларнинг таълим олиши ва ривожланишидаги муаммолар сабаблари

Бевосита болалар муҳитида ҳамда таълим тизими фаолиятида мавжуд бўлган омиллар болаларнинг сифатли таълимга ва ўзлаштириш имконига эга бўлишига таъсир кўрсатади.

### Оила ва ҳамжамият билан боғлиқ бевосита омиллар:

**Таълимга эга бўлиш имконияти:** 2019 йил декабрда «Мактабгача таълим ва тарбия тўгрисида»ги қонун қабул қилинишидан олдин,

1 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

2 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

3 Айвад Момад Ихсан, Ильхом Абдуллоев, Робин Ауди, Стефан Хат, Йост де Лаат, Игорь Хейфец, Дженника Ларрисон, Златко Николоски ва Федерико Торракки (2014 г.). “Ўзбекистонда иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш бўйича кўникумаларни ривожлантириш”. Жаҳон банки. Вашингтон, Колумбия худуди.

4 ЮНИСЕФ (2018 й.). «Таҳлилий маълумот: Ўзбекистонда қонунчилик ва инклюзив таълим сиёсатининг шарҳи». Тошкент.

5 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (2019). Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ҳимояси. Тошкент. Онлайн. Қуйидаги мансилда мавжуд: <https://stat.uz/uploads/docs/ijtimoiyHimoya17-ru.pdf> (2020 йил 18 марта ҳолатига кўра).



Ўзбекистонда мактабгача таълим бепул ҳам, мажбурий ҳам бўлмаган<sup>1</sup>, ва айнан шу жиҳат мактабгача таълим хизматларига талаб ва тақлиф юзага келишига ўз таъсирини кўрсатди. Ҳозирги вақтда ушбу хизмат бир текисда тақдим этилиши таъминланмаган, ва айрим ҳудудларда тегишли ёш гуруҳларидаги барча болаларни қамраб олиш учун жойлар етишмай турган бўлса, бошқа ҳудудларда мавжуд қувватлар етарли даражада ишлатилмайди<sup>2</sup>. Бу ҳолат мактабгача таълимга талаб катта бўлган ҳудудларда мактабгача муассасаларнинг ортиқча тўлиб кетишига олиб келди, ва аксинча бундай хизматга талаб катта бўлмаган мактабгача муассасалар ва ҳудудларда мавжуд ресурсларнинг етишмовчилиги ўқув инфратузилмаси ва ходимлар сифати паст даражада бўлишига олиб келмоқда<sup>3</sup>. Мактабгача таълимнинг нархи ота-оналар ўз фарзандларини мактабгача муассасага ўқишга жойлаштиришда асосий тўсиқ ҳисобланади<sup>4</sup>. Имкониятлари чекланган болалар учун умумий ўрта таълимга эга бўлиш имконияти айниқса муҳим аҳамият касб этади. Имкониятлари чекланган болаларнинг таълимга бўл-

ган эҳтиёжи бугунги кунда тақдим этилаётган таълим хизматларига боғлиқ бўлиб, бу масалада имкониятлари чекланган болалар алоҳида ихтисослаштирилган муассасаларда ёки ўз уйларида таълим олишлари бу тоифадаги болалар билим орттиришининг мақбул моделир, деган фикр устунлик қилмоқда<sup>5</sup>. Олий таълимда ҳукumat томонидан белгиланган квоталар ёшларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишни чеклаб қўймоқда, шунингдек ўқишга киришни хоҳловчилар ва ўқишга кирган талабалар ўртасидаги тафовут тобора ортиб боряпти<sup>6</sup>.

**Ўзлаштириш:** Ўқувчиларнинг кўпчилиги таълим олаётганда уларга ўз уйларида ота-оналари етарли ёрдам бермайди, чунки ота-оналарнинг ўзлари бундай ёрдам бериш учун керакли миқдордаги материаллар, воситалар ва ресурсларга эга эмас<sup>7</sup>. Бу, айниқса, алоҳида эҳтиёжларга эга ва умумий ўрта таълим тизимида ўқиш учун қўшимча кўмакка муҳтож бўлган ўқувчиларнинг ўзлаштириши паст даражада бўлишининг сабабларидан бири ҳисобланади.

1 Масалан: IPE Global (2019 й.) "Ўзбекистонда эрта болаликни парвариш қилиш ва таълим хизматларига ота-оналарнинг талаблари ва тегишли алоқа стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича билим, муносабат ва амалиёт (КАП) тадқиқотлари: бошланғич ҳисоботи", Тошкент

2 Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент.

3 IPE Global (2019 йил.) "Ўзбекистонда эрта болаликни парвариш қилиш ва таълим хизматларига ота-оналарнинг талаблари ва тегишли алоқа стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича билим, муносабат ва амалиёт (КАП) тадқиқотлари: бошланғич ҳисоботи", Тошкент

4 ЮНИСЕФ (2017 й.) «Ўзбекистонда мактабгача таълим сиёсатининг шарҳи». Тошкент

5 ЮНИСЕФ (2018 й.). «Таҳлилий маълумот: Ўзбекистонда қонунчилик ва инклузив таълим сиёсатининг шарҳи», Тошкент.

6 Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент.

7 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда бошланғич синфлар ўқувчиларига таълим бериш: натижалар, муаммолар ва имкониятлар: Ўзбекистон ўқувчиларининг таълимдаги ютуқларига оид Миллий тадқиқотнинг қисқача баёни, IV синф», 2018 й. Тошкент.

Энг яхши ўқитувчиларни танлаш ва ёллашни такомиллаштириш мумкин, ўқитувчилар малакасини ошириш ва мактабда дарс ўтишига дипломдан олдинги амалий тайёрланишини кучайтириш зарур.

**Таълим тизимидағи ҳал этилиши зарур бўлган асосий масалалар**

Таълим тизимида мавжуд бир қатор асосий муаммолар мактабгача таълим хизматларига талаб янада кучайишига эришиш ва умуман таълим самарадорлигини оширишга таъсир қилмоқда.

**Таълим тизимини бошқариш, мониторинг қилиш ва тартибга солиш:** Яқинда ҳукумат таълим тизимининг барча секторларини 2030 йилгача ривожлантиришнинг узоқ муддатли концепциясини ишлаб чиқди<sup>1</sup>. Мактабгача таълим соҳасида хизматларни тақдим этишини кенгайтириш ва сифатини оширишни қўллаб-қувватлаш учун 2017 йилда янги Мактабгача таълим вазирлиги яратилди. Лекин мактабгача таълимни ривожлантириш йўлидаги барча ишларни амалга ошириш ва ишга солишнаётган саъй-ҳаракатлар натижаларига эришиш учун маълум вақт талаб әтилади. Янги

мактабгача таълим муассасалари ва уларда ишлайдиган ходимларга бўлган эҳтиёж билан бир қаторда, мавжуд кўпгина мактабгача муассасалар инфратузилмалари таъмирланиш муҳтоҷ ҳамда ходимларнинг малакасини янада ошириш зарурати мавжуд: мактабгача таълимда мавжуд ўқитувчиларнинг аксарияти (қарийб 77%) фақат ўрта маҳсус таълимга эга ҳамда мактабгача дастурлар сифатини яхшилаш ва мониторинг қилишга кўпроқ эътибор қаратиш лозим<sup>2</sup>. Таълим тизимида таркибий ва тизимли ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан янги бошқариш механизмларни, сифат стандартларини жорий қилиш, ўқув юртларининг моддий-техник аҳволини яхшилаш<sup>3</sup> ва ўқитувчилар учун юқори иш ҳақини, турар жой ва бошқа шароитларни таъминлаш мақсадида яқинда ҳукумат томонидан қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди<sup>4</sup>. Шунингдек, таълим тўғрисидаги қонунда таълимга нисбатан янада интеграциялашган, инсон

1 ЎзР Президентининг 2019 йил 8 майдаги №ПҚ-4312-сонли Қарори: «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»; ЎзР Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги №ПФ-5712 Фармони: «Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»; ЎзР Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги №ПФ-5847-сонли Фармони: «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида».

2 Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент.

3 ЎзР Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги №ПФ-5538-сонли Фармони: «Ҳалқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

4 Қаранг: ЎзР Президентининг 2018 йил 14 августдаги №ПҚ-3907-сонли Қарори: «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида».

ҳаётининг бутун даврига йўналтирилган ёндашувни акс эттириш керак. Шунингдек қонунда болаларни мактабда зўравонликнинг барча шаклларидан, жисмоний жазолардан, “буллинг” ва суиистеъмолликлардан янада кучли ҳимоя қилиш ва таълим жараёнида жамоатчиликнинг янада кенг иштирокини таъминлашни мустаҳкамлаш зарур<sup>1</sup>. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда таълим тизими сифатини мониторинг қилиш учун таълим стандартлари ҳамда мунтазам ва стандартлаштирилган ўзлаштириш баҳоланиши яхшиланишга муҳтоҷ<sup>2</sup>.

**Мавжуд инфратузилманинг хавфсизлиги ва ундан фойдаланиш имконияти.** Мактабгача муассасалар ва мактаблар биноларининг катта қисми ва уларнинг жиҳозлари яроқлилиги билан боғлиқ муаммолар кузатилади. Баҳолашларга кўра, барча мактабгача муассасаларнинг ярми капитал таъмирлашга муҳтоҷ, умумий ўрта таълим муассасаларининг тахминан 15% да эса жиддий капитал таъмирлаш ўтказилиши талаб этилади<sup>3</sup>.

Хабарларга кўра, Ўзбекистонда ўрта маҳсус

таълим муассасалари биноларининг аҳволи қониқарли, лекин таъмирлашга муҳтоҷ. Таълимнинг барча секторларида мавжуд бўлган муаммолар қаторига иситиш, ёритиш, сув таъминоти, канализация тизимларининг йўқлиги ёки носозлиги кабилар киради<sup>4</sup>. Олий таълим муассасаларининг лабораторияларини такомиллаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш талаб этилади<sup>5</sup>.

**Таълим сифати элементлари:** Мактабгача таълим тизимида, шу жумладан мактабгача таълим сифатини таъминлаш чораларида, ҳозир ҳам ислоҳ қилиш жараёни кечмоқда. Эрта ўқитиш учун ўқув дастури ва стандартлар ишлаб чиқилган бўлишига қарамасдан, мактабгача таълим натижаларини ўлчаш учун тегишли тизим мавжуд эмас. Ҳозирги вақтда мактабгача таълим муассасаларида олий маълумотли ўқитувчилар улуши катта эмас ва атиги тахминан 9% ни ташкил қиласди<sup>6</sup>. Умумий ўрта таълим тизимидаги жорий ислоҳот-

1 ЮНИСЕФ (2018 й.) «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни (1997 й.):Шарҳи ва қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар». Тошкент

2 Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент.

3 Жаҳон банки (2018 й.) «Ўзбекистон таълим секторининг таҳлили бўйича якуний ҳисобот».

4 2018 йилда ўқитиш натижаларини ўрганиш жараенида ўқувчиларнинг мактабдаги моддий мухит хақидаги тушунчалари ўрганилиб, мактаб ўқувчиларидан стуллари ва столларини яролиги ва аниқ кўринадиган доска борлиги тўғрисида сўралган. Мактаб ўқувчилардан учдан бир қисми доскада изувлар аниқ еки кўрингмаслигини хабар қилишибди. Мактаб ўқувчиларини 39% қишида синфда совуқ булганигини хабар қилишибди. Мактаб ўқувчиларини тахминан 51% ёзда синflар иссиқ ёки тоза хаво етишмаслигини айтиб ўтишибди. Манба: ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда бошланғич синflар ўқувчиларига таълим бериш: натижалар, муаммолар ва имкониятлар: Ўзбекистон ўқувчиларининг таълимдаги ютуқларига оид Миллий тадқиқотнинг қисқача баёни, IV синф», 2018 й. Тошкент.

5 Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент.

6 Маълумотлар қуйидаги манзилда мавжуд: <http://old.mdo.uz/ru/>

лар таълим сифатига таъсир кўрсатадиган кўпгина омилларни яхшилаши кутилмоқда. Аммо, ушбу ислоҳотларни амалга ошириш ва улар болалар таълимининг якуний натижалариға тўлиқ таъсир қилишини таъминлаш учун маълум вақт талаб этилади. Ўзбекистонда мавжуд ўқув дастури кўп жиҳатдан материалнинг мазмунига қаратилган ва болаларнинг билим орттириш ва улардан фойдаланиш қобилиятини яхшилашга эмас, балки билимларни тўғридан-тўғри узатишга йўналтирилган<sup>1</sup>. Ўзбекистондаги умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг жорий нисбати паст даражада (2018 йилда тахминан 13:1<sup>2</sup>) таъкидланган бўлсада, айрим мактаблар ва ҳудудларда қатор фанлар бўйича ўқитувчилар етишмовчилиги сезилади. Мактабларда болаларни икки сменада ўқитиш таълим тизимидағи юзага келаётган ушбу муаммоларга ечимини топиш учун мослашув стратегиясига айланди, лекин у таълим сифатига таъсир кўрсатмоқда<sup>3</sup>. Ҳозирги вақтда умумий ўрта таълим мактабларининг қарийб 75-80% икки ва ундан кўп сменада фаолият юритмоқда<sup>4</sup>. Олий ўқув юртларида ўқитувчиларни тайёрлашнинг мавжуд тизими етарли

даражада амалий тажриба бериши учун, ўқитувчилар малакасини ошириш тизими эса ўқитувчиларнинг индивидуал эҳтиёжларини қондириш ва уларни рафбатлантириш учун мослашувни талаб этади. Профессионал стандартларга асосланган ўқитувчилар ишини баҳолаш механизмлари яхшиланиши лозим. Мактаб ходимлари ва раҳбарларини тайёрлаш ва малакасини ошириш орта қолган ҳудудлар ва мактаблар эҳтиёжларини ҳисобга олиши лозим<sup>5</sup>. Кўпгина мактаблардаги муҳит ва билим бериш маданияти яхшиланиши керак: сўровдан ўтказилган мактаб ўқувчиларининг 25% турли равиша «буллингнинг» у ёки бу турига дучор бўлганлари тўғрисида хабар қилдилар<sup>6</sup>. Мақбул ўқув муҳити барча болалар учун инклюзив муҳитни ҳам таъминлаши ҳамда болалар мактаб ҳаётида иштирок этиши ва барча болалар ўқишини таъминлаш учун тўсиқларни бартараф этишга ёрдам берувчи чоралар фаоллик билан қўлланиши зарур. Амалдаги ҳуқуқий базада бепул ва мажбурий таълим кўзда тутилган бўлишига қарамасдан, ўқув материаллари учун харажатлар кам даромадли оила учун оғир юк бўлиши мумкин. Ўзбекистондаги умумтаълим

1 ЮНИСЕФ (2018 й.). «Таҳлилий маълумот: Ўзбекистонда қонунчилик ва инклюзив таълим сиёсатининг шарҳи», Тошкент.

2 Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган, июль, 2019 й.

3 Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент.

4 Жаҳон банки (2018 й.) «Ўзбекистон таълим секторининг таҳлили бўйича якуний ҳисобот».

5 ЮНИСЕФ (2018 й.). «Ўзбекистонда ўқитувчиларнинг профессионал фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликдаги бўшлиқлар ва чекловлар». Тошкент.

6 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда бошланғич синфлар ўқувчиларига таълим бериш: натижалар, муаммолар ва имкониятлар: Ўзбекистон ўқувчиларининг таълимдаги ютуқларига оид Миллий тадқиқотнинг қисқача баёни, IV синф», 2018 й. Тошкент.

мактаблари имкониятлари чекланган болалар ҳамда “умумий қабул қилинган меъёрларга” мос келмайдиган болалар эҳтиёжларига кўп жиҳатдан мослаштирилган бўлиши лозим<sup>1</sup>. Мактабларда АҚТ жорий қилиниши ўқувчилар

ва мактабларга “рақамли тафовутни” енгиб ўтишга ёрдам беради, лекин ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги мактабларнинг атиги 7% да таълим беришнинг АҚТга асосланган у ёки бу шакли қўлланилади<sup>2</sup>.



1 ЮНИСЕФ (2018 й.). «Таҳлилий маълумот: Ўзбекистонда қонунчилик ва инклюзив таълим сиёсатининг шарҳи», Тошкент.  
2 Ўзбекистон Ҳукумати (2018 й.) «2019-2023 йилларда Ўзбекистон таълим секторини ривожлантириш режаси». Тошкент.



### 3.3. ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ЭГА БЎЛИШ ҲУҚУҚИ

#### Шарҳ

Ижтимоий ҳимоя дастурлари бутун дунёда оилалар ва болаларга камбағаллик, тенгсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги йўқлигига қарши курашишда ёрдам бериш, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа хизматлардан баҳраманд бўлишни енгиллаштиришда муҳим рол ўйнайди. Даромади ўрта даражада бўлган бошқа мамлакатларга нисбатан, Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳимояга киритадиган инвестициялари нисбатан паст даражада бўлиб<sup>1</sup>, ЯИМнинг 6% ижтимоий ҳимоянинг миллий тизимиға сарфланади<sup>2</sup>. Мавжуд тизим парчаланишини енгиб ўтиш, ижтимоий нафақаларни олиш учун мезонларни аниқлаш ва пенсия тизимини ислоҳ қилиш учун яқинда муҳим ислоҳотлар эълон қилинди<sup>3</sup>. Ушбу ислоҳотлар тўлиқ амалга оширилган ҳолда Ўзбекистонга камбағалликни, шу жумладан болалар орасида камбағаллигини қисқартиришга ёрдам беради, бу эса 1-сонли ва 2-сонли Барқарор

Ривожланишнинг Мақсадларига (БРМ) мувофиқдир.

**Ижтимоий ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқини босқичма босқич амалга оширишда ишлар ривожи**

#### Муҳим ютуқлар

Болаларнинг ижтимоий ҳимояси учта асосий турдан иборат бўлган болалар учун нафақалар тизимини ўзига киритади: 2 ёшгача болалари бор бўлган оилалар учун болаларни парваришлаш нафақаси; 2 ёшдан 14 ёшгача болалари бор бўлган оилалар учун оиласвий нафақа ва болалар ногиронлиги бўйича нафақа. Бундан ташқари, болали оилалар ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақа, бола туғилиши бўйича нафақа ва буюмлар бериш шаклида қатор нафақалар (кам таъминланган оилалар болалари учун қишки кийимлар ва мактаб анжомларини бепул тақдим этиш) олиш ҳуқуқига эга<sup>4</sup>.

1 Осиё тараққиёт банки (2019 й.). «Осиё учун ижтимоий ҳимоя индикатори: Тараққиётни баҳолаш». Манила. Манба қўйидаги манзилда мавжуд: <https://www.adb.org/sites/default/files/publication/516586/spi-asia-2019.pdf> (2019 йил 24 сентябр ҳолатига кўра).

2 ХМТ, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки (2020 й.) «Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя тизимининг баҳоланиши». Тошкент (нашрга тайёрланмоқда).

3 Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўйитаси (2019 й.). «Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг янги тизими жорий этилади». Манба: <https://www.stat.uz/en/press-center/news-of-uzbekistan/7823-aholini-ijtimoiy-muhofaza-qilish-sohasida-yangi-tizim-joriy-etiladi-3>

4 Ушбу ҳисоботдашбу нафақалар қамрови ҳақида маълумот берилмаган. Оналик нафақалари, туғруқ учун нафақалар ва кам таъминланган оилалар фарзандларини қишки кийим-кечак ва ўқув қуроллари билан таъминлашга сарфланадиган маблагларнинг ҳозирги даражаси ЯИМнинг 0,18 фоизини ташкил этади. Етимлар ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар учун моддий ёрдамга сарфланадиган ийлилк бюджет ЯИМнинг 0,02 фоизини ва кам таъминланган оилалар фарзандларини қишки кийим-кечак ва ўқув қуроллари билан таъминлаш учун ЯИМнинг 0,02 фоизини ташкил этади. Манба: ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

Ўзбекистонда болаларнинг 54% ижтимоий нафақа оладиган уй хўжаликларида яшайди, айни пайтда 18-30 ёйдаги ёшлар орасида нафақа оладиган уй хўжаликларида яшовчилар улуши 44% ни ташкил қиласди. Лекин амалда болалар учун ижтимоий таъминотга эга бўлиш имкони, асосан, билвосита бўлиб, болалар учун махсус мўлжалланмаган схемалар орқали юритилади.

**Таълим-тарбия интернат муассасаларидан чиқиб кетаётган болалар айниқса заиф ҳисобланади ва шу сабабли уй-жойга ва мустақил ҳаёт бошлаш учун бир марталик нафақага эга бўлиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон аҳолисининг 23% гача бўлган қисми бевосита ижтимоий нафақа оловчилари ҳисобланади. Ўзбекистонда 18 ёшгача бўлган болаларнинг ярмидан кўпи (54%) ва 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг 44% бирор ижтимоий нафақа оладиган уй хўжаликларида яшайдилар<sup>1</sup>.**

**Сақланиб қолаётган муаммолар: болаларни ижтимоий таъминотга эга бўлиш тенденциялари ва ижтимоий таъминот самарадорлиги**

**Ижтимоий таъминот қамрови ва болалар, ва оиласлар учун натижалар:** Ижтимоий таъминот билан умумий қамраб олинганликка

қарамасдан, амалда болалар учун ижтимоий таъминотга эга бўлиш имкони, асосан, билвосита бўлиб, болалар учун махсус мўлжалланмаган схемалар орқали юритилади<sup>2</sup>. Шу билан бирга, энг камбағал уй хўжаликлигининг 52% ижтимоий ҳимоянинг миллий тизими томонидан ҳеч қандай ёрдам билан қамраб олинмаган<sup>3</sup>. Бундан ташқари, болалари бор оиласларни қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган болалар нафақаларининг учтури билан қамраб олиш даражаси мунтазам пасайиб бориши қузатилмоқда. Масалан, 2 ёшгача бўлган болани парваришилаш учун нафақа оловчилар сони 2009 йилдан бошлаб 60% га камайди, ва 2 ёшдан 14 ёшгача болалари бор бўлган оиласларга тўланадиган нафақалар вақт ўтиб қисқарди ва эндиликда атиги 10% гина болаларни қамраб олмоқда<sup>4,5</sup>. Ҳозирги вақтда 0-17 ёшдаги болаларнинг

1 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

2 Бутун ҳаётий давр давомида қариллик бўйича пенсия схемаларига асосланган мувозанатлашмаган инвестициялар даражаси кузатилмоқда. Маълумотлар манбаи: ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

3 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

4 . Болаларни парвариш қилиш ва оиласлар уй хўжаликларига тўланади. Ҳар бир ҳонадан ушбу имтиёзлардан фақат биттасини исталган вақтда олиши мумкин. Уй хўжаликларининг ҳар бир аъзосига ўртacha ойлик даромади энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам бўлган уй хўжаликлари тегишли нафақа олиш ҳуқуқига эга. .Манба: ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

5 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент. (дастлабки манбага ҳавола: СОДИ, Алиев (2017) ва маъмурий маълумотлардан фойдаланган ҳолда ЮНИСЕФ ва Жбни тадқиқоти учун бошланғич маълумотлар

фақат 17% бола учун бирор турдаги нафақа (болани парваришлаш учун нафақа, оиласвий нафақа ёки болалар ногиронлиги бўйича нафақа) оладиган уй хўжаликларида яшайди<sup>1</sup>. Болали оиласлар ҳам бугунги кунда аҳолининг энг камбағал қатламларига мансуб бўлиб қолган. Баҳолашларга кўра, 2018 йилда Ўзбекистон аҳолисининг 11,4% миллий камбағаллик даражаси ортида яшаган<sup>2</sup>, ва ўтказилган тадқиқотлардаги қўшимча маълумотлар камбағаллик даражаси болали оиласлар орасида айниқса юқори эканлигини кўрсатмоқда. 9 ёшгача бўлган болаларнинг таъмининан 30% ва 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг 24% аҳолининг энг камбағал қатламларига (квинтилларга) мансуб оиласларда яшайдилар<sup>3</sup>. Шаҳар ва қишлоқ жойларида кам таъминланганлик даражаси камайганлигига қарамасдан (қишлоқ жойларида 2006 йилдаги 30% дан 2016 йилдаги 15,5% гача, шаҳарларда – 2006 йилдаги 18,3% дан 2016 йилдаги 9,2% гача), ўрта ҳисобда қишлоқ жойларида, шаҳарларга нисбатан, кам таъминланганлик кўрсаткичи юқорироқ, ва қишлоқларда

яшайдиган болаларнинг заифлик даражаси баландроқдир<sup>4</sup>.

**Ижтимоий таъминот қамрови ва ногиронлиги бўлган болалар учун натижалар:** Мавжуд ижтимоий ҳимоя тизими имкониятлари чекланган оила аъзолари бор бўлган уй хўжаликларини етарли даражада ҳимоя қилмайди: бундай уй хўжаликларининг 14% асосий озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун пуллари етарли эмаслигини таъкидладилар; оила аъзоси ногиронлиги билан рўйхатга олинган қишлоқ уй хўжаликларининг 48% энг камбағал аҳоли қатламларига (квинтилларга) қарашли<sup>5</sup>. Болалар ногиронлиги бўйича нафақа тўлаш учун ажратилган бюджет паст даражада бўлиб, ЯИМдан атиги 0,21% ни ташкил қилган<sup>6</sup>. Ногиронлик бўйича нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун болалар тегишли маблағ сарфлашни талаб қиладиган ногиронликни белгилаш мураккаб жараёнидан ўтишлари лозим<sup>7</sup>. Шу сабабли ногиронлиги мавжуд бўлган болаларнинг кўпчилиги (48%) ана шу нафақани олмаяптилар<sup>8</sup>.

1 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манбаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент, 40 бет.

2 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (2019 й.). «Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган аҳоли улуши». Қўйидаги манзилда мавжуд: <https://stat.uz/ru/164-ofytsyalnaia-statystika-ru/6579-uroven-zhizni-naseleniya2>

3 «Ўзбекистон фуқароларини тинглаб» тадқиқоти натижалари, маълумотлар ЮНИСЕФда келтирилган (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манбаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

4 Давлат статистика қўмитаси томонидан TransMonEE маълумотлар базасига тақдим этилган (2018)

5 БМТ (2019 й.). «Ўзбекистонда ногиронлиги бор болалар ва катталар аҳволининг таҳлили». Тошкент.

6 «Ўзбекистон фуқароларини тинглаб» тадқиқоти натижалари, маълумотлар ЮНИСЕФда келтирилган (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манбаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

7 БМТ (2019 й.). «Ўзбекистонда ногиронлиги бор болалар ва катталар аҳволининг таҳлили». Тошкент.

8 «Ўзбекистон фуқароларини тинглаб» тадқиқоти натижалари, маълумотлар ЮНИСЕФда келтирилган (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манбаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

Ижтимоий таъминот билан энг яхши қамраб олинган ёш гуруҳи – 2 ёшгача бўлган болалар, энг кам даражада қамраб олинган ёш гуруҳи – 15-17 ёшдаги болалардир.

**Ижтимоий таъминот қамрови ва ёшлар учун натижалар:** Ҳозир юритилаётган ижтимоий ҳимоя тизимининг яна бир муаммоси шундан иборат-ки, болалар учун нафақалар бола 14 ёшга тўлганида тўхтатилади. Ижтимоий таъминот билан энг яхши қамраб олинган ёш гуруҳи – 2 ёшгача бўлган болалар, энг кам даражада қамраб олинган ёш гуруҳи – 15-17 ёшдаги болалардир. Ижтимоий таъминот қамровидаги ва янада кенг ижтимоий ҳимоя ва меҳнат бозори дастурларидағи узилиш Ўзбекистон ёшлари мактабни битириб, мустақил ҳаёт бошлаётган паллада уларни айниқса заифлаштириб қўйиши мумкин.

#### Имкониятлар ва натижалар чекланганлиги сабаблари

##### Бевосита сабаблар

**Индивидуал даражада имкониятлар йўлидаги тўсиқлар:** Нафақалар олиш ҳуқуқи тўғрисидаги билимлар етишмаслиги, талабнома узатишнинг мураккаб таомиллари, кўрсатиладиган

ёрдамнинг кераклича давомли эмаслиги бенефициарлар ижтимоий таъминот бўйича нафақалар олишга мурожаат қиласликларига олиб келиши мумкин<sup>1</sup>. Шунингдек, маҳаллий ҳамжамиятлар даражасида ёрдамга муҳтож болали оилаларга нафақа олишга оид ҳуқуқлари тўғрисида ахборот берадиган ёки талабнома узатиш учун керакли ҳужжатларни тайёрлашда бенефициарларга ёрдам берадиган профессионал ижтимоий хизматлар ёки ижтимоий ходимлар йўқ<sup>2</sup>. Ушбу омиллар аҳоли ижтимоий таъминот тизими билан паст даражада қамраб олинишига сабаб бўлади<sup>3</sup>. Бундан ташқари, болада ногиронлик аниқланган шарти билангина болага ногиронлик бўйича нафақага эга бўлиш ҳуқуқи тақдим этилади ва бунинг тўғрисидаги хулоса тиббий кўриқдан ўтгандан кейингина берилади. Тиббий кўриқдан ўтиш жараёни кўпинча касалхонага ётиш ва тегишли маблағ сарфлашни талаб қиласди, ва айнан шунинг учун кўпгина кам даромадли оилаларда бу жараёндан ўтишга имкониятлари етарли эмас. Бундан ташқари, ногиронликни аниқлаш жараёни

1 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манбаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

2 Колумбия Университети, Ижтимоий иш мактаби (2018 й.). «Ўзбекистонда ижтимоий хизматнинг инсон ресурслари: кучли томонлари, муаммолари ва ривожланиши истиқболлари».

3 Эйнсворт П., Гайя Э., Норденмарк Северинссон А. (2012 г.). "Оилаларнинг яхлитлигини сақлаш: болалар учун ижтимоий ҳимоя самародорлигини ошириш". Марказий ва Шарқий Европа ва Марказий Осиёда болалар ҳуқуқлари. 1-сон: 2012 йил. ЮНИСЕФ. Манба: <https://bettercarenetwork.org/sites/default/files/attachments/Child%20Rights%20in%20Central%20and%20Eastern%20Europe%20and%20Central%20Asia.pdf> ( 2019 йил 2 сентябр ҳолати)



Нафақа олиш учун талабнома узатишнинг мураккаб таомиллари, маблағ миқдори ва у билан қотланадиган давр нуқтаи назаридан маблағлар етарли даражада мувофиқ эмаслиги бенефициарлар ижтимоий таъминот бўйича нафақаларни олиш учун мурожаат қилмай қўйшиларига олиб келиши мумкин, бу эса қамровининг пасайишига олиб келади.

Фаолият юритиш, ҳаётий фаолиятни чеклаш ва саломатлик бўйича Халқаро таснифлашга мос эмас, ва шу аснода функционал чекловлари мавжуд бўлган кўп сонли одамларнинг фақат бир қисмидагина ногиронлик эътироф этилади<sup>1</sup>.

#### **Ижтимоий ҳимоя тизимидағи ҳал этилиши зарур бўлган асосий масалалар**

Янада чуқур даражада ижтимоий ҳимоя тизимининг номақбул натижаларига олиб келадиган сабаблар қаторига маблағ билан етарлича таъминламаслик ва тизим тузилишидаги таркибий муаммолар ҳам киради ва улар ижтимоий ҳимояга эга бўлиш имконига, ижтимоий ҳимоянинг маъқуллиги, мувофиқлиги ва унга бўлган талабга таъсири кўрсатади.

**Қонунчилик ва молиялаштириш** Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя мавжуд бўлишини ва унга эга бўлиш ҳуқуқини белгилайди (ёки чеклайди). Ижтимоий ҳимоянинг болалар камбағалигига чекланган таъсири маълум даражада бундай ҳимояга муҳтож бўлиши мумкин

бўлган гуруҳлар учун ижтимоий ҳимоя турларида мавжуд бўшлиқларга боғлиқ. Масалан, Ўзбекистонда имкониятлари чекланган болаларини парваришилаётганилиги учун ишхонадаги даромадидан маҳрум бўлган шахсларга (асосан аёлларга) компенсация маблағларини тўлашни назарда тутадиган низом мавжуд эмас. Ёшлар учун меҳнат бозоридаги дастурлар, ёшлар салоҳиятини ривожлантириш, ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий тадбиркорлик ва кўнгилли (волонтер) бўлиш имкониятларидан болаликдан катта ҳаётга, мактабда ўқишдан меҳнат бозорига ўтишда ижтимоий таъминот тизимидағи бўшлиқларни тўлдиришга ёрдам бера оладиган ҳозирча тўлиқ фойдаланишнинг иложи йўқ. Кичик болалари бор бўлган оиласларни қўллаб-қувватлаш учун ижтимоий ҳимоянинг муҳим чораси бўлиши мумкин бўлган болани парваришилаш таътили Ўзбекистонда ҳомиладорлик ва туғрӯқ бўйича таътил олиш ҳуқуқига эга бўлган аёлларга тақдим этилади. Бироқ қонунчилик ана шу нафақаларни тўлаш учун масъулиятни иш берувчига юклайди, бу эса репродуктив ёшдаги аёлларни ишга ёллашга

1 БМТ (2019 й.). «Ўзбекистонда ногиронлиги бор болалар ва катталар аҳволининг таҳлили». Тошкент.

тўсқинлик қиласи ва нафақат шу аёлларнинг, балки умуман ёш оилаларнинг заифлигини оширади. Мавжуд ижтимоий ҳимоя дастурларининг бирортаси иқлим ўзгаришининг жиддий оқибатларидан азият чекадиган ёки катта ер майдонлари яроқсиз бўлиб қолишидан ва, масалан, Орол денгизида бўлгани каби экологик ҳалокатлар сабабли одатий турмуш тарзларидан маҳрум бўлиб қоладиган худудларда яшайдиган одамларнинг юқори заифлигини ҳисобга олмайди<sup>1</sup>. Айрим бошқа ҳолатларда ижтимоий нафақалар тақдим этилади, лекин унда мақсадли аудитория жуда кичик доирада белгиланади ёки танлаш мезонлари қатъйилиги мўлжалланган одамларни тула қамраб олмайди. Бола учун бериладиган нафақанинг миқдори мувофиқ бўлишига қарамасдан, унинг таъсири чекланган бўлиши ва бола учун нафақага муҳтоҷ бўлган оилаларнинг тула қамраб олмаслигини асосий сабаби ижтимоий ҳимоя дастурлар кам даражада маблағ билан таъминланишидадир, бу эса қамровнинг ҳам паст бўлишига олиб келади. Кейинги 20 йил давомида Ўзбекистонда болалар нафақаларини молиялаштириш жиддий қисқарган ва

ҳозирги вақтда жуда чекланган<sup>2</sup>. Маблағлар етишмовчилигини ҳисобга олган ҳолда, эҳтимол, бенефициарларни танлаш учун жавоб берадиган маҳаллалар нафақалар сонини чеклаб, уларни муҳтоҷ оилаларнинг кўпроқ сони ўртасида тақсимлаб чиқадилар. Бундай «меъёрлашнинг» камчилиги шундаки, оилалар етарли вақт давомида мунтазам ва кутиладиган тўловларни ололмай қоладилар ва бу болалар учун мўлжалланган нафақалар самарадорлигини сезиларли пасайтиради<sup>3</sup>. Бенефициарларни танлаб олиш бўйича холисона мезонларни мавжуд эмаслиги ҳам бу жараёнда хато қилиш учун имкон қолдиради, норози бўлиб, шикоят қилиш механизми эса етарли даражада ривожланмаган<sup>4</sup>.

**Муҳтоҷ оилаларни ижтимоий таъминотини интеграцияси:** Кўп ҳолларда фақат ижтимоий нафақаларнинг ўзи, агар улар интеграциялашмаган ва бенефициарларга камбағаллик сабабларини енгиб ўтишга имкон берадиган янада кенг қўллаб-қувватлаш мажмуи билан бирлаштирилмаган бўлса, камбағаллик ва заифликни камайтиришга чекланган таъсир кўрсатиши мумкин, холос<sup>5</sup>. Комплекс

1 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

2 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

3 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

4 Масалан: Жаҳон банки (2019). Ўзбекистонда ижтимоий ёрдам манзиллигини баҳолаш. Қўйидаги манзилда мавжуд: <http://documents1.worldbank.org/curated/en/756191577683400252/pdf/Uzbekistan-Social-Assistance-Targeting-Assessment.pdf>

5 Эйнсворт П., Гайя Э., Норденмарк Северинсон А. (2012 г.). "Оилаларнинг яхлитлигини сақлаш: болалар учун ижтимоий ҳимоя самарадорлигини ошириш". Марказий ва Шарқий Европа ва Марказий Осиёда болалар ҳуқуқлари. 1-сон: 2012 йил. ЮНИСЕФ. Манба <https://bettercarenetwork.org/sites/default/files/attachments/Child%20Rights%20in%20Central%20and%20Eastern%20Europe%20and%20Central%20Asia.pdf> (2019 йил 2 сентябрь ҳолатига кўра)

қўллаб-қувватлаш тизими ҳаракатларни мувофиқлаштиришни талаб қилади. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик бўйича маҳсус агентлик мавжуд эмас. Ижтимоий нафақалар ва ижтимоий ҳимоя бўйича хизматлар учун масъулият бир қатор органлар бўйича тақсимлаб чиқилган. Маҳаллий даражада маҳаллалар ходимлари ижимоий нафақаларни бошқаришга ёрдам берадилар. Лекин ушбу мутахассисларда «индивидуал ҳолатларни юритиш» (кейс менежмент) ёндашуви асосида ижтимоий ёрдам ва ижтимоий хизматларнинг интеграциялашган мажмuinи тақдим этиш учун ҳеч қандай ваколатлари ёки бирор муайян касбий малакалари йўқ<sup>1</sup>. Ижтимоий нафақалар олувчиларини танлаб олиш бўйича мавжуд усууллар инспекторлар томонидан бенефициарлар аҳволини профессионал баҳолаш жараёнини ўзига киритмайди. Кам даромадли оиласлар бир неча турли манбаларда хизматларни оладиган бўлса, ҳар бир орган ўзининг шахсий мезонлари асосида тақдим этиладиган ёрдам ҳажмини белгилайди, ва бериладиган кўмак турлари бир-бирига боғлиқ эмас. Оиласлар иқтисодий мустақилликка эришишига қанчалик

турли ижтимоий хизмат ва нафақалар ёрдам беришини баҳолашга имкон берадиган мониторинг олиб борилмайди<sup>2</sup>. Шунингдек, ижтимоий нафақаларга эга бўлишга, иш топишга ва болаларни парваришилаш бўйича хизматларга эга бўлишга ёрдам бериш орасида ҳам интеграция бўлиши зарур, айниқса ёш аёллар учун.

**Маълумотлар мавжудлиги:** Кўпгина бошқа мамлакатларда бўлгани каби<sup>3</sup>, дастурлар харажатлари ва бенефициарлар сони тўғрисидаги маълумотларни мониторинг қилиш тизими янада яхшиланишга муҳтож, чунки бир қатор турли ташкилотлар ва давлат муассасалари ўртасидаги маълумотларни мувофиқлаштириш зарурати мавжуд. Болалар камбағаллиги ўлчанмайди ва кузатиб борилмайди, ва умуман олганда ижтимоий ҳимоя тизими маълум тоифадаги бенефициарларга, масалан, болаларга қандай таъсир кўрсатишини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизими мавжуд эмас. Натижада ижимоий ҳимоянинг самарадор тизимини шакллантириш учун давлат органларида керакли маълумотлар чекланган доирада бўлади.

1 Колумбия Университети, Ижтимоий иш мактаби (2018 й.). «Ўзбекистонда ижтимоий хизматнинг инсон ресурслари: кучли томонлари, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари».

2 ЮНИСЕФ (2019 й.) «Ўзбекистонда болалар ва ёшлар манфаатларига мос келадиган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш». Тошкент.

3 Жаҳон банки (2018 й.). «Ижтимоий ҳимоя самарадорлигини ўлчаш: концепциялар ва қўлланилиши». Вашингтон. Манба қўйидаги манзилда мавжуд: <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/29802/9781464810909.pdf?sequence=2&isAllowed=y> (2019 йил 23 сентябрь ҳолатига кўра).



**3.4 ЗЎРАВОНЛИК, ЭКСПЛУАТАЦИЯ, СУИСТЕММОЛ ҚИЛИШ ВА  
КАМСИТИШЛАРДАН ҲИМОЯЛОВЧИ МУҲИТГА ЭГА БЎЛИШ ҲУҚУҚИ**

**Шарҳ**

Болаларга нисбатан зўравонлик туфайли юзага келувчи жиiddий ижтимоий ва иқтисодий заарарларнинг халқаро миқёсда тушуниш тобора ўсиб бораётгани сабабли, болаларни зўравонлик, эксплуатация, суиистеммол қилиш ва камситишлардан ҳимоя қилиш бутун дунёда муҳим ва аҳамиятли вазифалардан бирига айланиб бормоқда<sup>1</sup>. Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизимининг таркибий қисмлари институционал даражада мавжуд бўлиб, болаларни ҳимоя қилиш комплекс норматив-ҳуқуқий база билан тартибга солинади. Оила ва болаларни ҳимоя қилиш тизимини, шунингдек суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг миллий устувор йўналишлар 2017-2021 йиллар учун ривожланишнинг миллий стратегиясида баён этилган бўлиб, 2030 йилгача бўлган давр учун барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартиби доирасида Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) 16.2 –сонли Болаларга нисбатан зўравонликнинг ҳар қандай шаклларини тўхтатиш"ни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади<sup>2</sup>.

**Боланинг хавфсиз муҳитга бўлган ҳуқуқини босқичма босқич амалга оширишдаги ишларнинг ривожи**

**Муҳим ютуқлар**

Ўтган 10 йил ичida ва, айниқса, 2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон болаларни ҳимоя қилиш бўйича ўз ҳуқуқий базасини ва амалиётини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш борасида аҳамиятли ишларни амалга оширеди. 2008 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари-нинг кафолатлари тўғрисидаги қонун боланинг болага нисбатан зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиниш ва оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқларини белгилаб берган. Ҳимоя ҳақидаги моддалар болаларни ҳимоя қилиш тизимида фаолият кўрсатаётган тузилма ва хизматлар учун асос бўлиб хизмат қилувчи

*Пахта теримида болалар меҳнатидан тизимли равишда фойдаланиши тўхтатилди ва 2018 йилда пахта теримига болалар жалб қилинмади.*

1 Фергусон, Х. (2004 й.) "Болаларни ҳимоя қилиш: болаларга нисбатан ножоиз муомалада бўлиш, болалар ҳимояси ва замонавийлик-нинг асоратлари" «Бейзингсток, Палгрейв Макмиллан ва Гилберт, Н. Парсон, Н. Сківенс, М. (2011 й.). "Болаларни ҳимоя қилиш тизимлари: Халқаро тенденциялар ва ривожланиш йўналишлари". Нью-Йорк. Оксфорд университети нашриёти.

2 Барқарор ривожланиш мақсадлари (2019 й.). «Болаларга нисбатан зўравонлик». Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://sustainabledevelopment.un.org/topics/violenceagainstchildren> (2019 йил 20 сентябрь ҳолати бўйича)

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БОЛАЛАР ВАЗИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

## 2019/2020

бошқа қонунларга ҳам киритилган<sup>1</sup>. 2019 йил “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”<sup>2</sup>ги янги қонуннинг қабул қилиниши улкан ютуқ сифатида тан олинди. Бундан ташқари, 2019 йилда эркак ва аёлларнинг никоҳ ёшларини 18 ёш қилиб tengлаштириш мақсадида (аввал никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган эди) Оиласвий кодекс қайта кўриб чиқилди. Шунингдек, 2016 йилдан бошлаб маҳаллий жамоалар миқёсида қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш орқали оиласи қўллаб-қувватлаш тизимини мустаҳамлашга<sup>3</sup>, ижтимоий иш касбини, ота-она қарамоғисиз қолган болалар устидан оиласвий васийликнинг муқобил шаклларини ривожлантиришга ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг олдини олишга эътибор кучайтирилди. Ушбу ислоҳотлар натижасида 2018 йилда Ўзбекистон Миллий университетида ижтимоий ишлар бўйича ихтисослашган кафедра ташкил қилинди, Ички ишлар вазирлиги эса жиноятларнинг қурбони ва гувоҳи бўлган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни яхшилашга қаратилган болага дўстона муносабат кўрсатувчи республикадаги биринчи тергов хонасини ташкил қилди. 2019

йилда Ички ишлар вазирлиги БМТ нинг бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларини бајариш мақсадида, бутун мамлакат бўйлаб вояга етмаганларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида ижтимоий ходимлар ва психологлар лавозимини таъсис этди<sup>4</sup>. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун ахлоқ тузатиш-тарбиялаш муассасалари ва қамоқлардаги ҳолатни ўрганиш масаласида ҳам жиддий ютуқларга эришилди. 2019 йилда ижтимоий ходимлар томонидан иккита ихтисослаштирилган ёпиқ таълим-тарбия муассасасидаги 167 нафар қиз бола билан боғлиқ вазият баҳоланди ва уларни реинтеграция қилиш бўйича режалар ишлаб чиқилди. Президентнинг 2019 йил май ойидаги қарорида ихтисослаштирилган таълим-тарбия муассасаларини қайта тузиш ва тўртта таълим-тарбия муассасаларидан иккитасини ёпиш режалари баён этилган. Ва ниҳоят, пахта тери-мида болалар меҳнатидан фойдалангани учун халқаро ташкилотлар томонидан сўнгги йилларда танқид қилиниб келган ва 2013 йилдан бўён XMT (Халқаро меҳнат ташкилоти) мониторинги остида бўлган Ўзбекистон бу амалиётга чек қўйди. 2018 йил XMT пахта теримига болалар жалб қилинмаганини қайд этди<sup>5</sup>.

1 Саммон, Е. М. (2017 й.). «Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизими: ҳозир ва келажакда». ЮНИСЕФ. Тошкент

2 UzDaily (2019 й.). «Сенат Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилмоқда». Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <http://uzdaily.com/en/post/51455> (28 августа 2019 йил 28 август ҳолати бўйича).

3 Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 2 февраль “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаoliyati тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон Фармони

4 Ички ишлар вазирлиги ҳузурида вояга етмаганлар учун транзит марказлари ўрнига Вояга етмаганларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари фаoliyiat кўрсатади.

5 XMT (2018 й.). «2018 йил Ўзбекистонда пахта терими вақтида болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш устидан учинчи томон мониторинги. Женева. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-ed\\_norm-ipec/documents/publication/wcms\\_681372.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-ed_norm-ipec/documents/publication/wcms_681372.pdf) (2019 йил 2 сентябрь ҳолати бўйича).

Яқинда қонунчилликда ўғил болалар ва қизлар учун никоҳ ёши тенглаштирилганига қарамай, вояга етмаганлар иштирокидаги никоҳлар ханузгача тарқалган ва айниқса қизларга таъсир қиласди.

**Сақланиб қолаётган муаммолар: болаларни ҳимоя қилишдаги тенденциялар**

**Болаларга нисбатан зўравонлик, эксплуатация, шафқатсиз муомала ва камситишлар**

Ўзбекистоннинг турли соҳаларида<sup>1</sup>, худди дунёning бошқа мамлакатларида<sup>2</sup> бўлганидек, содир бўлмоқда, лекин уларнинг тарқалиш даражаси номаълумлигича қолмоқда<sup>3</sup>. Болаларнинг ёпиқ ўқув муассасаларидағи аҳволининг баҳоланиши оиласдаги зўравонликлар кенг тарқалганигини аниқлаб берди: оғир оиласвий муҳит ва ғамхўрлик кўрсатилмаслиги, оила аъзолари ўртасидаги ёмон муносабатлар ва моддий имкониятларнинг мавжуд эмаслиги – ўзига хос “ғайриижтимоий” хулқли қизлар ўртасида оиласвий ҳаёт тажрибасини шакллантирган омиллар ҳисобланади<sup>4</sup>. Бу

каби ахлоқ тузатиш муассасаларига 2017 йилда қабул қилинадиган ва уйидаги ёмон муомала билан боғлиқ тажрибага эга болаларнинг улуши кўп бўлган ҳудудлар – Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, Сирдарё, Бухоро, ва Навоий вилоятлари<sup>5</sup>. Бундан ташқари, 2018 йил 16 ёшгача бўлган болаларга нисбатан жинсий эркинликка қарши 174 жиноят содир этилгани Бош Прокуратура томонидан қайд этилган бўлса, Бош Прокуратуранинг ишонч телефонига вояга етмаганлардан 136 та мурожаат келиб тушган<sup>6</sup>. Ўзбекистонда вояга етмаганлар қатнашган никоҳлар сони 2010 йилдаги 2,82% дан 2018 йилда 1,54% га камайган бўлсада, барибир, бу каби никоҳлар учраб турди. Бундай никоҳларнинг аксарияти вояга етмаган қиз болалар иштирокида тузилади (2018 йилдаги 4787 никоҳнинг 4786 таси)<sup>7</sup>.

1 Mac. қаралсин: ООН (2019 й.). «Ногирон болалар ва катталар аҳволининг таҳлили». Тошкент, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси томонидан тақдим этилган “16 ёшгача болаларга нисбатан жинсий эркинликка тажовуз билан боғлиқ жиноятлар сони” ва “Бош Прокуратура ишонч телефонига вояга етмаганлар томонидан қилинган мурожаатлар сони” ва шу каби статистик маълумотлар.

2 БМТ (2006 й.). «БМТ нинг болаларга нисбатан зўравонлик бўйича тадқиқоти юзасидан мустақил эксперт доклади. БМТ Бош Ассамблеяси. Олтмиш биринчи сессия.

3 Саммон Е., Исаева Д., Ахсаева С., Лахомова Л.Л: (2017 й.). «Ўзбекистондаги васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг функционал таҳлили». ЮНИСЕФ. Тошкент.

4 Аввал мураккаб хулқли болалар учун тўртта ихтисослаштирилган ёпиқ ўқув-тарбия муассасаси, шу жумладан турли ёшдаги қизлар учун иккита, ўғил болалар учун иккита муассаса мавжуд эди. Ушбу муассасаларнинг иккитаси ёпилди, сабаби, халқаро стандартларга кўра, болаларни бундай муассасаларга жойлаштириш эркинликни чеклаш сифатида кўрилади ва болалар учун тавсия қилинмайди.

5 Кўрсаткичлар 2017 йилда ҳар бир видоятда қайд этилган ҳолатлар сонини вилоятдаги болалар сонининг 100 000 га кўпайтирилганига бўлиш асосида ҳисобланган.

6 Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси томонидан тақдим этилган, 2019 й. июль.

7 Ҳисоб-китоблар муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг қуйидаги кўрсаткичлари асосида бажарилган (2019 й.): никоҳдаги вояга етмаганлар (18 ёшгача) сони – эрқаклар ва аёллар (гендер статистики) ва никоҳлар сони (демографик кўрсаткичлар). Маълумотларни қўйидаги ҳавола орқали олиш мумкин: <https://www.stat.uz/en/>

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БОЛАЛАР ВАЗИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

## 2019/2020

Вояга етмаганлар иштирокидаги никоҳларнинг энг юқори кўрсаткичи икки вилоятда қайд этилган – Қашқадарё вилояти (барча никоҳларнинг 2,03% да вояга етмаганлар иштирок этган) ва Самарқанд вилояти (ушбу вилоятдаги барча никоҳларнинг 4,64% да вояга етмаганлар қатнашган), эътиборлиси шундаки, 2018 йилда Ўзбекистонда вояга етмаганлар иштирокидаги никоҳларнинг 36 фоизи Самарқанд вилоятига, 13 фоизи Қашқадарё вилоятига тўғри келган<sup>1</sup>. Ўзбекистонда, бошқа кўпгина мамлакатларда бўлганидек, одам савдоси, жинсий эксплуатация ва кўчаларда яшовчи ва ишлайдиган болалар билан боғлик холатлар қайд этилади. Халқаро манбаларга кўра, Ўзбекистон хотин-қизлар ва болалар савдоси содир бўлиш хавфи бор мамллатлар қаторига киради<sup>2</sup>. 2018 йилда 123 тергов иши ўтказилган бўлиб, одам савдоси билан боғлиқ 168 жиноят бўйича айлов қўйилган, одам савдоси ва жинсий эксплуатация билан боғлиқ жиноятлар бўйича 230 нафар шахснинг иши судга оширилган<sup>3,4</sup>. Шунингдек, кўчаларда

яшовчи ва ишлайдиган болалар тўғрисида ташвиш билдирилиб, уларнинг аҳволини яхшилаш учун тегишли чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди<sup>5</sup>.

**Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни интернат туридаги таълим-тарбия мусассасаларига жойлаштириш** Ўзбекистондаги энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. 2016 йили ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар улуши 0-17 ёшли 100 000 аҳоли бошига 71 болага тенг бўлган. 2016 йилда уларнинг 52% ни ўғил болалар, 48% ни эса қиз болалар ташкил қилган. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг энг катта улуши 7 ёшдан 17 ёшгacha тўғри келади, бироқ, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлар орасида 3 ёшгacha бўлган болаларнинг улуши ҳам ортиб бормоқда<sup>6</sup>. Кичик ёшли болаларнинг кўпчилиги мамлакат ичida асраб олинаяпти (2018 йилда Ўзбекистонда 3345 бола асраб олинган)<sup>7</sup>. 2018 йилда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар улуши мамлакат бўйича ўрта-

1 Ҳисоб-китоблар муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг қўйидаги кўрсаткичлари асосида бажарилган (2019 й.): никоҳдаги вояга етмаганлар (18 ёшгача) сони – эркаклар ва аёллар (гендер статистики) ва никоҳлар сони (демографик кўрсаткичлар). Маълумотларни қўйидаги ҳавола орқали олиш мумкин: <https://www.stat.uz/en/>

2 кўра (2019 й.) одам савдосининг Ўзбекистонлик қурбонлари (катталар ва болалар) Озарбайжон, Кипр, Грузия, Қозогистон, Қирғизистон, Россия, Тайландда аниқланган. Манба қўйидаги манзил бўйича: <https://www.state.gov/wp-content/uploads/2019/06/2019-Trafficking-in-Persons-Report.pdf> (2019 йил 2 август ҳолатига кўра).

3 АҚШ Давлат департаменти “Одам савдоси бўйича ҳисобот” Манба қўйидаги манзил бўйича: <https://www.state.gov/wp-content/uploads/2019/06/2019-Trafficking-in-Persons-Report.pdf> (2019 йил 2 август ҳолатига кўра).

4 Вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳолатлар сони номаълум.

5 БМТ (2013 й.) Олтмиш учинчи сессиясида (2013 йил 27 май – 14 июнь) Қўмита томонидан қабул қилинган “Ўзбекистоннинг учинчи ва тўртинчи бирлаштирилган доклади бўйича якуний хуносалар”. Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита. Женева.

6 TransMonEE (2018 й.) маълумотлар базаси, маълумотлар <http://transmonee.org/database/>

7 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, маълумотлар 2019 йил июлда тақдим этилган.

Ўзбекистонда болалар институционаллаштиришининг юқори даражаси мавжуд бўлгани сабабли, улар хавфсиз ва ғамхўр оиласвий мухитда яшаши хукуқига эга эмас. Бу, айниқса, ногиронлиги бўлган болаларга тааллуқлидир.

ча кўрсаткичдан юқори бўлган вилоятлар қаторига Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси кирган<sup>1</sup>.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг аксарияти Ўзбекистонда васийликка/ҳомийликка олинишига қарамасдан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг институционаллаштириш кўрсаткичлари юқорилигича қолмоқда. Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари 2018 йилда болаларнинг кўпчилиги асраб олинган ёки васийликка/ҳомийликка олинган беш ҳудуд ҳисобланади. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, 2016 йил мамлакатда 20 169 бола интернат туридаги муассасаларда тарбиялананаётган эди<sup>2</sup>. Шунингдек, маълумки, интернат муассасаларида яшовчи болаларнинг кўпчилигини ўғил болалар (60%) ташкил қиласи ва интернатлардаги ўғил ва

қиз болалар улуши вақт ўтиши билан сезиларли ўзгармаган, ва, бундан ташқари, интернат муассасаларида 416 нафар (2%)<sup>3</sup> боланинг ёши интернатга жойлаштириш ута зарарли ҳисобланган 3 ёшгача бўлган<sup>4</sup>. Умуман олганда, 2018 йилда ҳар 100 000 нафар боланинг 255 нафари интернат муассасаларида яшаган<sup>5</sup>. Ушбу тоифада ногиронлиги бўлган болалар улуши катта: 2010 йили интернат муассасаларига жойлаштирилган барча болаларнинг 69% ни ногиронлиги бўлган болалар ташкил қиласа, 2016 йили бу кўрсаткич 84% га етган<sup>6</sup>. Интернат муассасаларида яшётган имкониятлари чекланган болаларнинг аксарияти 7-17 ёшлилар гуруҳига мансуб. Ушбу болалар мактаб ёшида эканини ҳисобга оладиган бўлсак, улар интернат муассасасига таълим олиши учун жойлаштирилиши ҳақида фикр юритса бўлади<sup>7</sup>. Болаларга васийлик қилишнинг бугунги кундаги муқобил тизими-

1 Ушбу вилоятларни аниқлаш учун муаллифлар кўрсаткичларни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил учун вилоятлалар бўйича болалар сони ҳақидаги статистикаси ва маълумотлари ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар бўйича 2018 йил учун маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқсан.

2 TransMonEE (2018 й.) маълумотлар базаси, маълумотлар <http://transmonee.org/database/>

3 TransMonEE (2018 й.) маълумотлар базаси, маълумотлар <http://transmonee.org/database/>

4 Масалан, Better care network (2019 й.) қаранг "Институционал васийлик оқибатлари". Манбадан қўйидаги манзилдан фойдаланиш мумкин: <https://bettercarenetwork.org/library/particular-threats-to-childrens-care-and-protection/effects-of-institutional-care> (2019 й. 23 сентябрь ҳолати бўйича).

5 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига асосланган ЮНИСЕФ баҳоларга мувофиқ. Ушбу рақам санаторий туридаги муассасаларни хам ўзи ичига олади.

6 TransMonEE (2018 й.) маълумотлар базаси, маълумотлар <http://transmonee.org/database/>

7 TransMonEE (2018 й.) маълумотлар базаси, маълумотлар <http://transmonee.org/database/>



да самарали мониторинг механизмларини жорий этиш лозим. Болаларни индивидуал режаларини ишлаб чиқиш доимий амалиёт ҳисобланмайди. Васийликка топширилганинг кейин болалар ўз оиласи билан мулоқот қилиш учун етарлича қўллаб-қувватлаш, шунингдек, aka-ука ва опа-сингилларни ажрат-маслик бўйича тавсия этилган тамойилга тизимли равишда риоя қилиш талаб этилади. Бундан ташқари, мавжуд муқобил васийлик тизими фақат 16 ёшгача бўлган болаларни парвариш қилинишини таъминлайди, бу эса, ўз навбатида, 16 ёшдан ошган оиласи бўлмаган болалар васийлик ва тегишли қўллаб-қувватлашсиз ижтимоий нуқтаи назардан янада заифланиши мумкин эканини англатади<sup>1</sup>.

**Қонун билан низода бўлган болалар:** Вояга етмаганлар орасидаги жиноятчилик Ўзбекистондаги барча жиноятларнинг кичик улушини ташкил қиласди: 2009 йилда барча жиноятларнинг 2,5% ни, 2013 йилда эса бу кўрсаткич 3,1% га teng бўлган<sup>2</sup> ва сўнгги ўн йилликда

сезиларли тарзда камайган. 2018 йилда 18 ёшгача болалар иштироқидаги 1100 та ҳуқуқбузарлик қайд этилган<sup>3</sup>. Вояга етмаганлар билан боғлиқ жиноятларнинг кўпчилиги ҳуқуқбузарликнинг қўйидаги турларига тааллукли: ўғрилик (52%) ва безорилик (8%), вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг 60% айнан шундай таснифланади<sup>4</sup>. Ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти, кўпчилик бошқа мамлакатларда бўлганидек, ўғил болалар томонидан содир этилади (2018 йилда содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг 92%)<sup>5</sup> ва уларнинг аксарияти Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти каби аҳоли зич жойлашган ҳудудларда қайд этилади<sup>6</sup>. Қонунга хилоф ҳаракатларни содир этадиган болалар билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ва амалиётни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида яхшилаш талаб этилади<sup>7</sup>. Масалан, “ғайри-ижтимоий хулқли”<sup>8</sup> ёки ижтимоий хавфли ҳуқуқбузарликларни содир этадиган болаларни, улар жуда ёш бўлгани учун, маҳсус ёпиқ, таълим-тарбия муассасаларига жойлаштириш

1 БМТ (2013 й.) Олтмиш учинчи сессиясида Қўмита томонидан қабул қилинган “Ўзбекистоннинг учинч ва тўртинч бирлашган докладлари бўйича якуний хуосалар” (2013 й. 27 май – 14 июнь), Бола ҳуқуқлари бўйича Қўмита. Женева.

2 ЮНИСЕФ (2015 й.) “Ўзбекистондаги вояга етмаганларга нисбатан қўлланадиган адлия: Йиғма ҳисобот”. Тошкент.

3 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, маълумотлардан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://stat.uz/ru/2-uncategorised/6018-minimalnye-pokazateli-garantii-prav-detej-2>

4 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, маълумотлардан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://stat.uz/ru/2-uncategorised/6018-minimalnye-pokazateli-garantii-prav-detej-2>

5 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси“Аёллар ва эркаклар 2015-2018 йй.” Статистик маълумотлар тўплами.

6 ЮНИСЕФ (2015 й.) “Ўзбекистондаги вояга етмаганларга нисбатан қўлланадиган адлия: Йиғма ҳисобот”. Тошкент.

7 ЮНИСЕФ (2015 й.) «Ўзбекистондаги вояга етмаганлар нисбатан қўлланадиган адлия: Йиғма ҳисобот”. Тошкент.

8 “Ғайри ижтимоий хулқ” атамаси аксарият ҳолларда спиртли ичимликлар ёки гиёванд моддалар истеъмол қилиш, тиланчилик, фоҳишлик ёки уйдан қочиб кетиш каби хулқ-атворни таърифлаш учун ишлатилади.

амалиёти ҳанузгача кузатилмоқда<sup>1</sup>. Жиноий жавобгарликка тортилиш учун минимал ёш 16 ни ташкил қиласди, лекин жиддий жиноятлар учун бу ёш 13 гача камайтирилиши мумкин. 16 ёшдан кичик болаларга нисбатан маҳсус ёпик таълим-тарбия муассасасига 3 йилга жойлаштириш, 16 ёшдан катта болаларга нисбатан эса 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш каби жазолар қўлланилиши мумкин. Болалар, халқаро стандартларга фарқли равишда, ҳибсга олиниши ва ички ишлар органлари томонидан 48 соат давомида озодликдан маҳрум этилиши, кейинчалик эса 7 ой давомида суддан олдинги озодликдан маҳрум қилиш жойларида ушлаб турилиши мумкин<sup>2</sup>. БМТ нинг бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тергов вақтидаги, шу жумладан вояга етмаганларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлиш<sup>3</sup>, бир кишилик қамоқ камералар (карцерлар)дан фойдаланиш ва жазо сифатидан мажбурий меҳнат<sup>4</sup> кўринишидаги жазонинг қўлланиши билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан ўз ташвишларини билдирган.

**Жиноят қурбони ёки гувоҳи бўлган болалар:** Ўзбекистонда, бошқа мамлакатларда бўлганидек, болалар адлия тизими билан жиноят қурбонлари ёки гувоҳлари сифатида тўқнаш келади. 2018 йилда Бош прокуратура болалар иштирокидаги суд ишлари сони камайгани ҳақида маълумот берган – 2014 йилдаги 1101 иш кўрилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 772 тагача камайган<sup>5</sup>. Жиноят қурбони ёки гувоҳи бўлган болалар руҳий босим остида бўлишининг эҳтимоли юқори, сабаби, жиноий жараёнда қатнашиш стрессни келтириб чиқариши ва руҳий эзилиш ҳамда қайта виктимизацияга олиб келиши мумкин. Шунинг учун, болага нисбатан содир этилган жиноятнинг муваффақиятли тергов қилиниши аксарият ҳолларда жиноий ишнинг олиб борилиши бола эҳтиёжларига нисбатан дўстона тусга эга эканига боғлиқ ҳисобланади. Ўзбекистондаги қонунчилик ва амалиёт фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд жараёнларида болалар ҳуқуқи ва манфаатларини алоҳида ҳимоя қилинишини назарда тутади<sup>6</sup>. 2014 йилда

1 БМТ (2013 й.) Олтмиш учинчи сессиясида Қўмита томонидан қабул қилинган “Ўзбекистоннинг учинич ва тўртинчи бирлашган докладлари бўйича якуний хуросалар” (2013 й. 27 май – 14 июнь), Бола ҳуқуқлари бўйича Қўмита. Женева.

2 ЮНИСЕФ (2015 й.) «Ўзбекистондаги вояга етмаганлар нисбатан қўлланадиган адлия: йигма ҳисобот». Тошкент.

3 Қаранг: OMCT SOS-Torture Network (2019 й.). «Ўзбекистон. БМТ нинг қийновларга қарши Қўмитаси 66-сессияси қабул қилиш учун масалалар рўйхати бўйича ёзма ахборот”. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: [https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CAT/Shared%20Documents/UZB/INT\\_CAT\\_ICO\\_UZB\\_34801\\_E.pdf](https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CAT/Shared%20Documents/UZB/INT_CAT_ICO_UZB_34801_E.pdf) (2019 йиль 23 сентябрь ҳолати бўйича) ва БМТ (2013 й.) Олтмиш учинчи сессиясида Қўмита томонидан қабул қилинган “Ўзбекистоннинг учинич ва тўртинчи бирлашган докладлари бўйича якуний хуросалар” (2013 й. 27 май – 14 июнь), Бола ҳуқуқлари бўйича Қўмита. Женева.

4 БМТ (2013 й.) Олтмиш учинчи сессиясида Қўмита томонидан қабул қилинган “Ўзбекистоннинг учинич ва тўртинчи бирлашган докладлари бўйича якуний хуросалар” (2013 й. 27 май – 14 июнь), Бола ҳуқуқлари бўйича Қўмита. Женева. ва ЮНИСЕФ (2015 й.) «Ўзбекистондаги вояга етмаганлар нисбатан қўлланадиган адлия: йигма ҳисобот”. Тошкент.

5 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тақдим этган маълумотлар, 2019 й., июль.

6 Масалан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси ва «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонунга қаранг.

Ўзбекистоннинг тўртта вилоятида ўтказилган суд ишлари материаларини ўрганиш натижасида жиноят қурбонига айланган болалар иштирокидаги 111 иш аниқланди. Аксарият ҳолларда айблов ҳукмлари чиқарилган: судга тақдим этилган ҳолатларнинг 88,3% да айбланувчи айбдор деб топилган. Жиноят қурбонлари бўлган болаларнинг кўпчилиги (67%) 13-16 ёшдаги қиз болалар эди<sup>1</sup>.

### Болаларни ҳимоя қилиш хавфлари ва тенденцияларининг сабаблари

#### Бевосита оиласвий омиллар:

**Ота-оналарнинг** болалар эҳтиёжларини қондириш ва болалар ҳулқ-атворига таъсир ўtkаза олиш қобилияти болалар ҳимоясидаги замонавий тенденцияларга таъсир кўрсатувчи бевосита омил ҳисобланади. Оиланинг доимий ёки тўсатдан заифлашуви, масалан, камбағаллиги, ота ёки онанинг вафоти, миграция ёки ота-онанинг ажрашиши, уй-жойнинг йўқлиги ёки йўқотилиши ва оиланинг санаб ўтилган муаммоларни ҳал қила олмаслиги болалар “файриижтимоий ҳулқа” олиб келиши, болалар савдоси ёки қаровсиз каби ҳолат-

ларга заиф қилиб қўйиши мумкин.<sup>2</sup> Ота-оналарнинг болалар билан ижобий мулоқот қила олмаслиги, болаларнинг ўта таъсирчанлиги ва оғир ҳулқ-атворига қарши қандай йўл тутиш кераклигини ҳамда уларнинг ўсмирлик ёшида ҳулқидаги ўзгаришларни билмаслиги ҳам болаларни шафқатсиз муомала ва зўравонлика дуч келиш хавфини оширади ва оиласвий муносабатларни узил-кесил йўқقا чиқаришга олиб келиши мумкин бўлган оиласвий низоларни келтириб чиқаради<sup>3</sup>. Бундан ташқари, спиртли ичимликлар ва гиёванд моддалар суиистеъмоли ҳам болаларга бевосита зарар етказиш хавфининг ортишига сабаб бўлади<sup>4</sup>. Майший ва гендер зўравонлик масаласини кенг муҳокама қилиш жамиятда қабул қилинмаган бўлсада, бу каби воқеалар Ўзбекистонда ҳам кузатилади. Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш, ўз жонига қасд қилишни олдини олиш марказлари да 2019 йилнинг биринчи ярмида 8 822 аёл ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги қайд этилган. Бу мурожаатларнинг кўпчилиги Наманган вилоятида (24%) рўйхатга олинган, кейинги кўрсаткичлар Сурхондарё (19%) ва Қашқадарё (11%) вило-

1 ЮНИСЕФ (2015 й.) «Ўзбекистондаги вояга етмаганлар нисбатан қўйланадиган адлия: йиғма ҳисобот». Тошкент.

2 ЮНИСЕФ (2018 й.) “Ўзбекистондаги ёпик муассасалардаги қиз болаларни баҳолаш ва уларни оила ва жамиятга қайтариш”. Тошкент.

3 Гарвард университети, Болани ривожлантириш маркази (2017 й.). «Қисқача шарҳ: болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида болани ривожлантириш тўғрисидаги фанни қўйланиши” Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://developingchild.harvard.edu/resources/inbrief-applying-the-science-of-child-development-in-child-welfare-systems/> (2019 йил 31 йил ҳолати бўйича).

4 ЮНИСЕФ (2018 й.) “Ўзбекистонда ёпик муассасалардаги қиз болаларни баҳолаш ва уларни оилалар ва жамоатларга қайтариш”. Тошкент.

*Махаллий даражада тақдим этиладиган ахборот-маърифий ишлар, маслаҳат бериш, иш қидиришидаги ёрдам, болаларни тарбиялаш бўйича ота-оналар учун дастурлар ва болалар реабилитациясидаги ёрдам каби ижтимоий хизматлар кучайтирилиши талаб этилади*

ялари, Андижон, Тошкент ва Фарғона вилоятлари (8% дан), шунингдек Хоразм, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳри (4% дан) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах ва Навоий вилоятларида (2% дан) қайд этилган<sup>1</sup>.

#### **Болалар ҳимояси тизимидағи ҳал этилиши зарур бўлган асосий масалалар**

**Сиёсий, норматив-ҳуқуқий ва институционал асослар**, болаларни ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик соҳасида ислоҳотлар яқинда амалга оширилиб, болаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базаси сезиларли даражада кенгайтирганига қарамай, мустаҳкамланиши талаб этилади. “Боланинг энг яхши манфаатлари” тушунчаси, зўравонликларнинг тури, зўравонлик қурбони ҳисобланган болаларга хизматларни тақдим этишининг ҳуқуқий асослари қонунчиликда қўшимча равишда белгилаб берилиши лозим. Бундан ташқари, болалар ҳимояси билан боғлиқ ҳолатларнинг мураккаблиги етарли салоҳият мавжуд

бўлиши ва ижтимоий хизматлар, ички ишлар органлари, адлия тизими, соғлиқни сақлаш ва таълим каби секторлар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш зарурияти билан шартланган секторлараро ёндашувни талаб этиди. Ўзбекистондаги болалар ҳимояси соҳасида фаолият кўрсатувчи турли ташкилотлар аксарият ҳолларда бир-бирларини тақрорлайдиган функцияларга эга, улар орасидаги мувофиқлик ва интеграция яхшиланиши талаб этилади, болаларни ҳимоя қилиш тизими эса алоҳида парчаларга бўлиб ташланган<sup>2</sup>. Режалаштириш, мониторинг ва болаларни ҳимоя қилиш дастурларини ва эришилган натижаларни мунтазам равишда баҳолаш салоҳияти миллий миқёсда тегишли вазирликларда янада мустаҳкамланиши лозим.

**Ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти, уларнинг сифати ва интеграцияси.** Оилалар профилактикаси ва қўллаб-қувватланиши, заифликлар ва хавфларни олдиндан профессионал тарзда аниқлаш, хавфларга тўқнаш келган оилалар ва болалар бўйича

1 Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси томонидан тақдим этилган, 2019 й., июль.

2 Саммон, Е. М. (2017 й.). «Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизими: бугун ва келажакда». ЮНИСЕФ. Тошкент

ҳисоботларни шакллантириш ва уларни зарур хизматларни олишга йўналтириш чораларини кучайтириш мақсадида энг заиф оилалар ва болаларни қўллаб-қувватлаш учун ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти, уларнинг сифати ва интеграцияси яхшиланиши керак<sup>1</sup>. Ўзбекистонда давлат томонидан молиялаштириладиган ижтимоий хизматлар тизими ҳанузгача асосан интернат муассасаларида тақдим этиладиган ижтимоий хизматлардан иборат<sup>2</sup>, бунда ахборот-маърифий ишлар, маслаҳат бериш, иш қидиришдаги ёрдам, болаларни тарбиялаш бўйича ота-оналар учун дастурлар ва болалар реабилитациясидаги ёрдам каби ижтимоий хизматлар кучайтирилиши талаб этилади<sup>3,4</sup>. Болалар устидан оиласий васийликнинг муқобил турлари ҳозирча чекланган ва ушбу хизматларни етказиб берувчиларнинг салоҳияти тайёр мутахассисларларнинг йўқлиги билан чегараланган<sup>5,6</sup>.

Болалар ҳимоясининг самарадорлиги, шунингдек, «индивидуал ҳолатларни юритиш» (кейс менежмент) методологиясини қўллашга асосланган ижтимоий ишлар тизими орқали хавф гуруҳидаги оилалар ва болаларга ижтимоий хизматларнинг кенг қамровли мажмуасини тақдим этиш имконияти мавжудлигига ҳам боғлиқ<sup>7</sup>. Ушбу ёндашувнинг қабул қилинишидаги қийинчиликлар Ўзбекистонда ижтимоий ишлар бўйича мутахассислар тизими тайёрланмагани билан изоҳланади<sup>8</sup>. Бундан ташқари, ижтимоий хизматлар тизими тўлиқ интеграциялаштирилмаган. Ижтимоий хизматларни режалаштириш ва тақдим этиш марказлашган тарзда амалга оширилади, бунда болаларга нисбатан кўрсатиладиган зўравонлик, шафқатсиз муомалада бўлиш ҳамда уларни камситиш масалалари бўйича маълумотлар етарли эмаслиги хавф остидаги оилалар ва болаларга ижтимоий хизматларни

1 Фергусон, Х. (2004 й.) "Болаларни ҳимоя қилиш: болаларга нисбатан ножоиз муомалада бўлиш, болалар ҳимояси ва замонавийликнинг асоратлари" «Бейзингсток, Палгрейв Макмиллан ва Гилберт, Н. Парсон, Н. Скивенс, М. (2011 й.) "Болаларни ҳимоя қилиш тизимлари: Халқаро тенденциялар ва ривожланиш йўналишлари". Нью-Йорк. Оксфорд универсиети нашриёти.

2 БМТ (2013 й.) Олтмиш учинчи сессиясида Кўмита томонидан қабул қилинган "Ўзбекистоннинг учинич ва тўртинчи бирлашган докладлари бўйича якуний хуносалар" (2013 й. 27 май – 14 июн), Бола ҳуқуқлари бўйича Кўмита. Женева.

3 Саммон, Е. М. (2017 й.). «Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизими: бугун ва келажакда». ЮНИСЕФ. Тошкент

4 Масалан: Колумбия Университети, Ижтимоий ишлар бўйича мактаби (2018 й.) "Ўзбекистондаги ижтимоий хизматнинг инсон ресурслари: кучли жиҳатлари, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари" ва Саммон, Е. М. (2017 й.). «Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизими: бугун ва келажакда». ЮНИСЕФ. Тошкент

5 Масалан: Колумбия Университети, Ижтимоий ишлар бўйича мактаби (2018 й.) "Ўзбекистондаги ижтимоий хизматнинг инсон ресурслари: кучли жиҳатлари, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари" ва Саммон, Е. М. (2017 й.). «Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизими: бугун ва келажакда». ЮНИСЕФ. Тошкент

6 Саммон Е., Исаева Д., Ахаева С., Лахомова Л.Л: (2017 й.). "Ўзбекистондаги васийлик ва ҳомийлик органлари ва вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар фаолиятининг функционал таҳлили". ЮНИСЕФ. Тошкент

7 Масалан, қаранг: Европа комиссияси (2015 й.). Адабиётлар обзари ва ижтимоий хизматларни интеграллашган тарзда тақдим этилишининг энг яхши амалиётларини аниқлаш – I ва II қисмлар. Брюссель. Манбадан қўйидаги манзиллар бўйича фойдаланиш мумкин: <http://ec.europa.eu/social/BlobServlet?docId=13784&langId=en> ва <https://ec.europa.eu/social/BlobServlet?docId=13785&langId=en> (2019 йил 25 август ҳолати бўйича)

8 Саммон, Е. М. (2017 й.). «Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизими: бугун ва келажакда». ЮНИСЕФ. Тошкент

етарли ҳажмда тақдим этишни қийинлаштиради.

**Адлия тизими билан тўқнаш келувчи болалар учун хизматлар:** Адлия тизими болалар ишларини ҳалқаро стандартларга мувофиқ кўриб чиқишга ҳали тўлиқ тайёр эмас. Болалар учун дўстона муносабатда бўлган тергов ҳаракатлари хоналари ташкил қилинмоқда, лекин болалар билан ўтказиладиган тергов тадбирларини ўтказиш учун терговчилар малакасини ошириш лозим ва судъяларнинг кўпчилиги жиноят қурбонлари ёки жиноят гувоҳлари бўлган болалар иштирокидаги ишларни кўриб чиқишга етарлича тайёр эмас. Шунингдек, аксарият ҳолларда болалар суд муҳокамаларида адвокатсиз қатнашадилар ва жиноят қурбонлари ёки жиноят гувоҳлари бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш учун

бошқа ваколатли органлар ва мутахассисларнинг иштироки чекланганича қолмоқда<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда алоҳида ювенал юстиция мавжуд эмас. Тикловчи адлия ёндашувининг қўлланилиши, қонун билан зиддиятда бўлган болалар реабилитацияси ва реинтеграцияси га урғу берган ҳолда, миллий қонунчиликка киритилиши керак. Қонунга хилоф ҳаракатларни содир этган болалар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини алмаштириш бўйича маҳаллий жамоатларнинг қўллаб-қувватлаши орқали муқобил чоралар ишлаб чиқилиши зарур. Озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазони ўтаётган болалар ёки ахлоқ тузатиш муассасаларига жойлаштирилган болалар реинтеграцияси бўйича хизматларни синовдан ўтказиш лойиҳалари олиб борилмоқда<sup>2</sup>, лекин бундай хизматлардан фойдаланиш имконияти барча ҳудудларда ҳали бирдек мавжуд эмас<sup>3,4</sup>.

1 ЮНИСЕФ (2015 й.) «Ўзбекистондаги вояга етмаганлар нисбатан қўлланадиган адлия: йиғма ҳисобот». Тошкент.

2 ЮНИСЕФ (2018 й.) «Ўзбекистонда ёпиқ муассасалардаги қиз болаларни баҳолаш ва уларни оиласлар ва жамоатларга қайтариш». Тошкент.

3 ЮНИСЕФ (2015 й.) «Ўзбекистондаги вояга етмаганлар нисбатан қўлланадиган адлия: йиғма ҳисобот». Тошкент.

4 Талеши, М. (2019 й.). «Вояга етмаганларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари: потенциални баҳолаш ва тизимли таҳлил». Тошкент.



### 3.5. ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ

#### Шарҳ

Болаларнинг самарали иштироки, 16-сонли Барқарор Ривожланиш Мақсадларида белгиланганидек, болалар ҳуқуқларига риоя қилиш имкониятлари жамиятнинг барча даражаларида, шу жумладан ҳукумат даражасида ҳам кенгайтирилишига ва таъминланишига ёрдам бериши мумкин. Иштирок этиш ҳуқуқи эркин фикрлаш, ўз фикрини эркин изҳор этиш, фикрлари бошқалар томонидан қабул қилиниши ва ахборот олиш ҳуқуқларини назарда тулади<sup>1</sup>. Агар бу ҳуқуқлар ва эркинликлар амалга оширилмаса, болаларнинг иштироки рамзий кўринишга эга бўлиб қолади ва болалар учун имкониятлар кенгайишига олиб келмайди<sup>2</sup>.

#### Иштирок этиш ҳуқуқини босқичма босқич амалга оширишдаги ишларнинг ривожи

#### Муҳим ютуқлар

Ўзбекистонда боланинг тингланиши ҳуқуқи қонунчиликда белгиланган, шунингдек ёшлар иштироки давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Аввалроқ «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати» ёшлар масалалари билан шуғулланувчи энг иирик нодавлат ташкилотлардан бири эди. «Камолот» ёшлар ҳаракати 2017 йилда қайта ташкил этилиб, «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» тузилди<sup>3,4</sup>. Бугунги кунга келиб Ёшлар иттифоқи ҳам ислоҳ қилиниб, Ёшлар ишлари бўйича агентлик тузилиши ҳақида эълон қилинган<sup>5</sup>. Халқаро адабиётда болалар иштирокининг турлича кўринишлари баён этилган ва ёшлар ташкилоти ёшларнинг расмиятчилик асосидаги иштироки учун платформа (халқаро адабиётларда “токенистик” деб тоифаланадиган)<sup>6,7</sup> сифатида фойдаланиши эмас, балки ёшларнинг интилишларини қўллаб қувватлайдиган таш-

1 Боланинг тингланиш ҳуқуқи тўғрисидаги 12-сонли умумий тартибдаги хуносалар (2009) (CRC / C / GC / 12)

2 Тўлиқ маълумот олиш учун “Ёшлар иштироки: ёшлар билан ишлашда ЮНИСЕФ тажрибаси”, “Дастурлар тажрибаси: гендер, ҳамкорик ва иштирок”идаги (1-сон, Нью-Йорк. ЮНИСЕФ, 1999 й.) Харт классификациясига қаранг.

3 2016 йил 14 сентябрь “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун <https://www.lex.uz/acts/3026250#3026857>

4 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (2017 й.). “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи деб қайта ташкил қилинди” Онлайн ресурс. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: [http://ombudsman.uz/en/press\\_center/news/uzbekistan/the-civic-movement-of-youth-uzbekistan-kamolot-has-been-re-organized-into-the-union-of-youth-of-uzbe/?print=Y](http://ombudsman.uz/en/press_center/news/uzbekistan/the-civic-movement-of-youth-uzbekistan-kamolot-has-been-re-organized-into-the-union-of-youth-of-uzbe/?print=Y) (2019 й. 30 сентябрь ҳолати бўйича)

5 Манба: Kun.uz (2019 й.). “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи тутатилади, унинг ўрнига Ёшлар ишлари бўйича агентлик ташкил қилинади” Онлайн ресурс. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: [https://kun.uz/en/news/2019/12/27/youth-union-of-uzbekistan-to-be-terminated-agency-for-youth-affairs-will-be-created \(2020\) \(2020 й. 18 марта ҳолати бўйича\)](https://kun.uz/en/news/2019/12/27/youth-union-of-uzbekistan-to-be-terminated-agency-for-youth-affairs-will-be-created (2020) (2020 й. 18 марта ҳолати бўйича))

6 Роджер Харт бўйича қабун қилинган болалар иштирокига оид концепцияга мувофиқ, “Токенизмдан фуқароликкача болалар иштироки”, Флоренция, ЮНИСЕФ, «Innocenti Essays» № 4, 1992 й.

7 Халқаро Инқизоз гурухи, “Марказий Осиё ёшлари: Янги авлоднинг йўқотилиши”, 2003 й. 31 октябрь, Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://www.crisisgroup.org/europe-central-asia/central-asia/tajikistan/youth-central-asia-losing-new-generation>

килот бўлиши жуда муҳим. Оммавий ахборот воситалари, ахборот, журналистларнинг профессионал фаолияти ва давлат органлари шаффолигининг аҳамияти тўғрисида қонунчиликда қабул қилинган тўлдиришлар<sup>1</sup> эркин фикр билдириш ва эркин баён этиш хуқуқини аниқлаштирган ҳолда, болалар иштироки янада аҳамиятли бўлиши учун муҳим асослар яратиб берди. Шунингдек, мамлакат Президенти ҳар ойда ўтказиладиган “Хоким ва Ёшлар” учрашувларини ташкил қилиниши юзасидан ташаббус билан чиқди. Ушбу ташаббусга таянган ҳолда, 2019 йил ЮНИСЕФ “Юксалиш” умуммиллий ҳракати ва Ёшлар иттилоғига Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Фарғона вилоятларида ёшлар масалалари бўйича 4 та маслаҳат учрашувлар ўтказишига кўмаклашди. Маслаҳат учрашувларнинг мақсади ёшлар ва маҳаллий ҳокимларнинг конструктив муроҷот учун имкониятларини кенгайтириш ва қарорларни қабул қилиш жараёнига ёшларни жалб қилиш учун янада самаралироқ платформани яратишдан иборат эди. Бу Ўзбекистонда ёшлар иштироки янада аҳамиятлироқ бўлишининг бошланиши сифатида баҳоланиши мумкин.

**Сақланиб қолаётган муаммолар: болаларни иштирок этишдаги тенденциялар**

**Болаларнинг иштироки узлуксиз жараён**

**Сифатида:** Ўз моҳиятига кўра, болаларнинг иштироки бола ҳаётининг барча босқичларида қўллаб-қувватланадиган узлуксиз жараён бўлиши керак<sup>2,3</sup>. Бу болалар оиласидан ишларда, мактабда, соғлиқни сақлашда, ижтимоий ҳаётда, жамиятда ва сиёsatда фаол иштирок этиши учун имконият яратилишини талаб этади<sup>4</sup>. Болаларга ўзларининг манфаатларига тааллуқли қарорларни қабул қилишда иштирок этиш имкониятининг тақдим этилиши уларнинг хуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиради, шахс сифатида ривожланиши ва ўзига бўлган ишончни ҳис қилишига ёрдам беради, шунингдек болалар ўз ҳаётини назорат қила олишини англашни бошлайди. Бошқа томондан, болалар иштирокининг чекланиши болаларнинг ижтимоий-эмоционал ҳолати ва осойишталилигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин<sup>5</sup>. Ўзбекистонда иштирок хуқуқини таъминлаш кўэда тутилаётгани эълон қилинган, лекин болалар иштироки ҳақиқатан ҳам аҳамиятли бўлиши керак. Ўзбекистонда ўтказилган бир

1 БМТ (2018 й.). «Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботи». Бола хуқуқлари бўйича қўйита. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: [https://tbinternet.ohchr.org/\\_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CRC%2fC%2fUZB%2f5&Lang=en](https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CRC%2fC%2fUZB%2f5&Lang=en) (2019 й. 30 сентябрь ҳолати бўйича)

2 Гал, Т. (2015 й.). “Болалар ва ёшлар иштироки”. Children and Youth Services Review. 79-жилд,. 57-64-бетлар. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0190740917302955> (2019 й. 30 сентябрь ҳолати бўйича)

3 Янс М. (2004 й.). “Болалар фуқаролар сифатида: Болалар иштирокини замонавий тушуниш йўлида”. Childhood A Journal of global child research 11-жилд, 1-нашр. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://journals.sagepub.com/doi/abs/10.1177/0907568204040182> (2019 й. 30 сентябрь ҳолати бўйича)

4 ЮНИСЕФ Югославия, Жасур янги авлод: Югославия Федератив Республикаси ёшлари, 2004 й.

5 Янс М. (2004 й.). “Болалар фуқаролар сифатида: Болалар иштирокини замонавий тушуниш йўлида”. Childhood A Journal of global child research 11-жилд, 1-нашр. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://journals.sagepub.com/doi/abs/10.1177/0907568204040182> (2019 й. 30 сентябрь ҳолати бўйича)

Мавжуд маълумотлар шуни кўрсатаяптики, Ўзбекистонда болаларни тарбиялаш амалиёти ўзгармоқда ва, шу билан бирга, болаларнинг оилавий қарорлардаги иштироки учун имкониятлар ҳам кенгайиб бормоқда.

нечта тадқиқот болалар орасида ижтимоий-эмомицанал кўникмалар ривожланишида, ўзига бўлган ишонч ва руҳий саломатлик борасида муаммолар мавжуд эканини<sup>1</sup>, таълим орқали фаол фуқаролик нуқтаи назарини илгари суриш заруратини аниқлаб бериш баробарида болаларнинг иштирокига бола ҳаётининг кичик ёшида бошланиб барча босқичлари учун унинг оилавий ва ижтимоий ҳаётига тааллуқли масалаларда фаол қатнашиш имкониятини берувчи узлуксиз жараён сифатида ёндашиш лозимлигини белgilаб берди<sup>2</sup>.

**Боланинг оилавий ишлар ва қарорларидағи иштироки:** Болаларнинг оилавий қарорларни қабул қилишдаги иштироки ҳақидаги маълумотлар кам. БМТ гиёхванд моддалар ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича бошқармаси (БМТГЖБ) томонидан оилани мустаҳкамлаш ташабbusи билан 210 та оила иштирокида ўтказилган кичик

тадқиқотда ота-оналарнинг 67% болаларни оилавий қарорларга ҳеч қачон, кам ҳолларда ёки айрим ҳолатларда жалб қилганлари ҳақида фикр билдирган; ота-оналарнинг 23% болаларни оилавий қарорларга “тез-тез” жалб қилиб турганлар, фақатгина 12% “аксарият ҳолларда ёки доимий равишда жалб қилишларига икror бўлган<sup>3</sup>. Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида болаларни тарбиялаш меъёрлари кенг маънода жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаёт тарзини акс эттириши аниқланган. Жамоавий жамоат тартиби ва барқарорликни индивидуал ривожланишдан устун қўядиган жамиятлар аксарият ҳолларда мустақил фикрлашни эмас, балки болалар тарбиясининг итоат ва бўйсунишга асосланган усулини қўллайди<sup>4</sup>. Ўзбекистондаги анъанавий уй хўжаликларида итоаткорлик ва йўриқномаларга амал қилиш бола томонидан яхши хулқ деб қабул қилингани аниқланган<sup>5</sup>. Бундан ташқа-

1 Масалан, ёшлар орасидаги руҳий саломатлик масалалари, таълим тизимидағи ўқувчиларнинг ижтимоий-эмоционал кўникмалари ҳақидаги аввалги бобларга қаранг.

2 Янс М. (2004 й.). “Болалар фуқаролар сифатида: Болалар иштирокини замонавий тушуниш йўлида”. Childhood A Journal of global child research 11-жилд, 1-нашр. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://journals.sagepub.com/doi/abs/10.1177/0907568204040182> (2019 й. 30 сентябрь ҳолати бўйича)

3 Рақамлари лойиҳа бошланишидан аввал йигилган дастлабки маълумотлар ҳисобланади,. Манба: БМТГЖБ (2018). “Оилани мустаҳкамлаш дастурининг баҳоланиши”. Тошкент.

4 Кроули, К. (2016 й.). Ўзбекистонда ҳукумат пахта терими даврида болаларнинг мажбурий меҳнатини тарбиявий жараённинг бир қисми деб қабул қилинишига таянади: Синов лойиҳаси. В С. Роланд-Леви, П. Дену, Б. Войер, П. Боски ва В.К. Габреня дж. (Ред.) “Бир хиллиқ, хилма хиллик ва маданият. Халқаро кросс-маданий психология ассоциацияси”. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: [https://scholarworks.gvsu.edu/iaccp\\_papers/176](https://scholarworks.gvsu.edu/iaccp_papers/176) (2019 йил 25 июнь ҳолати бўйича)

5 Кроули, К. (2016 й.). Ўзбекистонда ҳукумат пахта терими даврида болаларнинг мажбурий меҳнатини тарбиявий жараённинг бир қисми деб қабул қилинишига таянади: Синов лойиҳаси. В С. Роланд-Леви, П. Дену, Б. Войер, П. Боски ва В.К. Габреня дж. (Ред.) “Бир хиллиқ, хилма хиллик ва маданият. Халқаро кросс-маданий психология ассоциациясининг 22-конгресси материаллари”. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: [https://scholarworks.gvsu.edu/iaccp\\_papers/176](https://scholarworks.gvsu.edu/iaccp_papers/176) (2019 йил 25 июнь ҳолати бўйича) ва Низамединходжаева Н., Бок Б., Моллинга П. (2017 й.). “Ўзгаришлар даврида гендер масалалари, миграция ва қишлоқдаги ҳаёт” Гендер ва қишлоқ глобализациясида: Гендер масалалари ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш бўйича халқаро истиқболлар”. Каби. Крайдон.

ри, катталарнинг ўғил болалардан кутган натижалари қиз болалардан кутилган натижалардан фарқланиши ҳам аниқланган. Қизлар никоҳгача асосан уйда яшашлари, кекса қариндошларини парвариш қилишлари назарда тутилади<sup>1</sup>, шунинг учун ҳам ўз ҳаётларини турмушга чиқмаган ёки турмушга чиққан аёл сифатида режалаштириш ҳақидаги қарор қабул қилишда уларнинг таъсири камроқ ҳисобланади. Ўғил болалар эса, аксарият ҳолларда, уйда қизларга қараганда қатъиyroқ қоидалар билан чекланган ва улардан юқориyoқ натижалар кутилади, шунинг учун ўғил болалар ўзларига тааллуқли масалалар бўйича қарорларда иштирок этишига ҳам муайян чекловлар мавжудлигиэтироф этилади<sup>2</sup>. Шунга қарамасдан, ўзбек жамиятида болаларни тарбиялаш амалиёти бола ихтиёрига йўналтирилган ва ўзаро очиқ мулоқотни қадрловчи, оиласдаги турлича қарашларни, жумладан болалар нуқта назарини ифодалашга тўсқинлик қилмайдиган

ёндашув қарор топаётганини аломатлари мавжуд<sup>3</sup>.

**Болаларнинг маъмурӣ ва суд жараёнларида, ва болаларга хизмат кўрсатиладиган бошқа секторлардаги иштироки:** Хизматларни тақдим этадиган ва болалар билан дастлабки мулоқотга киришадиган мутахассислар болалар иштирок этиш ҳуқуқларини амалга оширишида уларга кўмаклашиши мумкин<sup>4</sup>. Ўзбекистонда иштирок этиш ҳуқуқи фуқаролик ишларида ва болаларга хизмат кўрсатиладиган бошқа секторларга қараганда, жиноий ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларида аниқроқ таърифланган<sup>5,6,7,8</sup>. Болалар ўз фикрини эркин ифодалashi ва ўзларини етарлича хавфсиз муҳитда ҳис қилиши учун уларга нисбатан дўстона бўлган жараёнлар, тартиботлар ва инфратузилмани ҳамда тингланиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида адлия

1 Низамединходжаева Н., Бок Б., Моллинга П. (2017 й.). “Ўзгаришлар даврида гендер масалалари, миграция ва қишлоқдаги ҳаёт” Гендер ва қишлоқ глобализациясида: Гендер масалалари ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш бўйича халқаро истиқболлар”. Каби. Крайдон.

2 Кроули, К. (2016 й.). Ўзбекистонда ҳукумат пахта терими даврида болаларнинг мажбурий меҳнатини тарбиявий жараённинг бир қисми деб қабул қилинишига таянади: Синов лойиҳаси. В. С. Роланд-Леви, П. Дену, Б. Войер, П. Боски ва В.К. Габреня дж. (Ред.) “Бир хиллик, хилма хиллик ва маданият. Халқаро кросс-маданий психология ассоциациясининг 22-конгресси материаллари”. Манбадан қўйидағи манзил бўйича фойдаланиш мумкин: [https://scholarworks.gvsu.edu/iaccp\\_papers/176](https://scholarworks.gvsu.edu/iaccp_papers/176) (2019 йил 25 июнь ҳолати бўйича)

3 Кроули, К. (2016 й.). Ўзбекистонда ҳукумат пахта терими даврида болаларнинг мажбурий меҳнатини тарбиявий жараённинг бир қисми деб қабул қилинишига таянади: Синов лойиҳаси. В. С. Роланд-Леви, П. Дену, Б. Войер, П. Боски ва В.К. Габреня дж. (Ред.) “Бир хиллик, хилма хиллик ва маданият. Халқаро кросс-маданий психология ассоциациясининг 22-конгресси материаллари”. Манбадан қўйидағи манзил бўйича фойдаланиш мумкин: [https://scholarworks.gvsu.edu/iaccp\\_papers/176](https://scholarworks.gvsu.edu/iaccp_papers/176) (2019 йил 25 июнь ҳолати бўйича).

4 Гал, Т. (2015 й.). “Болалар ва ёшлар иштирокининг экологик модели”. Children and Youth Services Review. 79-жилд, 57-64-бетлар. Манбадан қўйидағи манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0190740917302955> (2019 йил 30 сентябрь ҳолати бўйича)

5 Масалан, қаранг: Даниэль О'Доннелл (2011), “Ўзбекистондаги ювенал юстиция ислоҳоти соҳасидаги ютуқларини баҳолаш”, ЮНИСЕФ

6 Фуқаролик колекси, 22- ва 28- моддалари; Фуқаролик-процессуал кодекс, 38-модда. Ҳавола: ЮНИСЕФ (2014) «Вояга етмаганларга нисбатан қўлланадиган адлия: Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг таҳлили»

7 “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси.. Ҳавола: ЮНИСЕФ (2014) «Вояга етмаганларга нисбатан қўлланадиган адлия: Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг таҳлили»

8 ЮНИСЕФ (2015 й.) “Ўзбекистондаги вояга етмаганларга нисбатан қўлланадиган адлия: Йиғма ҳисобот”. Тошкент, 84-86-бетлар.

Болаларнинг иштирок этиши ҳуқуқлари, фуқаролик ишларни кўриб чиқишида ва болаларга хизмат қўрсатиладиган бошқа секторларга қарагандо, жиноий ишларни кўриб чиқишида аниқроқ таърифланган

тизимидағи муҳитни яхшилаш лозим<sup>1</sup>. Болаларнинг мактаб ҳаётига оид қарорларни қабул қилишдаги иштироки ҳақида маълумотлар етарли эмас. Шунингдек, болаларни муқобил васийлик тизимиға жойлаштиришда, масалан, интернат муассасасига жойлаштириш ҳақидағи қарорни қабул қилишдан олдин, бу масала ва қарор улар билан жуда кам ҳолларда муҳокама қилинади<sup>2,3,4</sup>. Бундан ташқари, маҳаллий жамоатлар миқёсида оиласвий муаммоларни ҳал қилишда воситачи сифатида қўллаб-куватланишга муҳтоҷ оиласлар учун кўпинчалик айнан маҳалла биринчи алоқа нуқтаси бўлади, аммо маҳаллада болаларни талаб қилинган тарзда тинглаб, кўрилаётган масалага жалб қилиш учун стандартлаштирилган воситалар ва тегишли даражадаги тайёргарлик мавжуд эмас<sup>5</sup>.

**Болаларнинг сиёsatни шакллантиришда ва ижтимоий ҳаракатлардаги иштироки:** Ўзбекистондаинтернетдан ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш имконияти вақт ўтган сари осонлашиб боргани сари болаларнинг тингланиш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришда иштирок этиш имкониятларида ўзгаришлар рўй бермоқда. Бироқ, ОАВ дан фойдаланиш имкониятлари юзасидан яқинда Ўзбекистоннинг учта вилоятида ўтказилган тадқиқотда, ёшлар интернетдан, асосан, ўз манфаатларига тегишли ва ижтимоий масалаларни муҳокама қилиш мақсадида эмас, балки янгиликлардан боҳабар бўлиш учун фойдаланишларини билдирганлар<sup>6</sup>. 2019 йилда ёшлар ўртасида ўтказилган Миллий сўров натижаларига кўра, ёшларнинг энг кўп иштироки турли мактаб қўмиталари ва кенгашларида кузатилар экан (сўровда иштирок этган ёшларнинг 45,7%), Ёшлар иттифоқи ишида иштирок этадиган ёшларнинг

1. Масалан, 2015 йил ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган тадқиқот сўровида қатнашган судьяларнинг деярли ҳаммаси (96,2%) ҳуқуқбузарликлар қурбонлари ва гувоҳлари бўлган болалар иштироки учун судьялар томонидан қўлайроқ шароитлар яратилиши ҳақидаги саволга жиноят қурбони ва гувоҳи бўлган болалар сўроқ қилинаётганда болалар эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда сўроқ қилинishi лозимлигини таъкидлашган. Манба: ЮНИСЕФ (2015 й.) “Ўзбекистондаги вояга етмаганларга нисбатан қўлланадиган адлия: Йиғма ҳисобот”. Тошкент.

2. Масалан, Колумбия Университети, Ижтимоий ишлар бўйича мактаби (2018) “Ўзбекистондаги ижтимоий хизматнинг инсон ресурслари: кучли жиҳатлари, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари”.

3. Саммон, Е. М. (2017 й.). «Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизими: ҳозир ва келажакда». ЮНИСЕФ. Тошкент

4. БМТ (2013 й.) Олтмиш учинчи сессиясида (2013 йил 27 май – 14 июнь) Қўмита томонидан қабул қилинган “Ўзбекистоннинг учинчи ва тўртинчи бирлаштирилган ҳисоботи бўйича якуний хуносалар”. Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита. Женева.

5. Саммон, Е. М. (2017 й.). «Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизими: ҳозир ва келажакда». ЮНИСЕФ. Тошкент

6. Фокус-гуруҳларда ёшлар билан муҳокамаларда қўйидаги савол берилган: “Саломатлик,, овқатланиш, таълим, иш ва бандлик, ижтимоий ҳимоя, ногиронлик, экология каби масалалар муҳокама қилинадиган веб-сайтларга кириб турсасизми?”. Фокус-гуруҳлардаги муҳокамалар иштирокчилари бу каби маълумотларга умуман қизиқишларини, лекин, асосан, таълим ва / ёки иш юзасидан киришлари ҳақида фикр билдирган. Манба: ЮНИСЕФ (2019 й.). Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси ўртасида қайси нашрларга қизиқишини аниқлаш юзасидан ўтказилган сўров.. Тошкент. Ҳисобот лойиҳаси.

улуши 27,6% ни, турли маданий ва кўнгилочар тўғараклардаги ёшларнинг иштироки 25,4% ни, сиёсий ташкилотлар ёки ҳаракатлардаги иштироки 15,5% ни ташкил этган бўлса, ёшларнинг энг кам иштироки ННТ да қайд этилган (14,8%)<sup>1</sup>.

### Болалар иштироки чекланишининг сабаблари

#### Бевосита омиллар

**Болалар ва ота-оналар кутаётган натижалар ва салоҳият:** боланинг ўз манфаатларига тааллуқли қарорларни қабул қилишда онгли равишда иштирокига бевосита таъсир этувчи омиллар боладан кутилаётган натижалар ва унинг қобилияtlарига, шунингдек бевосита оила ичидаги ва ташқарисидаги муҳитга ҳамда катталарнинг болаларни оиласидаги қарорларни қабул қилишга жалб қила олиш қобилияти ва мотивацияга боғлиқ<sup>2</sup>. Ёшлар қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этиш имкониятига доим ҳам эга бўлмайди, чунки, анъанавий оиласий қадриятлар доирасида уларнинг иштироки етарлича рағбатлантирилмайди. Бундан ташқари, бир неча йил аввал турли фикрлар

шаклланиши учун ахборот ва газета, интернет нашрлари каби асосий ОАВ дан ҳамда болалар ва ёшлар учун китоблар ва кутубхоналардан фойдаланиш имконияти бир мунча чекланган эди, лекин 2016 йилдан бошлаб вазият ўзгара бошлади. BBC каби халқаро ОАВ Ўзбекистонга қайтди<sup>3</sup>, ОАВ ларнинг мустақиллиги<sup>4</sup> ва аҳолининг ОАВ дан фойдаланиш имконияти яхшиланиб бормоқда<sup>5</sup>. Қишлоқ жойларда интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти чекланган ҳамда қиз болалар интернетдан ўғил болаларга қараганда камроқ фойдаланиши анқланган<sup>6</sup>. Агар болалар иштирокини енгиллаштирувчи воситалар ва каналлардан фойдаланиш имкониятлари ҳанузгача бир мунча чекланган бўлса, имкониятлари чекланган болалар билан боғлиқ вазият янада мураккаброқ ҳисобланади. Ногиронлиги бўлган болаларда бошқа болалар ва ёшлар билан учрашиш, ахборотдан эркин фойдаланиш, ўз фикрларини шакллантириш ва болалар иштирок эта оладиган деярли барча фаолият турларида, масалан, китоб ва журналларни ўқиш, ўйинларда иштирок этиш ва Интернет тармоғидан фойдаланиш, дўстлари билан мuloқот қилиш, спорт билан шуғулланиш, театр,

1 ЮНИСЕФ (2019 й.). Миллий тадқиқот «Ўзбекистон ёшлари: интилишлар, эҳтиёжлар ва хатарлар» Тошкент. Ҳисобот лойиҳаси..

2 Гал, Т. (2015 й.). “Болалар ва ёшлар иштирокининг экологик модели”. Болалар ва ёшларга хизматларни кўриб чиқиш. 79-жилд, 57-64-бетлар. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0190740917302955> (2019 йил 30 сентябрь ҳолати бўйича)

3 Масалан: Ўзбекистон Республикаси ТИВ томонидан аккредитация қилинган ҳорижий ОАВ муҳбирлари. <https://mfa.uz/ru/press/161/>

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги 4366-сонли “Оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш ва давлат органлари ва ташкилотлари матбуот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича кейинги чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори <https://mfa.uz/ru/press/library/2019/06/19757/>

5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июнь ПҚ-4366-сон “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори - <http://lex.uz/docs/4188801>

6 ЮНИСЕФ (2019 й.). Миллий тадқиқот: “Ўзбекистон ёшлари: интилишлар, эҳтиёжлари ва хавфлар”. Тошкент. Ҳисобот лойиҳаси.

Болалар иштироки ва уларнинг ижтимоий ҳаракатларга таъсири ўзгариб бормоқда, турли анжуманлардаги болалар иштироки ортмоқда. Болалар бу каби воситаларни баҳс-мунозара ва таъсири курсатишдан кўра, кўпроқ ахборотдан фойдаланишида қўлламоқдалар.

кино ёки музейга ташриф буюриш, овқатланиш ва уйдан ташқарида сайр қилиш, тўғаракларда-ги машғулотларга қатнашиш баробарида ифода этиш имконияти нисбатан камроқдир<sup>1</sup>.

#### Асосий тизимли сабаблар

**Мутахассисларнинг иштиёқи, қобилияти ва жавобгарлиги.** Болалар билан биргаликда ишлаш ва улар иштирокини таъминлашга мутахассисларнинг иштиёқи, қобилияти ва жавобгарлиги – ана шу омиллар болаларнинг иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширилишини сезиларли даражада енгиллаштириши (ёки қийинлаштириши) мумкин. Махаллий ёки миллий миқёсдаги тегишли норматив-ҳуқуқий база ва ташкилий тузилмалар болалар иштирокига назарий жиҳатдан кўмаклашиши мумкин. Бугунги кунда кузатилаётган ижтимоий ўзгаришларни, шунингдек миллий маданият учун мос ҳисобланган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда болалар иштироки учун имкониятлар ва механизмлар кенгайтирилиши лозим<sup>2</sup>. Хозирги вақтда болаларнинг иштироки аниқ вазифа сифатида, асосан, ёшлар ишлари бўйича кам

сонли ихтисослаштирилган ташкилотларга таалуқли, деб қаралади ва, ўз навбатида, барча секторлардаги болалар иштирокига ёрдам курсатиш ва кўмаклашиш учун турли г мутахассислари ва расмий шахсларнинг аҳамияти қўшимча тарзда тушунтирилиши керак. Бошқарувнинг мавжуд тизими ва тузилмаси ҳисобдорликнинг вертикаль тизимини назарда тутади. Халқаро тажриба шуни курсатдики, бошқарувнинг марказлашган тизимлари хизматларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда болалар иштирокини рағбатлантирувчи маҳаллий ташаббуслар амалга оширилишини мураккаблаштириши мумкин<sup>3</sup>. Шу билан бирга, марказлаштирилган тарзда белгиланган натижалар бажарилиши ва таъминланишига қаратилган эътибор мутахассислар ва давлат хизматчиларнинг қучи, вақти ва саъй-ҳаракатларининг катта қисмини олиб қўйиши мумкин, натижада, уларнинг болалар билан мулоқотини, болалар фикрини ўрганишга ажратиладиган вақтни ва болаларнинг самарали иштироки учун зарур шартлардан ҳисобланган ишонч ва хурматта асосланган муносабатлар ўрнатилишини чеклайди<sup>4</sup>.

1 БМТ (2019 й.) “Ўзбекистондаги ногиронлиги бор болалар ва катталар билан боғлиқ вазиятнинг таҳлили”. Тошкент

2 Гал, Т. (2015 й.). “Болалар ва ёшлар иштирокининг экологик модели”. Children and Youth Services Review. 79-жилд, 57-64-бетлар. Манбадан кўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0190740917302955> (2019 йил 30 сентябрь ҳолати бўйича)

3 Янс М. (2004 й.). “Болалар фуқаролар сифатида: Болалар иштирокини замонавий тушуниш йўлида”. Childhood A Journal of global child research 11-жилд, 1-нашр. Манбадан кўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://journals.sagepub.com/doi/abs/10.1177/0907568204040182> (2019 й. 30 сентябрь ҳолати бўйича)

4 Янс М. (2004 й.). “Болалар фуқаролар сифатида: Болалар иштирокини замонавий тушуниш йўлида”. Childhood A Journal of global child research 11-жилд, 1-нашр. Манбадан кўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://journals.sagepub.com/doi/abs/10.1177/0907568204040182> (2019 й. 30 сентябрь ҳолати бўйича)

# 4



# ТЕҢГСИЗЛИК ТУРЛАРИ

## ТЕНГСИЗЛИК ТУРЛАРИ

Болалар ҳуқуқлари билан боғлиқ соҳаларнинг ҳар бирида ўзига хос муаммолар ҳамда болалар ҳуқуқларини таъминлашдаги натижаларга таъсир кўрсатувчи бевосита ва асосий сабаблар мавжуд. Тадқиқот давомида олинган маълумотлар шуни кўрсатаяптиki, болалар ҳуқуқларини амалга оширишдаги тенгсизликлар маълум даражада бола мамлакатнинг қайси ҳудудида яшашига боғлиқ экан: қайсиdir ҳудудларда болалар учун натижалар бошқа ҳудудлардагига қараганда салбийроқ бўлиши қайд этилган. Боланинг жинси ҳам тенсизликка сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Бундан ташқари оила ёки боланинг шаҳар ёки қишлоқ жойда яшаши, болада чекланган имкониятларнинг мавжудлиги, шунингдек оилавий даромад ва оиласидаги мулоқот тили каби бошқа омиллар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам бола ўз салоҳиятини тўлиқ намоён қилиши ва ўз ҳуқуқларини амалга оширишига таъсир кўрсатади. Бунда ўғил ва қиз болалар, ҳудудлар, шаҳар/қишлоқ

жойлар, эҳтиёжлари ҳамда оилавий ҳолат ва фаровонлик даражаси турли бўлган болалар ўртасидаги тенгсизлик болаликдан йиғилиб, кейинчалик ўзига хос заифликка олиб келади ва ёшларнинг ҳаётий натижаларида акс этади.

### Географик фарқланишлар

Ҳудудлар бўйича олинган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, бола ҳуқуқларининг ҳар бир соҳасида болалар учун шароитлар бошқа ҳудудга қараганда камроқ бўлган ҳудудлар бор экан. Ушбу ҳисоботда кўриб чиқилаётган барча соҳалар бўйича энг ноқулай шароитлар мавжуд бўлган уч ҳудуд қаторига Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари киради. Бу ҳудудларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан пастроқ бўлиб, Ўзбекистон бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган энг кам даромадли беш-

Турли тенгсизликлар болаликда йиғилиб, кейинчалик ўзига хос заифликка олиб келади ва ёшларнинг ҳаётий натижаларида акс этади.

та ҳудудлардан ҳисобланади<sup>1</sup>. Уччала ҳудудда ҳам болалар сони мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан кўпроқдир<sup>2</sup>. Бундан ташқари, Орол денгизи қуриши натижасида Қорақалпогистон Республикаси мамлакатнинг энг кам таъминланганҳудудларидан бирига айланди. Об-ҳаво шароитлари туфайли ушбу ҳудудда қурғоқчилик хавфи юқори, шунинг учун ҳам ҳудуд экологик жиҳатдан заиф ҳисобланади.

### Гендер фарқланишлар

Ўғил ва қиз болалар учун натижаларда яққол намоён бўлган гендер фарқланишлар ва тенгсизликлар турлари мавжуд. Гарчи, ҳам ўғил болалар, ҳам қиз болалар бир қатор соҳалар ва кўрсаткичлар бўйича ноқулай шароитда бўлсада, улар заифлигининг турлари ва дараҷаси турличадир. Ўлимлар сони бўйича ўғил болалардаги кўрсаткичлар қиз болаларнига қараганда ёмонроқ. Бироқ, ўз жонига қасд қилиш ва ўз-ўзига жароҳат етказиш ҳолатлари манзрасида ҳам ўғил болалар, ҳам қиз болалар заифлигича қолаяпти<sup>3</sup>. Болаларни ҳимоя қи-

лиш соҳасида, бошқа мамлакатларда бўлганидек, ўғил болалар ва қиз болалар шафқатсиз муомала ва зўравонлик ҳолатларидан азият чекадилар, лекин зўравонлик ва шафқатсиз муомала турлари ҳамда ҳимоя билан боғлиқ масалаларда фарқланишлар мавжуд. Айрим маълумотларга кўра, уй шароитидаги ўғил болаларнинг тарбияси нисбатан қаттиқроқ бўлиши ва қиз болалар ва ёш аёллар, ўз навбатида, турмушга эрта берилиши ва гендер зўравонлик қурбонларига айланиши эътироф этилган. Қиз болалар ҳуқуқбузарликлар қурбони ёки гувоҳи сифатида адлия тизимига ўғил болаларга қараганда қўпроқ тўқнаш келиши ва, аксинча, ҳуқуқбузар сифатида адлия тизимига асосан ўғил болалар тўқнаш келиши аниқланган.

Айрим гендер фарқланишлар айниқса таълим ва бандлик соҳаларида яққол намоён бўлади, бу соҳаларда бир қатор кўрсаткичлар бўйича қиз болалар ўғил болаларга қараганда ноқулай шароитда экани аниқланган. Масалан, мактабгача таълим муассасаларига қиз болалар ўғил болаларга қараганда камроқ қатнайди<sup>4</sup>, шунинг учун қиз болалар ўғил

1 Ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил учун "Вилоятлар бўйича йиллик ўртача умумий даромад" кўрсаткичи бўйича расмий маълумотларига асосланган. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://www.stat.uz/en/>

2 Ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил учун "18 ёшгача болалар сони" кўрсаткичи бўйича расмий маълумотларига асосланган. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://www.stat.uz/en/>

3 Давлат статистика қўмитаси томонидан TransMonEE маълумотлар базасига тақдим этилган маълумотлар ўз ичига ўз жонига қасд қилиш натижасида рўй берган ҳолатлар ва ўзига ўзи жароҳат етказиш ҳолатларни олади. Манба: TransMonEE маълумотлар базаси (2016 й.) <http://transmonee.org/database/>.

4 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Гендер статистикаси, "Таълим муассасаларида гендер тенглик" 2016 й., Манба: <https://gender.stat.uz/en/analytical-materials/education/780-gender-equality-in-educational-institutions-in-2016>

болаларга қараганда умумий ўрта таълим учун камроқ тайёrlанган бўлади<sup>1</sup>. Мактабга бормайдиган болалар ичida ўғил болаларга қараганда қиз болалар кўпроқ<sup>2</sup> ва мактабга бормайдиган болалар (кўпинча қизболалар) аксарияти ногиронлиги бўлган болалардир<sup>3</sup>. Шу билан бирга, интернат муассасаларида тарбияланадиган ўғил болалар сони қиз болаларнига қараганда кўпроқ, хамда интернат туридаги ихтисослашган муассасалар тарбияланувчиларининг кўпчилигини ногиронлиги бўлган болалар ташкил қиласди. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, таълим олиш имконияти шу гурухга мансуб ўғил болаларда қиз болаларга қараганда кўпроқ экан, сабаби, ногиронлиги бўлган ўғил болалар аксарият ҳолларда таълимни интернат муассасаларида олишади. Умуман олганда, қиз болаларнинг олий маълумот олиш имконияти ўғил болаларнига қараганда камроқ. Ниҳоят, «Бандлик, таълим ва ўқув билан қамраб олинмаган» (қисқарт. – NEET) ёшлар орасида ҳам сезиларли гендер фарқланишлар мавжуд; ушбу кўсаткич аёллар орасида эркаклар орасидагига қараганда анча юқори.

### Тенгсизликнинг бошқа омиллари

Ўзбекистонда ҳуқуқлар бир хил амалга оширилмаслигининг бошқа омиллари ҳам бор.

### Шаҳар ва қишлоқ жойлардаги фарқланишлар

Мавжуд маълумотлар ва уларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши шуни кўрсатдики, болаларнинг шаҳар ёки қишлоқ жойларда яшиши уларнинг ҳуқуқлари амалга оширилиши қайдаражада тўлиқ бўлишига қўшимча таъсир кўрсатар экан. Айрим соҳаларда, айниқса, соғлиқни сақлаш ва болаларни ҳимоя қилиш соҳаларида, шаҳарлар ва уларга яқин бўлган ҳудудларда болалар ҳуқуқларига таъсир кўрсатувчи муайян ривожланиш кузатилаётгани қайд этилмоқда. Масалан, шаҳарларда яшайдиган репродуктив ёшдаги аёллар тўғри овқатланмаслиқдан (масалан, фолат етишмаслигидан) азият чекадилар, бу эса, ўз навбатида, ногиронлиги бўлган болаларни оширади. Шаҳарда яшовчи болаларда кўпинча темир моддаси етишмаслиги ва анемия кузатилади. Бундан ташқари, шаҳарлик болаларда тана массасининг етишмасли-

1 Масалан, мактабгача таълим олган ўқувчилар мактабгача таълим олмаган болаларга қараганда мактабда яхшироқ ўқишини исботловчи репрезентатив танлов натижаларига асосланган маълумотларга қаранг. Манба: "ЮНЕСКО (2019 й.) "Ўзбекистонда бошланғич синфлардаги таълим: натижалар, муаммолар ва имкониятлар: Ўзбекистон ўқувчиларининг ўқишдаги ютуқлари бўйича миллий тадқиқотнинг қисқача баёни", IV синф", 2018 й., Тошкент.

2 Ҳисоб-китоблар муаллиф томонидан ЮНЕСКО нинг статистика бўйича институти тақдим этган маълумотлар асосида бажарилган (2019 й.). Ўзбекистон. Маълумотларни қўйидаги манбадан олиш мумкин: <http://uis.unesco.org/en/country/uz>

3 Ҳисоб-китоблар Жаҳон банки муаллиф томонидан ЮНЕСКО нинг статистика бўйича институти тақдим этган маълумотлар асосида бажарилган (<http://data UIS.unesco.org/index.aspx?queryid=181#>) Жаҳон банки (2018 й.). "Ўзбекистондаги таълим секторининг таҳлили бўйича якуний ҳисобот" 48-бет.



ги, қишлоқ жойларда яшайдиган болаларда эса бўйига ўсиш муаммоси кўп кузатилади. Бу шаҳарлик болалар қисқа муддатли хавфларга қишлоқдаги болаларга қараганда қўпроқ тўқнаш келишидан, овқатланиш ва саломатлик билан боғлиқ узоқ муддатли хавфлар эса асосан қишлоқда яшовчи болаларда кузатилишидан далолат беради. Шунингдек, болалар ҳимояси билан боғлиқ, асосан, шаҳар муҳитига хос ривожланиш кузатилади. Мавжуд маълумотларга кўра, болалар ҳимояси кўрсаткичлари бўйича энг паст натижаларга эга ҳудудлар деб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти топилган. Таълим соҳасининг бир қатор кўрсаткичлари бўйича қишлоқ жойларда яшовчи болаларнинг имкониятлари шаҳарлик тенгқурлариникига қараганда камроқ. Масалан, қишлоқ жойлардаги таълим инфратузил масининг даражаси пастроқ бўлгани сабабли, қишлоқда яшовчи болалар ва ёшларнинг олий маълумотга эга бўлиш имконияти ҳам нисбатан кам экани маълум.

#### Ривожланиш хусусиятлари

Имкониятларнинг чекланганлиги болалар ўз ҳуқуқларини амалга оширишига сезиларли таъсир қилувчи яна бир омил ҳисобланади.

Кўпчилик соҳаларда ногиронлиги бўлган болалар бошқа болаларга қараганда ноқулайроқ шароитда бўладилар. Имкониятлари чекланган болалар аксарият ҳолларда ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларида тарбияланишиди, уларнинг кўпчилиги маҳсус таълим муассасаларида таълим олади, бу муассасалардаги муҳит ота-она ғамхўрлиги ва улар яшайдиган жамоатлардаги ижтимоий интеграция афзалликларидан маҳрум қиласди. Мактабга қатнамайдиган болаларнинг кўпчилигини имкониятлари чекланган болалар ташкил қиласди ва ёшларнинг «Бандлик, таълим ва ўқув билан қамраб олинмаган» (қисқарт. – NEET) кўрсаткичи ногиронлиги бўлган ёшлар орасида нисбатан каттароқ. 2018 йилда ўтказилган тадқиқот давомида ногиронлиги бўлган болаларнинг 30% тиббий хизматлардан фойдалана олмагани аниқланган (ногиронлиги йўғ болаларда бу кўрсаткич 6,3% ни ташкил қилган)<sup>1</sup>. Бошқа мамлакатлар билан солиштирганда, имкониятлари чекланган болалар орасида профилактика, касалликни аввалдан аниқлаш ва ўз вақтида аралашиб ишларига қўпроқ эътибор қаратиш лозим<sup>2</sup>. Имкониятлари чекланган болалар ижтимоий ҳимоя тизими билан етарлича қамраб олинмаган: имкониятлари чекланган болаларнинг 48%

1 БМТ (2019 й.). “Ўзбекистондаги ногиронлиги бор болалар ва катталар билан боғлиқ вазият таҳлили”. Тошкент  
2 БМТ (2019 й.). “Ўзбекистондаги ногиронлиги бор болалар ва катталар билан боғлиқ вазият таҳлили”. Тошкент

ногиронлик нафақасидан фойдалана олмайди<sup>1</sup>. Имкониятлари чекланган болаларнинг турли тадбирлардаги вакиллиги ва иштироки, иштирок этиш ҳуқуқи ҳақида сўз юритилган аввалги бобда қайд этилганидек, имкониятлари чекланмаган болаларнига қараганда пастроқ. Бу ҳолат туғма ногиронлиги бўлган ёки болалигига ёхуд ўсмир ёшида ногирон бўлиб қолган болаларнинг ўз салоҳиятларини тўлиқ намоён қилиш имконияти бошқа болаларнига қараганда анча чекланган эканини англатади. Бу, шунингдек, ногиронлиги бўлган ёшлар орасида «Бандлик, таълим ва ўқув билан қамраб олинмаган» (қисқарт. – NEET) кўрсаткичи юқори бўлишида ҳам акс этади. Ногиронликнинг оғир шакллари билан оғриган ёшлар орасида бу кўрсаткич 77% ни, ногиронликнинг энг оғир кўринишига эга ёшлар орасида эса 91% ни ташкил қиласди<sup>2</sup>. Бу эса, ўз навбатида, барча инсонларга, шу жумладан имкониятлари чекланган болалар ва ёшларга хос бўлган салоҳият ва иқтидорларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон катта юутуқларга эришиши мумкинлигини кўрсатади.

### Даромадлар даражаси

Оиладаги фаровонлик болалар ҳуқуқлари

амалга оширилиши истиқболларига таъсир кўрсатиши ҳайратланарли ҳолат эмас. Озуқага бой моддалар етишмаслиги, болалар орасида сурункали ва уткир тарзда етарлича овқатланмаслик билан боғлиқ кўрсаткичлар кам таъминланган уй хўжаликларида юқори фоизга эга. Кам таъминланган уй хўжаликларида болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинганлик даражаси ҳам паст. Натижада, уларнинг мактабга тайёргарлиги юқори даромадли уй хўжаликларида болаларнига нисбатан пастроқdir. Оналарининг маълумоти етарли бўлмаган болалар, оналари олий маълумотга эга бўлган болаларга қараганда ёмонроқ натижалар кўрсатишади. Даромади кам уй хўжаликларида яшовчи болаларнинг олий маълумот олиш имконияти паст бўлгани учун кейинги авлод вакиллари орасида ҳам маълумоти юқори бўлган оналар сони кўпаймайди. Бу ҳолат, табиийки, кейинги авлодларда ҳам тенгсизлик давом этишига олиб келади. Умумий фаровонликнинг турли ҳудудларда, ўғил болалар ва қиз болалар, айниқса, ногиронлиги бўлган болалар орасида ҳуқуқларнинг амалга оширилишига таъсирини Ўзбекистонда мавжуд бўлган умумий ижтимоий тузилма шароитида қўриб чиқиш зарур. Ўзбекистон 0,445 га тенг Джини ко-

1 ЮНИСЕФ (2019 й.) “Ўзбекистндаги болалар ва ёшлар манфаатларига мос бўлган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш” Тошкент.

2 ЮНИСЕФ (2019 й.) “Ўзбекистндаги болалар ва ёшлар манфаатларига мос бўлган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш” Тошкент.

эффициенти<sup>1</sup> билан тавсифланади, бу ХВЖ (Халқаро валюта жамғамаси) иқтисодчилари томонидан иқтисодий ривожланишга<sup>2</sup> зарар етказувчи энг кичик 0,27 га тенг чегаравий тенгсизлик даражасидан анча ортиқдир. Ўзбекистонда кам таъминланганлик даражаси – болалар орасида; болаларини тарбиялаётган катталар орасида; шунингдек ёши 80 ва ундан ошганларда юқоридир<sup>3</sup>.

#### **Мультипликатив эффект : ёшларнинг заифлиги**

Юқорида кўриб чиқилган болаларнинг заифликлари жамланган ҳолда болалар ҳуқуқлари амалга оширилишига қай тарзда таъсири этишини таҳлил қиласиган тадқиқот Ўзбекистонда ўтказилмаган. Шундай бўлсада, мавжуд маълумотлар Ўзбекистонда, бошқа кўпгина мамлакатларда бўлганидек, аксарият заифликлар ўзаро боғлангани ҳақида далолат беради. Масалан, ўтказилган тадқиқотлардан олинган маълумотларга кўра, рўйхатдан ўтказилган имкониятлари чекланган одамларнинг 25% даромади энг кам бўлган уй хўжаликлирида яшар экан; қишлоқ жойларда бу кўрсаткич 48% ни ташкил қиласиди; таълим хизматла-

ридан фойдалана олмайдиган имкониятлари чекланган болаларнинг 2/3 қисми, ва тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаганларнинг 3/4 қисми даромади энг кам уй хўжаликларда яшайди<sup>4</sup>. Бу ҳолат кўпчилик болалар учун “мультипликатор эфект”-га тўқнаш келиш эҳтимоли юқори эканлигини англатади ва айрим болалар кўпгина заифликлар билан бир вақтнинг ўзида ёки болалиги давомида навбатма-навбат “дуч келади.

Ҳаётий давр давомида орттирилган “заифликлар тўплами” таъсири натижасида болалар саломатлиги ва маълумотида нуқсонлар кузатилади, турмушининг фаровонлик даражаси ҳам, нисбатан паст бўлади, агар ҳаёти давомида ҳуқуқларига яхшироқ риоя қилинган бўлмаса. Мультипликатив эфектни бу тури Ўзбекистондаги вояга етган ёшларда катта эҳтимол билан болалик даврида шаклланиб, муайян давр давомида йигилиб келган ўзига хос заифликлар намоён бўлишида акс этади: омон қолиш ва ривожланиш ҳуқуқи ҳақида сўз юритилган биринчи бобда қайд этилганидек, Ўзбекистон ёшлари орасида ўз жонига қасд қилиш ва ўз-ўзига жароҳат етказиш ҳолатлари кўпайиб бормокда; таълим олиш ва ижтимоий ҳимояга бағишлиланган бобларда

1 Джини коэффициенти мамлакат аҳолиси орасидаги даромадлар ва фаровонлик бир маромдалигини ўлчайди.

2 ЮНИСЕФ (2019 й.) “Ўзбекистондаги болалар ва ёшлар манфаатларига мос бўлган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш” Тошкент.

3 ЮНИСЕФ (2019 й.) “Ўзбекистондаги болалар ва ёшлар манфаатларига мос бўлган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш” Тошкент.

4 Тадқиқотлар натижаларига асосланган. Маълумотлар БМТ нинг (2019 й.) “Ўзбекистондаги ногиронлиги бор болалар ва катталар билан боғлиқ вазият таҳлили. Тошкент.” тадқиқот тақдимотида келтирилган.

таъкидланганидек, “бандлик, таълим ва ўқув билан қамраб олинмаган (қисқарт. – NEET)” ёшлар улуши борган сари ортиб бориши кузатилмоқда; меҳнат миграциясини кенг тарқалгани Ўзбекистондаги мавжуд заифликдан ва имкониятлардан фойдаланиш даражасини этарлик эмаслигидан далолат беради. Ўзбекистондаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг бешдан бир қисми мигрант,

ёшлар ўртасида эса бу кўрсаткич янада юқори: 20-24 ёшли меҳнатга лаёқатли эрка-кларнинг учтадан биттаси меҳнат мигранти сифатида бошқа мамлакатларга ишлайди<sup>1</sup>. Заифлик даражаси юқори бўлишига қарамасдан, ёшларнинг нисбатан катта бўлмаган улушигина меҳнат бозоридаги дастурлардан ва ишсизлик нафақасидан фойдаланиш имкониятига эга<sup>2</sup>.



1 Айвад Мухамед Ихсан, Ильхом Абдуллоев, Робин Ауди, Стефан Хат, Йост де Лаат, Игорь Хейфец, Дженника Ларрисон, Златко Николоски ва Федерико Торракки (2014 й.). “Ўзбекистондаги бандлик ва ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтириш учун профессионал кўнимкамларни ривожлантириш”. Жаҳон банки. Вашингтон, Колумбия округи.

2 ЮНИСЕФ (2019 й.) “Ўзбекистондаги болалар ва ёшлар манбаатларига мос бўлган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш” Тошкент.

**5**



# ЗАИФЛИКНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ТАРКИБИЙ САБАЛЛАР

# ЗАИФЛИКНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ТАРКИБИЙ САБАБЛАР

Соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя ва болалар ҳимояси бўйича мавжуд тизимларнинг самараадорлиги бир қатор таркибий сабабларга боғлиқ бўлиб, ушбу сабаблар аввалги бобларда муҳокама қилинган бевосита ва асосий сабаблар билан бирга Ўзбекистондаги болалар ҳуқуқлари амалга оширилишига таъсир кўрсатади. Таркибий сабаблар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва техник омиллар асосида мослаштирилган PEST-модель<sup>1</sup> кўрининшида ташкил қилиниб, қўйида таърифланган.

## Сиёсий таркибий сабаблар

Ўзбекистонда сиёсий устуворлик мамлакатнинг ижтимоий ривожланишида устувор ҳисобланган ижтимоий секторга берилган. Бироқ, халқаро тажриба шуни кўрстаяпти-ки, кўпчилик мамлакатларда болалар учун оптималь натижаларга эришиш учун давлат

ресурсларидан фойдаланишга коррупция тўсқинлик қиласр экан<sup>2</sup>. Бугунги кунда Ўзбекистон, “Transparency International” маълумотларига кўра, коррупция индекси бўйича 180 мамлакат ичидаги 158-уринни эгаллаган<sup>3</sup>. 2013 йил Болалар ҳуқуқлари бўйича қўмита болалар учун яхши натижаларга эришишга асосий тўсиқ сифатида коррупцияни кўрсатган – бу туғилишларни рўйхатга олиш, соғлиқни сақлаш ва таълим хизматларидан фойдаланишга салбий таъсир кўрсатувчи энг асосий омил экани таъкидланган<sup>4</sup>. Ҳозирги кунда маҳаллаларга юклатилган кўплаб функцияларни бажариш ва ижтимоий нафақаларни

**Кучли томонлар:** Сиёсий устуворлик ижтимоий секторга берилган; мамлакат ривожланишида ижтимоий секторлар устувор қилиб белгиланган.

1 Одатда “PEST” қисқартмасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик сабаблар назарда тутилади, лекин мазкур таҳлил учун “технологик” сўзи “техник” сўзига алмаштирилди – ушбу атама лоирасида давлат бошқаруви билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

2 БМТ (2013 й.) Олтмиш учинчи сессиясида Қўмита томонидан қабул қилинган “Ўзбекистоннинг учинич ва тўрттинчи бирлашган докладлари бўйича якуний хуносалар” (2013 й. 27 май – 14 июнь), Бола ҳуқуқлари бўйича Қўмита. Женева.

3 Transparency International (2019 й.). Ўзбекистон. Онлайн ресурс. Манбадан қўйидаги ҳавола орқали фойдаланиш мумкин: <https://www.transparency.org/country/UZB> (2019 й. 8 октябрь ҳолати бўйича)

4 БМТ (2013 й.) Олтмиш учинчи сессиясида Қўмита томонидан қабул қилинган “Ўзбекистоннинг учинич ва тўрттинчи бирлашган докладлари бўйича якуний хуносалар” (2013 й. 27 май – 14 июнь), Бола ҳуқуқлари бўйича Қўмита. Женева.

**Муаммолар:** Ахолининг ижтимоий химояга мухтож қатлами ва болаларни кенг иштироки учун имкониятларни кенгайтириши зарур, ва халқаро тажриба кўрсатиб турибдики, коррупция хам болалар учун мақбул натижаларга эришишида давлат ресурсларидан самарали фойдаланишига тўсқинлик қиласди

тўлаш учун бенефициарларни аниқлаш учун зарур касбий малака етишмаяпти<sup>1</sup>, бу оилалар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимишининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, фуқароларнинг жамият ҳаётида иштирок этиши учун қўшимча имкониятларнинг мавжудлиги болалар иштиrokeri янада кенгроқ бўлишини таъминлайди.

2016 йилда бошланган исплоҳотлар фуқаролар ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириши учун имкониятлар кўламини оширишга йўл очиб берди. Фуқаролар мурожаат қилишларини енгиллаштирувчи бир қатор янги механизmlар жорий этилди, масалан, аризаларни тақдим этиш ва давлат хизматларини боғлиқ муаммолар ҳақида хабар бериш хамда жамоатчилик билан мулоқот қилиш учун онлайн механизми ишлаб чиқилди ва амалиётга киритилди<sup>2</sup>. Лекин, буларнинг барчаси нисбатан янги амалиётлардир. Шунингдек, дунё-

нинг бошқа мамлакатларида<sup>3</sup> рўй бераётган сиёсий жараёнларда ёшлар ҳаракатлари эга бўлган аҳамияти ёшлар стигматизациясига олиб келиши мумкин<sup>4</sup>. Шунинг учун ҳам ёшлар билан ишончга асосланган муносабатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

### Иқтисодий таркибий сабаблар

Давлат зиммасидаги мажбуриятлар ва ижтимоий секторга маблағлар ажратилаётганига қарамасдан, болалар учун энг яхши натижаларга эришишдаги тўсиқ сифатида бюджетдан фойдаланиш ва самараси лозим даражада эмаслиги асосий таркибий сабаб деб этироф этилди. Болаларни ҳимоя қилиш тизими давлат томонидан ажратилган маблағларнинг асосий улушини интернат мусассасаларига сарфламоқда, бу эса, халқаро

1 Микелрайт, Дж. ва С. Марни. 2005 й. „Ўтиш даври иқтисодиётида манзилли ижтимоий ёрдам: Ўзбекистондаги маҳаллалар“. Ижтимоий сиёсат ва ба бошқарув 39 (4), 431–447

2 Масалан, 2017 йил 11 сентябрь «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига қаранг.

3 Қаранг: Ал-Моманий, М. (2011 й.). „Арабча “ёшлар зилзиласи”: Демократия ва барқарорлик учун оқибатлари“. Яқин Шарқда ҳуқуқ ва бошқарув. 3-жилд, 1-3-нашрлар.

4 Галлахер (2012 й.), Т. (2015 й.). „Болалар ва ёшлар иштирокининг экологик модели“. Children and Youth Services Review. 79-жилд, 57-64-бетлар. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0190740917302955> (2019 йил 30 сентябр ҳолати бўйича)

*Кучли томонлар:* Болалар хукуқлари ва фаровонлигини илгари сурин учун бюджетни сарфлайдиган асосий субъект ҳисобланувчи давлат томонидан ижтимоий секторга юқори инвестициялар киритилади.

таҗрибадан маълумки, болалар учун яхши натижаларга олиб келмайди. Инклузив таълимга ёки ижтимоий заиф оиласалар учун ижтимоий хизматларни кўрсатиш учун эмас, балки ноинклюзив сиёсатга, яъни болаларни, айниқса имкониятлари чекланган болаларни интернат муассасаларига жойлаштиришга сарфланаётган харажатлар заифликни енгиллаштириш ёки бартараф этиш ўрнига, аксинча, ижтимоий табақаланишни кучайтириш хусусиятга эга. Ривожланишнинг миллий стратегиясида ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўйича алоҳида ҳолатлар кўзда тутилган бўлсада, улар етарли даражада тўлиқ баён этилмаган ва бу каби хизматлар учун бюджетлар аниқ қилиб белгиланмаган<sup>1</sup>. Шунингдек, ижтимоий нуқтаи назардан заиф оиласалар ва болаларнинг маҳаллий миқёсдаги эҳтиёжларини қондириш учун молиявий имкониятларни мустаҳкамлаш талаб қилинади<sup>2</sup>. Ҳукумат таълим соҳасига давлат бюджетининг 32% ни сарфлайди (2017 йил) ва Ўзбекистоннинг

таълим учун давлат харажатлари Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ўртacha кўрсаткичдан юқори ҳисобланади<sup>3</sup>. Шунга қарамасдан, болалар учун натижалар шу даражада эмас. Ёш бўйича турли гуруҳлар учун сарфланадиган харажатлар тўғри тақсимланмаган, сабаби, маблағларнинг катта қисми умумий ўрта таълимга сарфланади, олий таълим ва мактабгача таълимга эса анча камроқ ажратилади. Олий таълимни молиялаштиришга сарфланадиган харажатлар дунёдаги энг кичик кўрсаткичлардан бири ҳисобланади<sup>4</sup>. Бундан ташқари, бюджет маблағларини марказлашган тарзда белгиланган формуулари ўзига хос эҳтиёжлар ва заифликларни худудлар миқёсида тўлиқ ҳисобга олмайди<sup>5</sup>. Ўзбекистон ўзининг соғлиқни сақлаш секторига бошқа мамлакатларга қараганда камроқ маблағ ажратади<sup>6</sup>. Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш сезиларли даражада ўзгарди ва Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимининг молиялаштирилиши

1 Саммон, Е. М. (2017 й.). «Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизими: бугун ва келажакда». ЮНИСЕФ. Тошкент

2 Саммон, Е. М. (2017 й.). «Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизими: бугун ва келажакда». ЮНИСЕФ. Тошкент

3 Жаҳон банки (2018 й.) “Ўзбекистондаги таълим секторининг таҳлили бўйича якуний ҳисобот”.

4 Жаҳон банки (2018 й.) “Ўзбекистондаги таълим секторининг таҳлили бўйича якуний ҳисобот”.

5 ЮНИСЕФ (2018 й.) “Ўзбекистондаги болаларга ажратиладиган давлат инвестицияларининг модели: жорий ҳолати ва такомиллаштириш йўналишлари”. Тошкент: ЮНИСЕФ.

6 ЮНИСЕФ (2018 й.). “Иммунизация учун инсон ресурслари ва соғлиқни сақлашдаги етказиб беришлар тизими: тезкор баҳолаш ва яхшилашни режалаштириш”, Ўзбекистон». Тошкент.

турли манбаларга боғлиқ<sup>1</sup>. Тадқиқотлар шуни кўрсатаяптики, молиялаштиришнинг бугунги ҳолати мавжуд клиник кўрсатмаларни амалга ошириш учун етарли эмас экан, ва бу ҳолат кўпгина тиббиёт муассасаларини молиялаштиришда жиддий бўшлиқлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда<sup>2</sup>. Қўшимчасига, молиялаштиришнинг мавжуд механизмларида тиббиёт муассасаларининг турлича ихтисослашуви ва уларнинг турлича эҳтиёжлари етарли даражада ҳисобга олинмаган<sup>3</sup>. Мутахассисларга тўланадиган иш ҳақининг камлиги аксарият ҳолларда норасмий тўловлар билан қопланади ва ушбу тўловларнинг норасмий шакли тиббий хизматлардан фойдаланишга, айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатлами фойдаланишига тўқсинглик қилади<sup>4</sup>. Кўнгилли тиббий суғурта Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимига сарфланадиган харажатларнинг жуда кичик улушкини ташкил қиласиди. Бугунги кунда мамлакатнинг саноқ-

ли компанияларигина суғуртанинг шу турини таклиф қиласиди<sup>5</sup>. Ижтимоий ҳимоя тизимига киритилаётган инвестиялар салмоғи анча катта бўлсада, улар асосан пенсия таъминотига сарфланмоқда, болалар учун нафақаларга эса инвестияларнинг катта бўлмаган улушки ажратилади<sup>6</sup>.

### Ижтимоий таркибий сабаблар

Ижтимоий соҳадаги таркибий сабаблар, шу жумладан гендер меъёрлари, маданият ва анъаналар, ҳар бир миллат ёки халқнинг ўзига хос менталитети болалар учун натижаларга ва ўғил болалар ва қиз болалар ҳукуқларини амалга оширишга албатта таъсир кўрсатади.

**Гендер меъёрлари:** 2017 йилда Ўзбекистон БМТ Тараққиёт дастурининг Гендер тенгсизлиги индексида 189 мамлакат ичida 59-уринни эгаллаган<sup>7,8</sup>. Қонунчилик ва Конституцияда

1 Ахмедов М., Азимов Р., Муталова З., Гусейнов С., Цой Е. ва Речель Б. (2014 й.) "Ўзбекистон: Соғлиқни сақлаш тизимининг шархи . Соғлиқни сақлаш тизими: ўзгаришлар даври", 16(5):1-137

2 Қаранг: Ахмедов М., Азимов Р., Муталова З., Гусейнов С., Цой Е. ва Речель Б. (2014 й.) "Ўзбекистон: Соғлиқни сақлаш тизимининг шархи . Соғлиқни сақлаш тизими: ўзгаришлар даври", 16(5):1-137, Готсадзе (2016 й.) "Ўзбекистондаги тиббий патронаж тизимининг нотенгликлар таҳлили билан баҳоланиши". CURATIO International Foundation ва ЮНИСЕФ (2017 й.) "Ўзбекистоннинг алоҳида вилоятларида перинатал ёрдам хизматларини учта турли даражада ҳисоблаш" Оксфорд бошқарув сиёсати. Оксфорд.

3 ЮНИСЕФ (2017 й.) "Ўзбекистоннинг алоҳида вилоятларида перинатал ёрдам хизматларини учта турли даражада ҳисоблаш" Оксфорд бошқарув сиёсати. Оксфорд.

4 Ахмедов М., Азимов Р., Муталова З., Гусейнов С., Цой Е. ва Речель Б. (2014 й.) "Ўзбекистон: Соғлиқни сақлаш тизимининг шархи . Соғлиқни сақлаш тизими: ўзгаришлар даври", 16(5):1-137

5 Ахмедов М., Азимов Р., Муталова З., Гусейнов С., Цой Е. ва Речель Б. (2014 й.) "Ўзбекистон: Соғлиқни сақлаш тизимининг шархи . Соғлиқни сақлаш тизими: ўзгаришлар даври", 16(5):1-137

6 Бола парвариши учун соилиқлардан молиялаштирилдиган нафақа ЯИМнинг 0,29%ни ташкил қиласиди; оилавий нафақа – ЯИМнинг 0,14%; ногиронлиги бор болалар учун нафақа – ЯИМнинг 021%; бола туғилиши муносабати бериладиган бир марталик нафақа – ЯИМнинг 0,08%ни ташкил қиласиди; Таққослаш учун: ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан бериладиган ёши бўйича пенсиялар ЯИМнинг 6,94%ни ташкил қиласиди. Манба ЮНИСЕФ (2019 й.) "Ўзбекистондаги болалар ва ёшлар манбаатларига мос бўлган ижтимоий ҳимоя тизимини қуриш" Тошкент.

7 БМТ ТД (2019 й.). "Инсоният ривожланиши ҳақидаги ҳисоботлар: Гендер нотенглик индекси" Онлайн ресурс. Манбадан қуидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <http://www.hdr.undp.org/en/composite/GII> (2019 й. 8 октябрь ҳолати бўйича)

8 Юқори кўрсаткичлар нотенглик даражаси ҳам юқори эканини кўрсатади. 0 дан 100% гача бўлган шкала бўйича.

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БОЛАЛАР ВАЗИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

## 2019/2020

*Кучли томонлар: Қонунчиллик камситмаслик, гендер тенглиги ва зарарли маданий анъаналарга қарши қурашишга ижтимоий содиқликни акс эттиради*

аёллар ва эркаклар ўртасида камситмаслик ва тенглик тамойиллари акс эттирилган. Бироқ, қонун ва анъаналар ўртасида муҳим фарқланишлар мавжуд бўлиб<sup>1</sup>, улар патриархал ва анъанавий гендер меъёрларни қўллаб-қувватлайди<sup>2</sup>. Ушбу ижтимоий меъёрлар аёллар ва эркаклар учун оила ва жамиятда тутадиган ўринларини аниқлаб берувчи стереотипларга таъсир қиласди ва ёзилмаган “гендер контрактлар”ни белгилаб беради<sup>3</sup>. Бу меъёрлар аёлларга ва уларнинг жамиятда тутган ўринларига жиддий таъсир кўрсатади: масалан, хусусий мулкка эгалик қилиш борасида ва меҳнат бозорида аёллар ва эркакларнинг мавқелари турлича. Хусусан, раҳбар лавозимларда аёлларнинг камлиги ва аёлларнинг бандлиги асосан ижтимоий секторда, иш куни тўлиқ бўлмаган, расмий ва

норасмий секторларда мавсумий ва кам ҳақ тўланадиган ёки малака талаб қилмайдиган ишларда кузатилади<sup>4</sup>. Шу билан бирга, аёлларнинг жамиятдаги ҳуқуқлари ва имкониятлари кенгайиши ва болалар учун натижалар, шу жумладан уларнинг омон қолиб яшаб кетиши, ривожланиши, таълим олиши, болаларнинг ҳимояси ва болаларнинг иштирок этиш ҳуқуқлари ўртасидаги узвий боғлиқлик мавжуд<sup>5</sup>. Ўзбекистонда қиз болаларнинг таълим олиш, айниқса, олий маълумотли бўлиш имкониятлари, уларнинг иш билан таъминланганлиги<sup>6</sup>, “бандлик, таълим ва ўқув билан қамраб олинмаган (қисқарт. – NEET)” ёшларнинг кўрсаткичи, аёлларнинг никоҳ ёши ва кам таъминланганлик даражаси ҳам аёллар хулқ-атвори ва ижтимоий ролига тааллуқли гендер меъёрларига боғлиқ<sup>7</sup>. Оналар маълум

1 Брюк Т., Эсеналиев, Д., Крегер, А., Кудебаева, А., Миркасимов, Б., Штейнер, С. (2014 й.). “Марказий Осиёдаги фаровонлик ва хулқ-атвор моделини тадқиқот қилиш учун уй хўжаликлари бўйича ўтказилган текширувлардан олинган маълумотлар”. Қиёсий иқтисодиёт журнали. 42-жилд, 3-нашр, 819-83-бетлар Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0147596713000164> (2019 й. 1 октябрь ҳолати бўйича)

2 Брюк Т., Эсеналиев, Д., Крегер, А., Кудебаева, А., Миркасимов, Б., Штейнер, С. (2014 й.). “Марказий Осиёдаги фаровонлик ва хулқ-атвор моделини тадқиқот қилиш учун уй хўжаликлари бўйича ўтказилган текширувлардан олинган маълумотлар”. Қиёсий иқтисодиёт журнали. 42-жилд, 3-нашр, 819-83-бетлар Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0147596713000164> (2019 й. 1 октябрь ҳолати бўйича)

3 Осиё тараққиёт банки (2018 й.) Ўзбекистон: Мамлакат бўйича янгиланган гендер баҳолаш. Манила.

4 Осиё тараққиёт банки (2018 й.) Ўзбекистон: Мамлакат бўйича янгиланган гендер баҳолаш. Манила.

5 Гейтс М. (2019 й.) Кўтарилиш вақти: Аёллар ҳуқуқлари ва имкониятларининг кентайиши қай тарзда дунёни ўзгартиради. Лондон.

6 Осиё тараққиёт банки (2018 й.) Ўзбекистон: Мамлакат бўйича янгиланган гендер баҳолаш. Манила.

7 Олий таълим муассаларининг 2/3 қисми йирик шаҳраларда жойлашган, бу қишлоқ жойлардаги оиласлар олий таълим муассаларида асосан ўғил болаларни ўқитишни афзал кўришини Англияни мумкин. Манба: Осиё тараққиёт банки (2018 й.) Ўзбекистон: Мамлакат бўйича янгиланган гендер баҳолаш. Манила”, ва Низамединходжаева Н., Бок Б., Моллинга П. (2017 й.). “Гендер масалалари, миграция ва ўзгаришлар даврида Ўзбекистон қишлоқ худудларидағи ҳаёт”. Гендер ва қишлоқ глобализациясида: Гендер масалалари ва қишлоқ худудларини ривожлантириш халқаро истиқболлар. Каби. Кройдон.

мотининг даражаси ҳам фарзандларининг таълим олишига таъсир кўрсатади<sup>1</sup>. Гендер муносабатларга хос стереотиплар ҳам аёлнинг эркакка боғлиқлигини қучайтиришга қўмаклашиб, ижтимоий таъминланганлик ва болалар орасида камбагаллик даражасига, айниқса, ота-она ажрашаётганида катта роль ўйнайди. Шу билан бирга, патриархал нормалар оиланинг иерархия тузилмасини белгилаб беради. Бу онанинг саломатлиги, овқатлашидаги одатларига тааллуқли хулқ-авторига таъсир қиласида болаларнинг оилавий қарорларни қабул қилишдаги иштирокига, айниқса, анъанавий ва қишлоқ жойлардаги уйхўжаликларида тўсқинлик қиласи<sup>2</sup>.

**Маданият ва анъаналар:** Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, жамиятда зўравонликнинг қабул қилиниши болаларга нисбатан зўравонликнинг маълум турлари, масалан, жисмоний жазо бериш каби тури тарқалишига олиб келар экан. Болаларга нисбатан зўравонлик

аксарият ҳолларда оиланинг ички иши сифатида кўрилади, шунинг учун бу вазиятларда ташқаридан бўладиган аралашув эҳтимоли жуда кичик<sup>3</sup>. Шунингдек, анъаналар чақалоқ, боқиш ва парваришилаш, овқатланиш амалиётига ва мактабгача таълим хизматларига бўлган эҳтиёжга таъсир кўрсатади. Бир уй хўжалиги ҳудудида бир нечта авлод вакиллари яшashi анъанавий ҳисобланган<sup>4</sup> ва мактабгача таълим хизматларидан фойдаланиш имконияти, хизматлар сифати ва нархи номақбул бўлган жамиятда кўпгина оилалар мактабгача таълим ўрнига болаларни оилавий муҳитда тарбиялашни афзал деб билишади<sup>5</sup>.

**Стигмага олиб келувчи эътиқодлар ва дискриминация:** Халқаро тажрибадан маълумки, стигматизация, яъни ким қўллаб-қувватлашга “лойиқ”, ким эса “нолойиқ” эканини аниқлаш камситишига олиб келар экан, масалан ижтимоий ҳимоя тизимида<sup>6,7</sup>. Бу ҳолат болалар манфаатида қабул қилинаётган

1 ЮНИСЕФ (2019 й.) “Ўзбекистонда бошланғич синфлардаги таълим: натижалар, муаммолар ва имкониятлар: Ўзбекистон ўқувчиларининг ўқишидаги ютуқлари бўйича миллӣ тадқиқотнинг қисқача баёни”, IV синф”, 2018 й., Тошкент.

2 Қаранг: Низамединходжаева Н., Бок Б., Моллинга П. (2017 й.). “Гендер масалалари, миграция ва ўзгаришлар даврида Ўзбекистон қишлоқ ҳудудларидаги ҳаёт”. Гендер масалалари ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш халқаро истиқболлар. Каби. Кройдон ва Янс М. (2004 й.). “Болалар фуқаролар сифатида: Болалар иштирокини замонавий тушуниш йўлида”. Childhood A Journal of global child research 11-жилд, 1-нашр.

3 Саммон, Е. М. (2017 й.). «Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизими: ҳозир ва келажакда». ЮНИСЕФ. Тошкент

4 ЮНИСЕФ (2016 й.) “Ўзбекистондаги болалар ва аёллар аҳволининг ситуацион таҳлили”. Тошкент

5 Ўзбекистон ҳукумати (2018 й.) “Ўзбекистондаги таълим секторини 2019-2023 йилларда ривожлантириш режасии”. Тошкент.

6 Қаранг: Хуска, Б. (2007). “Сербияда марказлашмаган тизимга ўтиш: озчиликлар масалалари”, Европа сиёсий тадқиқотлари марказининг аҳборот бюллетени, 137-сон [онлайн ресурс]. Манбадан қўйидаги ҳавола орқали фойдаланиш мумкин: <http://www.ceps.eu/book/decentralisation-serbia-minority-dimension> (2019 й. 2 сентябрь ҳолати бўйича)

7 Қаранг: Барриентос А. ва Пеллиссери С. (2013 й.). “Самарали ижтимоий ёрдам кўрсатиш: сиёsat аҳамиятга эгами?”. ESID ишчи ҳужжати, 09-сон [онлайн]. Манбадан қўйидаги ҳавола орқали фойдаланиш мумкин: [http://r4d.dfid.gov.uk/PDF/Outputs/ESID/esid\\_wp09\\_Barrientos-Pellissery.pdf](http://r4d.dfid.gov.uk/PDF/Outputs/ESID/esid_wp09_Barrientos-Pellissery.pdf) (2019 й. 6 сентябрь ҳолати бўйича); шунингдек, Морено, Л. (2007 й.). “Ижтимоий таъминотнинг европалаштирилиши, ҳудудий субсидиарлиги ва ислоҳот қилиниши” Минтақавий ва федерал тадқиқотлар. 17-жилд, 4-сон, 487-497

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БОЛАЛАР ВАЗИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

## 2019/2020

**Муаммолар:** Қонунчилик ҳамда ижтимоий нормалар ва анъналар ўртасидаги узилишилар; оиласдаги патриархал ва иерархия тузилмалар, гендер нормалари, стигма ва бошқа дискриминацион нормалар болалар ҳуқуқлари амалга ошишига тўсқинлик қиласди.

қарорларга, тизимлар ва хизматлар фойдаланиш имкониятига, мутахассиснинг касбий кўнилмалари ва хулқ-автори ҳамда оиласвий муносабатларга таъсир кўрсатади. Айнан шу ҳолат барча соҳаларда болалар учун натижаларни яхшилаш учун энг жиддий таркибий тўсиқ ҳисобланиб, болалар ҳуқуқларини амалга оширишнинг ривожланишига бир неча авлод давомида халақит бериши мумкин. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, имкониятлари чекланган болаларнинг стигматизацияси уларни жамиятдаги ижтимоий интеграциясига жиддий тўсқинлик қилас экан<sup>1</sup>. Камбағаллик хақидаги стереотип ижтимоий ёрдам қарамлика олиб келади, деган эътиқод шаклланган. Стигматизация ҳам оиласдаги ва гендер зўравонлик қурбонларининг хулқ-авторига таъсир қиласди – улар аксарият ҳолларда содир этилган ҳуқуқбу-

зарлик ҳақида хабар беришни хоҳламайди ёки хавфсирайдилар<sup>2</sup>. Яқин жинсий шерикнинг/турмуш ўртоғи аёлга нисбатан зўравонлиги ва ушбу зўравонликнинг болалар учун салбий оқибатлари ўртасида узвий боғлиқлик борлиги сабабли<sup>3</sup>, стигма ҳам болалар ҳуқуқлари амалга оширилишига тўсқинлик қиласди. Аёлга нисбатан яқин шерик/турмуш ўртоғи томонидан зўравонлик ишлатилиши кўпчилик жамиятларда зўравонликнинг энг кўп тарқалган шакли ҳисоблансада<sup>4</sup>, Ўзбекистонда қайд этилган ушбу ҳолатлар сони камлигича қолмоқда<sup>5</sup>. Лекин, бугунги кунда бу каби воқеалар ҳақида хабар бериш сони кўпайганини ҳам таъкидлаш зарур.

**Этник жиҳатлар:** Гарчи, этник жиҳатларнинг Ўзбекистондаги болалар фаровонлигига таъсири бўйича батафсил тадқиқотлар ўт-

1 ЮНИСЕФ (2018 й.). "Таҳлилий хисобот: Ўзбекистондаги инклюзив таълим билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари ва сиёsat шархи". Тошкент ва БМТ (2019 й.) "Ўзбекистондаги ногиронлиги бор болалар ва катталар билан боғлиқ вазиятнинг таҳлили". Тошкент

2 БМТ ҚОҚБ (2016 й.), "Жинсий ва гендер зўравонлик олдини олиш ва муносабат билдириш". Трейнинг материаллари. Манбадан қўйидағи ҳавола орқали фойдаланиш мумкин: <https://www.unhcr.org/583577ed4.pdf>

3 ЖССТ ва Панамерика соғлиқни сақлаш ташкилоти (2012 й.). Аёлларга нисбатан зўравонлик муаммосини тушуниш ва ечимини топиш: Энг яқин шерик томонидан содир этилган зўравонлик. Онлайн ресурс. Манбадан қўйидағи ҳавола орқали фойдаланиш мумкин: <https://www.who.int/reproductivehealth/publications/violence/en/> (2019 й. 8 октябрь ҳолати бўйича)

4 ЖССТ ва Панамерика соғлиқни сақлаш ташкилоти (2012 й.). Аёлларга нисбатан зўравонлик муаммосини тушуниш ва ечимини топиш: Энг яқин шерик томонидан содир этилган зўравонлик. Онлайн ресурс. Манбадан қўйидағи ҳавола орқали фойдаланиш мумкин: <https://www.who.int/reproductivehealth/publications/violence/en/> (2019 й. 8 октябрь ҳолати бўйича)

5 Қаранг: Яқин одами ва яқин одами бўлмаган шахслар томонидан аёлларга нисбатан содир этилган зўравонликлар ҳақидаги маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Манбадан қўйидағи ҳавола орқали фойдаланиш мумкин: <https://gender.stat.uz/ru/index.php?Itemid=947&lang=ru-RU>

казилмаган бўлсада, болаларнинг мактабда яхши ўқишининг асосий омилларидан бири сифатида ўқитиш тили деб топилган<sup>1</sup>. Хусусан, болалар ҳар қандай ўқув дастурини ўз она тилларида яхши ўзлаштириши аниқ, демак, тил ва этник мансублик каби омиллар Ўзбекистондаги болалар имкониятлари ва заифликларига қай тарзда таъсир қилишини яхшироқ тушуниш учун янада қўпроқ маълумотлар талаб қилинади.

### Техник таркибий сабаблар

**Самарали бошқарув:** Самарали давлат бошқаруви болалар ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган давлат сиёсатини юритиш учун зарурый шарт ҳисобланади. 1980-йиллар-

дан бошлаб давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотлар ўз ичига давлат органлари фоалияти самараси ва сифатини ҳамда уларнинг фуқаролар олдидаги ҳисобдорлигини оширишни олади<sup>2,3</sup>. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин давлат бошқарувининг марказлашган тизимини сақланиб қолмоқда<sup>4</sup>. Ҳанузгача кўплаб турли хил давлат бошқаруви органларининг турлари сақланиб қолган Ўзбекистон учун хусусийлаштириш, давлат органлари функцияларини аниқлаштириш ва қайтарилишини камайтириш йўли билан давлат секторини қисқартириш бўйича глобал тенденцияга қўшилиш вазифасини ҳал қилиш лозим<sup>5</sup>. Бу давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик ишларини мураккаблаштиради

**Кучли томонлар:** Миллий, минтақавий ва маҳаллий даражадаги давлат бошқаруви; 2013 йилдан бошланган электрон ҳукуматдаги ислоҳотлар ва давлат-хусусий шерикчилик тажрибасининг бошланиши ҳукуматнинг давлат сиёсатини амалга оширишдаги техник ва бошқарув салоҳияти ортишига хизмат қиласди.

1 ЮНИСЕФ (2019 й.) “Ўзбекистонда бошлангич синфлардаги таълим: натижалар, муаммолар ва имкониятлар: Ўзбекистон ўқувчиларининг ўқишидаги ютуқлари бўйича миллӣ тадқиқотнинг қисқача баёни”, IV синф”, 2018 й., Тошкент.

2 ОЭСР га кўра, электрон ҳукумат тушунчаси ҳукумат АҚТдан, айниқса, Интернетдан давлат хизматлар яхшилаш васитаси сифатида фойдаланишини англатади.

3 Флинн, Н. (2002 й.) “Бошқарув ва жамоат хизматлари: айрим ҳалқаро тенденциялар”, Хоуп Ст., К.Р. (2001 й.) “Янги давлат бошқаруви: контекст ва Африкадаги амалиёт”, Оммавий бошқарув ҳалқаро журнали, 4-сон, 2-сон, 119-134-бетлар.

4 Кондрей С.Е., Гончаров Д. ва Либерт С. “Собиқ Совет Иттифоқи мамлакатлари, Марказий ва Шарқий Европа ва Мўғулистанда давлат бошқаруви” Бока-Ратон: СРС Пресс Тайлор&Франсис Груп.

5 Масалан: Ижтимоий ҳимоя тизимига жалб қилинган кўп сонли давлат бошқаруви органларининг шархт . Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://www.stat.uz/en/press-center/news-of-uzbekistan/7823-aholini-ijtimoiy-muhofaza-qilish-sohasida-yangi-tizim-joriy-etaladi-3>

ва давлат сиёсатини амалга оширишдаги самарасизликка олиб келади<sup>1,2</sup>. Гарчи, де-централизация хизматлар кўрсатилишидаги самарадорликни тўлиқ таъминламасада, марказлашган ва марказлашмаган функциялар ўртасидаги оқилона мувозанат, юқори малакали инсон ресурслари ва бюджет билан етарлича таъминланганлик каби омиллар белгиланган натижаларга етишиш учун зарур ҳисобланади. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот ва болаларни ҳимоя қилиш секторлари марказлашган ҳолда режалаштириладиган хизматларни тақдим этади, шундай режалаштирилган хизматлар эса, ўз навбатида, ижтимоий хизматлар тизиминг маҳаллий шароитлар ва эҳтиёжларга мослашиш имкониятлари камайишига сабаб бўлади. Гарчи, ўзини-ўзи бошқариш тизими (маҳалла) қонунчиликка мувофиқ ташкил қилиниб, 1993 йилдан бери фаолият кўрстаётган бўлсада, маҳаллий жамоатлар эҳтиёжларини қондиришга ва ижтимоий жиҳатдан заиф оиласада, болаларга касбий хизматларни кўрсатиш учун ушбу тизимдаги молиявий, ташки-

лий ва касбий имкониятлар чекланган<sup>3,4</sup>.

**Менежмент ва ўрганишни рағбатлантирувчи бошқарув маданияти.** Ташкилотларнинг самарадорлиги ва салоҳияти уларнинг ўзларида ўрганишни рағбатлантирувчи бошқарув маданиятини шакллантириши ва ташкил қилишига боғлиқ. Бунда ташкилотдаги ушбу бошқарув маданиятни ташкил топиши мусасадаги мавжуд маълумотлар базасига, таҳлилий кўникмаларга ҳамда ютуқлар ва камчиликларни очиқ муҳокама қилиш билан боғлиқдир<sup>5</sup>. Ўзбекистоннинг барча секторларида маълумотларга асосланган режалаштириш тизимини маълумотларни йиғиш, шу жумладан асосий бўлинишлар бўйича дизаггрегация жараёнини мустаҳкамлаш ва маълумотлар таҳлили учун техник салоҳиятни кучайтириш йўли билан ривожлантириш талаб этилади<sup>6</sup>. Бу, ютуқлар ва камчиликларни очиқ муҳокама қилиш йўли ва Ўзбекистонда янада ривожлантирилиши лозим бўлган ўрганишни рағбатлантирувчи бошқарув маданияти<sup>7</sup> билан биргаликда ташкилотларда, шу жум-

1 Б. Эргашев (2014 й.). “Ўзбекистонда давлат бошқарувининг ислоҳот қилиниши”. Иқтисодий ўтиш даври муаммолари. Манбадан қўйи-даги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://doi.org/10.2753/PET1061-1991481202> (2019 й. 3 октябрь ҳолати бўйича)

2 Масалан: Ижтимоий ҳимоя тизимига жалб қилинган кўп сонли давлат бошқаруви органларининг шархи . Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://www.stat.uz/en/press-center/news-of-uzbekistan/7823-aholini-ijtimoiy-muhofaza-qilish-sohasida-yangi-tizim-joriy-etiladi-3>

3 Саммон, Е. М. (2017 й.). «Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизими: ҳозир ва келажақда». ЮНИСЕФ. Тошкент

4 ЮНИСЕФ (2016 й.) “Ўзбекистондаги болалар ва аёллар аҳволининг вазият таҳлили”. Тошкент

5 Дибелла, А. Дж.. (2003 й.) “Ташкилот ўқитиш портфеллари сифатида”, Истерби-Смит, М. ива Лайлс, М. (тахр.) (2003 й.). Блэквелл. Ташкилий ўқитиш ва билимларни бошқариш бўйича қўлланма, Оксфорд: Блэквелл. 145-160-бетлар.

6 БМТ (2013 й.) Олтмиш учинчи сессиясида (2013 йил 27 май – 14 июнь) Қўмита томонидан қабул қилинган “Ўзбекистоннинг учинчи ва тўртнинчى бирлаштирилган ҳисоботи бўйича якуний хуросалар”. Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита. Женева.

7 Форрест Дж. (1995 й.) “Шаттл Челенджер: қарорларни қабул қилишни қўллаб-қувватлаш ва инсон омилларини бошқариш тизимидағи носозлик”

ладан таълим<sup>1</sup>, соғлиқни сақлаш<sup>2</sup>, ижтимоий ҳимоя<sup>3</sup> тизимлари ва оила ҳамда болаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиладиган бошқа секторларда рўй берадиган ижобий узгаришларга олиб келади. Таълим секторида таълим сифатини ўлчаш тизинимининг йўқлиги, мониторингнинг ва стратегик режалаштириш амалиётида булган камчиликлар ушбу сектор ривожланишига тўсқинлик қилиши аниқланган<sup>4</sup>. Соғлиқни сақлаш секторида шифокорлар ва ҳамширалар, айрим холларда бепарволиги ёки малакаси етарли булмагани учун эмас, балки тизимли чекловлар билан боғлиқ хатоларга йўқ қўйғанлиги учун жавобгарликка тортилиши ёки ишдан бўшатилиши мумкин. Бу судга тортилишидан хавфсираш сабабли ҳисбот тизимидағи хатоларга, ишончсиз маълумотлар базаси шаклланишига ва хатолардан сабоқ олиш мумкин бўлмаган маданиятга олиб келади<sup>5</sup>.

**Давлат сиёсатини амалга оширишдаги шерикчилик:** Давлат Ўзбекистонда болаларга хизматларни тақдим этишда асосий етказиб

берувчи ва бундан манфаатдор томон ҳисобланади. Бу айрим соҳаларда фойдаланиш имкониятининг оширилишига, хизматлар сифати ва инновацияси яхшиланишига таркибий тўсиқ бўлиб хизмат қилиши мумкин. Болаларни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро тажриба шуни кўрсатяпти, ривожланган НHT сектори аксарият ҳолларда инновациялар ва маҳаллий миқёсда хизмат кўрсатишнинг янги моделларига ўз ҳиссасини қўшади<sup>6</sup>. Ўзбекистонда ҳанузгача халқаро НHT сони кўп эмас, бу энг яхши халқаро амалиётлар ва стандартларга асосланган янги хизматларни таклиф қилувчилар сони ҳам чекланганлигини англатади<sup>7</sup>. Таълим соҳасидаги мактабгача таълим секторида қамровни кенгайтиришга қаратилган давлат-хусусий шерикчилик ғоясининг ривожланиши кузатилмоқда<sup>8</sup>. 2018 йилдан бошлаб Тошкент, Нукус ва барча вилоят марказларида мактабгача таълим тизимида давлат-хусусий шерикчилик модели синовдан ўтказилмоқда. Лекин, Ўзбекистон ҳукумати асосий таълим хизматларини тақдим этиш бўйича

1 Жаҳон банки (2018 й.) “Ўзбекистондаги таълим секторининг таҳлили бўйича якуний ҳисбот”.

2 Масалан, қаранг: Готсадзе (2017 й.). “Туман даражасидаги соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш бўйича якуний ҳисбот ва Ўзбекистондаги тиббий патронаж тизимини ислоҳ қилиш истиқболлари”.

3 Масалан, қаранг: Ижтимоий ҳимоя тизими олдида турган кескинликлар. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://www.stat.uz/en/press-center/news-of-uzbekistan/7823-aholini-ijtimoiy-muhofaza-qilish-sohasida-yangi-tizim-joriy-etiladi-3>

4 Жаҳон банки (2018 й.) “Ўзбекистондаги таълим секторининг таҳлили бўйича якуний ҳисбот”.

5 Масалан: Готсадзе (2017 й.). “Туман даражасидаги соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш бўйича якуний ҳисбот ва Ўзбекистондаги тиббий патронаж тизимини ислоҳ қилиш истиқболлари”.

6 Фергусон, X. (2004 й.) “Болаларни ҳимоя қилиш: болаларга нисбатан ножоиз муомалада бўлиш, болалар ҳимояси ва замонавийликнинг асоратлари” «Бейзингсток, Палгрейв Макмиллан.

7 ICNL (2019 й.). “Фуқаролик эркинликлари монитори: Ўзбекистон” Халқаро нотижорат ҳукуқ маркази. Онлайн ресурс. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <http://www.icnl.org/research/monitor/uzbekistan.html> (2019 й. 3 октябрь ҳолати бўйича).

8 ЮНИСЕФ (2018 й.). “Мактабгача таълимдаги давлат-хусусий шерикчилик: халқаро тажриба ва Ўзбекистон учун сабоқлар:муҳокама учун ҳужжат” Тошкент

**Муаммолар:** Айрим ҳолларда функциялари тақрорланувчи кўпгина тузилмалари бўлган кенг қамровли давлат секторининг мавжудлиги; давлат секторида маълумотларга асосланган режалаштиришни ва ўрганишини рағбатлантирувчи бошқарув маданияти ривожлантириши зарурати мавжуд; маҳаллий даражада кадрлар ва бюджет салоҳиятининг етишмаслиги; хизматларни тақдим этиши тизимидағи диверсификация ва демонополизациянинг чекланганлиги.

аутосорсинг ҳақидаги масалани кўриб чиқиши учун хусусий сектор салоҳияти етарлича бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари, таълим секторига давлат-хусусий шерикчиликни самарали жорий этишга кўмаклашиш учун мавжуд тартибга солувчи ва маъмурий тизимларни мустаҳкамлаш зарур<sup>1</sup>. Соғлиқни сақлаш секторида, агар тиббиёт ходимлари ва тиббиёт муассасалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги лицензиясига эга бўлиб, хусусий компаниялар ёки ННТ учун белгиланган талабларга жавоб берса, хусусий етказиб берувчилар томонидан тиббий хизматлар тақдим этилишига чекловлар йўқ. Шундай бўлса-да, хусусий тиббий суфурта етказиб берувчилар сони куп эмас, бу эса соғлиқни сақлашнинг хусусий тизими ривожланишига тўсқинлик қиласи<sup>2</sup>. Аввалги бўлимда кўриб чиқилган ижтимоий меъёрлар, стигма ва

дискриминация Ўзбекистондаги болалар учун натижаларга таъсир кўрсатувчи муҳим омиллар ҳисобланади. Кўпчилик бошқа мамлакатларда диний сектор болалар фаровонлигига салбий таъсир кўрсатувчи хулқ-атворнинг ўзгаришида муҳим иттифоқчи бўлиб хизмат қиласи. Ўзбекистонда фуқаролар учун яхши натижаларга эришишда диний сектор ва давлат ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бориши белгиларикузатилмоқда. Бу келажақда янада яқинроқ ҳамкорлик қилиш учун имкониятларни кенгайтиради<sup>3</sup>.

**Электрон ҳукумат:** Электрон ҳукумат давлат секторида АҚТдан янада кенгроқ фойдаланишини кўзда тутади, сабаби, давлат секторини қайта кўриб чиқиш ва ривожлантириш учун айнан АҚТнинг салоҳияти улкан экани бутун дунёда тан

1 ЮНИСЕФ (2018 й.). "Мактабгача таълимдаги давлат-хусусий шерикчилик: халқаро тажриба ва Ўзбекистон учун сабоқлар:муҳокама учун ҳужжат" Тошкент

2 Ахмедов М., Азимов Р., Муталова З., Гусейнов С., Цой Е. ва Речель Б. (2014 й.) "Ўзбекистон: Соғлиқни сақлаш тизимининг шархи . Соғлиқни сақлаш тизими: ўзгаришлар даври", 16(5):1-137

3 Дюрсо, Ж. (2018 й.). "Ўзбекистондаги дерадикализация: Барчаси иқтисодиётга боғлиқ" The Diplomat. Онлайн ресурс. Манбадан қуийдаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://thediplomat.com/2018/02/deradicalization-in-uzbekistan-its-about-the-economy/> (2019 й. 9 октябрь ҳолати бўйича)

олинган<sup>1</sup>. Ўзбекистонда 2013 йилдан бошлаб электрон ҳукуматнинг комплекс ислоҳоти ўтказилмоқда. 2018 йилнинг июнь ойида электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун кучга кирди ва БМТ электрон ҳукуматининг рейтинги бўйича Ўзбекистон 2004 йилда 174-ўринни эгаллаган бўлса, 2018 йилда 81-ўринга эга бўлди. Шундай қилиб, электрон ҳукумат Ўзбекистон учун давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилашга, уларнинг шаффоғлигини ва фуқаролар олдидаги ҳисобдорлигини оширишга кўмаклашади. Соғлиқни сақлаш секторида электрон ҳукуматни жорий этиш бўйича ислоҳотлар бошланган. Масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-сайти мижозлар таклифлари ва аризаларини электрон шаклда қабул қилмоқда, туғилиш ва ўлимларни қофозда қайд этиш тизими автоматлаштирилган тизимлар билан алмаштирилалапти ва Соғлиқни сақлашнинг интеграциялашган миллий ахборот тизими (ССИМАТ) жорий этиш учун концепция ишлаб чиқилган<sup>2</sup>. Таълим соҳасида ҳам электрон ҳукуматни татбиқ этиш бўйича

ислоҳотлар бошланган ва бир қатор қуийи секторларда бошқарувнинг ахборот тизимларини (БАТ) жорий этиш бўйича синов лойиҳаларини амалга ошириш жараёни олиб борилмоқда. Ижтимоий ҳимоя ва бандлик соҳасида – электрон ҳукуматни ислоҳ қилиш ишлари яқинда бошланди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бандлик соҳасида дастурлар ва хизматлар бўйича он-лайн режимида иш қидираётганлар учун ягона дарча хизматини кенгайтирди, бироқ меҳнат бозорининг ахборот тизими (МБАТ) ҳозирча ишлаб чиқилмаган<sup>3</sup>. Бу ва бошқа секторларда Ўзбекистон электрон ҳукуматни самарали жорий этиш учун маъмурий салоҳиятнинг мавжудлиги билан боғлиқ бир қатор муаммоларга дуч келмоқда<sup>4,5</sup>. Кўпгина техник масалалар ўз ечимини топиши керак, асосий ускуналар билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал қилиниши лозим, бироқ, таъкидлаш керакки, электрон ҳукумат маълумотларни еғиш тартиби, уларнинг сифати ва мавжуд ахборотни таҳлил қилиш билан боғлиқ муаммоларни автоматик равишда ҳал қилмайди<sup>6</sup>.

1 Масалан: Хикс Р. (2002 й.) "Ахборот асрода ҳукумат ихтиро қилиш, 1-боб", Лондон, Рутледж.

2 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги. Онлайн ресурс. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <https://minzdrav.uz/en/documentation/detail.php?ID=54773> (2019 й. 9 октябрь ҳолати бўйича)

3 Жаҳон банки (2019 й.). "Ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш: лойиҳа бўйича ахборот ҳужжати" Онлайн ресурс. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <http://documents.worldbank.org/curated/en/554521556969289734/pdf/Project-Information-Document-Uzbekistan-Strengthening-the-Social-Protection-System-Project-P166447.pdf> (2019 й. 9 октябрь ҳолати бўйича).

4 Шин С.К., Раҳматуллаев З. (2019 й.) "Ўзбекистонда давлат хизматларини тақдим этиш тизимининг рақамли трансформацияси". Илфор алоқа технологиялари бўйича халқаро конференция (ICACT). Таошкент.

5 БМТ (2018 й.) "Электрон ҳукумат шархи -2018" Нью-Йорк.

6 Хикс Р. (2006 г.). "Электрон ҳукуматни жорий этиш ва бошқариш: халқаро матн". Лондон, Sage. 3-11-бетлар.

# 6



# ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММО ВА ИМКОНИЯТЛАР

# ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММО ВА ИМКОНИЯТЛАР

“Тугалланмаган кун тартибига” ва болаларнинг омон қолиши, таълим олиш, ривожланиш, ижтимоий таъминот, ҳимоя ва иштирок этишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича мавжуд масалаларга қўшимча қилиб, болалар учун натижаларда тенгсизликларни баратарф қилиш ва ушбу ҳисобот учун тайёрланган маълумотлар, шунингдек ушбу вазият таҳлилини тайёрлаш жараёнида ўтказилган маслаҳатлашувлар асосида алоҳида кузатув ва яқин йилларда эътибор қаратилиши лозим бўлган айrim янги ҳал этилиши зарур булган масалалар аниқланди.

## Демографик вазият

Ўзбекистонда болаларга инвестициялар қилиш ва демографик дивиденддан фойдаланиш имкониятини тақдим этадиган ноёб демографик вазият вужудга келган<sup>1</sup>. Ушбу имкониятдан фойдаланиш учун Ўзбекистон болалар учун натижаларни яхшилаш мақсадида юқори сифатли хизматларни тақдим этган

ҳолда, эртанги куннинг инсон капиталига инвестиция киритиши лозим. Таълим – болалар ва ёшларнинг бугунги авлодини келажак учун тайёрлашга ёрдам берадиган асосий соҳалардан бири. Соқлиқни сақлаш хизматлари сифатини яхшилаш инсон капиталини ривожлантиришнинг яна бир муҳир вазифаси ҳисобланади. Болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – болалар ўз салоҳиятларини тўлиқ амалга ошириш учун барча имкониятларни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бундан ташқари, бугунги кунда юзага келган демографик вазият ёшлар учун иш жойларини яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда технологиялардан фойдаланиш мақсадида инвестицияларни киритиш учун бугунги кунда ноёб имкониятлар ойнасини вужудга келтирган. Бироқ, юзага келган демографик вазият жиддий ислоҳотлар, масалан, таълим секторида бошланган ислоҳотлар юқори демографик босим шароитида рўй бераётганини англатади<sup>2</sup>. Ушбу муаммони ислоҳотлар ва инноваци-

1 ЮНИСЕФ (2018 й.) “Авлод 2030, Ўзбекистон: Демографик дивиденд олиш учун болалар ва ёшларга инвестиция ажратиш даври”.

2 ЮНИСЕФ (2018 й.) “Авлод 2030, Ўзбекистон: Демографик дивиденд олиш учун болалар ва ёшларга инвестиция ажратиш даври”.

он хизматларни жорий этиш жараёнида ҳал қилиш мураккаб вазифага айланишимумкин<sup>1</sup>.

### ОАВ, интернет ва ижтимоий тармоқлар

Ўзбекистондаги медиа ландшафт ўзгариб бормоқда. 2018 йил ноябрь оидан 2019 йилнинг март ойигача бўлган давр мобайнида бир нечта янги ОАВ расмий рўйхатдан ўтказилди. Умумий ҳисобда 57 янги медиа-ресурс ўз фаолиятини бошлаган<sup>2</sup>. Халқаро ОАВ сони ҳам ортган ва Интернатдан фойдаланиш имкониятлари кенгайган. “.uz” домени рўйхатга олинган 1995 йилдан бошлаб ушбу доменда ташкил қилинган сайтлар сони йил сайин кўпайиб келди. Турли мавзулар бўйича ахборот сайтлари яратилиши баробарида интернет-журналистика шаклланиб, қарор топди<sup>3</sup>. Интернетдан фойдаланиш суръатининг ўсиши ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланишнинг кенгайиши болалар учун янги имкониятлар ва муаъмолларни яратиши мумкин. Интернет ва ижтимоий тармоқлар янгиликлар ва

ахборотдан фойдаланиш учун муҳим каналларни тақдим этиб, ёшлар иштироки учун янги имкониятларни яратиб бериши мумкин. Бу, шунингдек, тенгдошлар ўртасидаги фаол мулоқот ва ўзаро қўллаб-қувватлаш учун имкониятларни тақдим этади<sup>4</sup>. Шу билан бирга, Интернатдан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши болалар учун янги хавфларни юзага келтиришини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. ЮНИСЕФ томонидан аҳолининг ОАВ га нисбатан муносабатини аниқлашга бағишлиланган тадқиқотда 2019 йил Ўзбекистон ёшлари, бутун дунёда бўлганидек, мавжуд тўсиқларга қарамасдан, ахборотдан фойдаланиш учун барча замонавий ресурс ва имкониятлардан фойдаланиши қайд этилган<sup>5</sup>. Яқин йилларда интернет тез суръатларда тарқалаётганига ҳамда болалар ва ёшларда ундан фойдаланиш имкониятлари кенгайганига алоҳида эътибор қаратиб, болалар фаровонлигини яхшилаш баробарида Интернетнинг болалар учун юзага келтирадиган хавфларини камайтиришга ҳаракат қилиш лозим<sup>6</sup>.

1 Ўзбекистон ҳукумати (2018 й.) Ўзбекистон ҳукумати (2018 й.) “Ўзбекистондаги таълим секторини 2019-2023 йилларда ривожлантириш режасии”. Тошкент.

2 ЮНИСЕФ (2019 й.). Ўзбекистон Республикасидаги аҳолиси орасида оммавий ахборот воситаларининг афзалликларини тушуниш учун ўтказилган сўров. Тошкент. Ҳисобот лойиҳаси.

3 ЮНИСЕФ (2019 й.). Ўзбекистон Республикасидаги аҳолиси орасида оммавий ахборот воситаларининг афзалликларинитушуниш учун ўтказилган сўров. Тошкент. Ҳисобот лойиҳаси.

4 Наслунд Дж., Ашбреннер К., Марш Л., Бартельс С. (2016 й.). “Психиатрик ёрдамнинг келажаги: ўзаро ёрдам ва ижтимоий тармоқлар” Эпидемиология ва психиатрия. 25, 113-122-бетлар. Онлайн ресурс. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: [https://www.cambridge.org/Core/services/aop-cambridge-core/content/view/DC0FB362B67DF2A48D42D487ED07C783/S2045796015001067a.pdf/future\\_of\\_mental\\_health\\_care\\_peertopeer\\_social\\_and\\_su](https://www.cambridge.org/core/services/aop-cambridge-core/content/view/DC0FB362B67DF2A48D42D487ED07C783/S2045796015001067a.pdf/future_of_mental_health_care_peertopeer_social_and_su) (2019 й. 10 октябрь ҳолати бўйича).

5 ЮНИСЕФ (2019 й.). Ўзбекистон Республикасидаги аҳолиси орасида оммавий ахборот воситаларининг афзалликларини тушуниш учун ўтказилган сўров. Тошкент. Ҳисобот лойиҳаси.

6 ЮНИСЕФ (2019 й.). Ўзбекистон Республикасидаги аҳолиси орасида оммавий ахборот воситаларининг афзалликларини тушуниш учун ўтказилган сўров. Тошкент. Ҳисобот лойиҳаси.

Саломатлик учун янги ва тобора  
кучайиб бораётган таҳдидлар

ОИВ-инфекциясининг ёшлар орасида ўсиб бораётган даражаси хавотирли тенденция бўлиб, пухта назорат ўрнатилиши ва келажакда жиддий аралашувни талаб қиласди<sup>1</sup>. Тадқиқотларга кўра, аҳолининг айрим гуруҳларида, айниқса, меҳнат мигрантларида ОИВ билан зарарланиш хавфи юқори экан<sup>2</sup>. Аҳолининг катта ва борган сари ортиб бораётган қисми, биринчи навбатда, ёшларнинг салмоқли улуши ўз ватанида имкониятлар йўқлиги сабабли иш излаб бошқа мамлакатларга кўчиб кетаётганини ҳисобга олиб туриб, уларнинг эҳтиёжлари ва бошқа хавф гуруҳлари учун мослаштирилган ахборот тақдим этиш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистонда сил касаллиги муаммоси кўтарилаётгани кузатилмоқда ва мамлакат ушбу касалликнинг дори-дармонларга нисбатан барқарорлиги мавжуд бўлган дунёning 30 да мамлакатлари қаторидан жой олган. Бу ҳолат Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти Ўзбекистонни силга қарши курашишда устуворликка эга бўлган 18 мамлакат рўйха-

тига киритиши учун асос бўлган<sup>3</sup>. Хусусан, бу хасталикнинг кўпгина дори-дармонларга нисбатан барқарорлиги Қорақалпоғистон Республикасида аниқланган. Келажакда болалар учун ўта хавфли бўлиши мумкин бўлган сил касаллиги жамоат соғлиқни сақлаш тизими учун асосий муаммо сифатида қайд этилган<sup>4</sup>. Бундан ташқари, аёллар ва болалар ўртасида ортиқча вазн ва семизликнинг кенг тарқалиши тез суръатларда ортиб бормоқда ва хавотирли даражага етган (45-49 ёшдаги аёлларнинг орасида 76%ни ташкил қиласди). ЮНИСЕФ нинг озиқланиш бўйича тадқиқоти шуни кўрсатди, барча ёшдаги ҳомиладор бўлмаган аёлларнинг 15,5% семизликдан азият чекар экан. Болалардаги семизлик соғлиқни сақлаш учун сезиларли кўрсаткичга эга бўлмаса-да, вазиятни пухта мониторинг қилиш талаб этилади. 2019 йилда озиқланиш бўйича ўтказилган тадқиқот 5 ёшгача бўлган болаларнинг 4,6% тананинг ортиқча массасига эга бўлганини кўрсатди. Бунда Сирдарё (7,5%) ва Сурхондарё (7,3%) вилоятларидағи кўрсаткичлар мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичлардан юқори бўлгани қайд этилган<sup>5</sup>.

1 Соғлиқни сақлаш вазирлиги (2018 й.). “ОИВ-инфекция ва захмни онадан болага ўтиши профилактикаси : вазият таҳлили” Тошкент

2 Соғлиқни сақлаш вазирлиги (2018 й.). “ОИВ-инфекция ва захмни онадан болага ўтиши профилактикаси : вазият таҳлили” Тошкент

3 ЖССТ (2016 й.). “Ўзбекистондаги туберкулёз ҳақида қисқача ахборот” ЖССТ нинг Европа минтақавий бюроси. Копенгаген. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: [http://www.euro.who.int/\\_data/assets/pdf\\_file/0005/335543/UZB\\_TB\\_Brief\\_0223-AM-edits-D1-20-03-17.pdf?ua=1](http://www.euro.who.int/_data/assets/pdf_file/0005/335543/UZB_TB_Brief_0223-AM-edits-D1-20-03-17.pdf?ua=1) (2019 й. 21 ноябрь ҳолати бўйича).

4 Чегарасиз шифокорлар (2019 й.). “Қорақалпоғистонда мультирезистентли туберкулёзга пиразинамидли резистентликнинг таъсири”. Туберкулёз ва ўпка касалликлари бўйича халқаро журнал Онлайн. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <http://hdl.handle.net/10144/619120> (2019 й. 5 сентябрь ҳолати бўйича)

5 ЮНИСЕФ (2019 й.) “Ўзбекистонда озиқланиш бўйича тадқиқот – 2017 йил”. Тошкент

## Заиф ёшларнинг қайтиб келиши ва реинтеграцияси

Глобализация ўсиши натижасида дунёning кўпгина мамлакатлари айрим минтақларда, масалан, Яқин Шарқда давом этаётган низолар туфайли миграция ва қочоқлар оқими ортиб бораётгани оқибатларини бошдан кечирмоқда. Ўзбекистон ҳам ушбу тенденциядан четдан қолмади. 2019 йил май ойида 156 нафар ўзбек фуқароси, асосан, аёллар ва болалар, Яқин Шарқдаги қуролли тўқнашувлар худудидан Ўзбекистонга қайтариб олиб келинди<sup>1</sup>. 2019 йилнинг октябрь ойида ҳукумат Ироқдан ёши 1,5 дан 17 гача бўлган 64 нафар боладан иборат яна бир гуруҳни репатриация қилди. Вазирлар Маҳкамаси қайтарилган болаларнинг ҳеч бир тўсиқсиз реинтеграциясини таъминлаш мақсадида ижтимоий сектор вазирликлари томонидан тақдим этиладиган комплекс хизматлар пакети билан бирга ҳаракатлар режасини ишлаб чиқди. Натижада, репатриация қилинган болаларнинг 80% ўз оиласари ёки қариндошлари билан қўшилди. Реинтеграцияга муҳтож ёшларнинг бошқа қисми, бу одам савдоси қурбонлари, интернат муассасаларидан чиқариладиган ёки озодликдан маҳрум этиш жойларида

жазосини ўтаётган ёшлардир. Улар низолар зонасидан қайтиб келаётган ёшлар билан бирга стигматизация хавфига дуч келиши мумкин бўлган ёшларнинг каттагина гурухини ташкил қиласди. Реинтеграция жараёнлари осон кечиши учун болалар ва уларни қабул қилаётган маҳаллий жамоатлар зарур дараҷада қўллаб-қувватланиши зарур. Бугунги кунда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича хизматлар пакети таълим олиш ва бошқа ижтимоий дастурлардан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш, шу жумладан келгусидаги ижтимоий изоляция ва заифликни олдини олиш мақсадида уй-жой ва иш билан таъминлашдан иборат<sup>2</sup>.

## Оила институтидаги ўзгаришлар

Ўзбекистонда кўпчиликнинг фикрича, оила ва жамоатнинг анъанавий қадриятлари ҳамда уларнинг ўзаро қўллаб-қувватланиши жамият яхлитлигининг асосий омиллари ва пойдевори ҳисобланади. Шундай бўлса-да, бир қатор манбалардан олинган маълумотлар жорий вазият бу каби жамоавий ва шахсий муносабатлар аста-секин емирилишига сабаб бўлаётгани ҳақида далолат бермоқда<sup>3,4</sup>. Масалан, ажрашиш кўрсатқичлари ўсмоқда. 2018 йил

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати, "Эзгулик" гуманитар акцияси, 2019 й., <https://president.uz/ru/2605>

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати, "Эзгулик" гуманитар акцияси, 2019 й., <https://president.uz/ru/2605>

3 Саммон, Е. М. (2017 й.). «Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизими: бугун ва келажакда». ЮНИСЕФ. Тошкент

4 Осиё тараққиёт банки (2018 й.) Ўзбекистон: Мамлакат бўйича янгиланган гендер баҳолаш. Манила.

да мамлакатда 32 326 ажрашиш ҳолатлари қайд этилган. Айрим ҳудудларда бу тенденция сезиларли даражада бўлгани ҳам сир эмас.

2018 йилда ажрашишларнинг энг катта сони Тошкент шаҳрида, Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида рўйхатга олинган. Шу билан бирга, ажрашишлар сонининг ўсиши Андижон, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида кузатилган<sup>1</sup>. Ажрашишлар сони ортган сари, ота-оналар ажрашиши таъсир қилган болалар сони ҳам ошиб бормоқда<sup>2</sup>. Оилавий муносабатлардаги ўзгаришларни тавсифлашдаги яна бир кўрсаткич, бу ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва майший зўравонлик қурбонига айланган аёлларга кўрсатилётган хизматларга ортган эҳтиеж. Бошқа мамлакатлarda бўлганидек, маҳаллий жамоатлар миқёсидаги қўллаб-қувватлашнинг анъанавий тизими ва анъанавий оилавий муносабатларнинг бузилиши болалар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Яқинда қабул қилинган чораларнинг айримлари аёллар ва жамоат институти ҳисобланган оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган<sup>3</sup>. Бироқ, шунга қарамасдан, юқорида кўрсатилган тенденциялар ривожланишига йўл қўмас-

лик учун оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс ёндашувга асосланган чоралар қабул қилиниши лозим.

### Иқлим ўзгариши, хатарлар ва фавқулодда вазиятлар

Иқлим ўзгариши Ўзбекистонда оилалар ва болаларга таъсир қилаётган ва келажакда ҳам таъсир қилувчи яна бир муҳим муаммо ҳисобланади. Кейинги 50 йил давомида таҳмин қилинган ўртача ҳарорат  $2\text{--}3^{\circ}\text{C}$  га кўтарилади<sup>4</sup>. Иқлимининг ўзгариши болалар учун янги хавфларни ва заифликлар чуқурлашиши хатарини юзага келтироқда. Иссиқ ва қуруқ иқлим ҳамда бутун мамлакат бўйлаб сувсиз ҳудудларнинг кўпайиши экстремал ҳодисалар хавфи ортишига сабаб бўлмоқда. Иқлимининг ўзгариши, шунингдек, экстремал об-ҳаво шароитлари ва қурғоқчилик, сув тошқинлари ва кўчкilar ҳавфини оширмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида энг кўп сув истеъмол қиладиган мамлакат ҳисобланиб, қўшни мамлакатлар ҳудудида жойлашган сув манбаларидан келадиган сувга боғлиқ. Минтақадаги қурғоқчиликнинг кучайи-

1 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, маълумотлар 2019 й. Июль ойида тақдим этилган.

2 Ҳисоб-китоблар муаллиф томонидан TransMonEE (2018 й.) тақдим этилган маълумотлар асосида бажарилган, <http://transmonee.org/country/uzbekistan/>

3 Осиё тараққиёт банки (2018 й.) Ўзбекистон: Мамлакат бўйича янгиланган гендер баҳолаш. Манила.

4 Жаҳон банки (2013 й.) “Ўзбекистонда иқлим ўзгариши муаммолари бўйича фаолият шархи”. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <http://documents.worldbank.org/curated/en/777011468308642720/Uzbekistan-Overview-of-climate-change-activities> (2019 й. 3 июль ҳолати бўйича)

ши сув ресурслари бўйича мавжуд муаммоларни янада кескинлаштириб юбориши мумкин<sup>1</sup>. Иқлим ўзгаришининг бошқа тўғридан-тўғри оқибатлари, айниқса, жазира маҳалла ишсиқ ва қаттиқ совуқ даврларда болаларга, шу жумладан мактаблардаги таълим муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда ва келажакда бу таъсирнинг кучи ортиб бораверади. Қуруқ ва иссиқ иқлими минтақаларда ичимлик суви, озиқ-овқатнинг мавжудлиги, саломатлик ва озиқ-овқат хавфсизлиги болалар соғлигини сақлашга, уларнинг таълим олиши ва ривожланишига албатта таъсир ўтказади<sup>2,3</sup>. Шу билан бирга, Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя тизими иқлими ўзгариши билан боғлиқ хавф ва таҳдидларни

юмшатишга мослашмаган. Демак, ижтимоий ҳимоя тизимини яхшилаш учун турли таҳдидларга дош бера оладиган комплекс стратегияни ишлаб чиқиш талаб этилади.

### Сиёсий муҳит ва болалар иштироқи

2016 йилда бошланган сиёсий ўзгаришлар Ўзбекистонда болалар иштироқи учун шароитлар ўзгаришига туртки бўлиб хизмат қилди. Бунга ёшлар учун кенг қамровли консультациялар ўтказиш, салоҳиятни кучайтириш ва ёшларнинг конструктив иштироқи билан боғлиқ тажрибани орттириш каби янги ташаббуслар орқали эришиляпти.



1 Жаҳон банки (2013 й.). "Ўзбекистонда иқлими ўзгариши муаммолари бўйича фаолият шархи". Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <http://documents.worldbank.org/curated/en/777011468308642720/Uzbekistan-Overview-of-climate-change-activities> (2019 й. 3 июль ҳолати бўйича)

2 ЮНИСЕФ (2015 й.). "Агар биз ҳозир ҳаракат қилмасак: иқлими ўзгаришининг болаларга таъсири". Нью-Йорк.

3 ЖССТ ва БМТД (санасиз) "Ўзбекистонда одам саломатигини ҳимоя қилиш учун иқлимга мослашиш": 2010-2014 й.. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: [http://www.who.int/globalchange/projects/en\\_\(2019](http://www.who.int/globalchange/projects/en_(2019) й. 10 август ҳолати бўйича) ва Жаҳон банки (2013 й.). "Ўзбекистонда иқлими ўзгариши муаммолари бўйича фаолият шархи". Манбадан қўйидаги манзил бўйича фойдаланиш мумкин: <http://documents.worldbank.org/curated/en/777011468308642720/Uzbekistan-Overview-of-climate-change-activities> (2019 й. 3 июль ҳолати бўйича).

# 7



**ХУЛОСАЛАР  
ВА ТАВСИЯЛАР**

# ХУЛОСАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР

Мазкур вазият таҳлили Ўзбекистонда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва яхшилаш борасида сезиларли ютуқларга эришилганлигини кўрсатди. Шунингдек, таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистондаги болаларнинг омон қолиши, ривожланиш, таълим олиш, ижтимоий таъминот, болалар ҳимояси ва иштирок этиш ҳуқуқлари соҳасида “тугалланмаган кун тартиби” мавжуд экани ҳам аниқланди.

## Катта тараққиёт йўлида

Она ва боланинг сифатли соғлиғи ҳамда туғилганидан кейин сифатли овқатланиши, сифатли мактабгача таълим олиш учун имкониятларнинг кенгайиши, умумий ўрта таълим сифатининг яхшиланиши, келгусида ҳаётларига таъсир қилувчи қарорлар қабул қилинишида болалар иштироки учун имкониятларнинг кўпайиши, олий таълим имконятларидан фойдаланиш даражасининг ортиши, ижтимоий нафақалар қамровининг кенгайиши; ота-она васийлигисиз қолган болалар сонини камайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чораларнинг қўлланиши ва

болаларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш Ўзбекистоннинг ёш авлоди гуллаб-яшнашига замин яратиб бериши мумкин. Лекин, юқорида санаб ўтилганларнинг ўзигина кифоя қилмаслиги аниқ. Ўзбекистон болалар ҳуқуқларини амалга оширишда янада салмоқли натижаларга эришиши учун ижтимоий жиҳатдан энг заиф болалар аҳволини пухта таҳлил қилиш ва заифлик энг кўп тарқалган соҳаларда тенгсизликни қисқартириш бўйича миллий сиёsatлар ва режаларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Шунингдек, келгусида тарроқий этиши учун соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя ва болалар ҳимояси соҳаларида мавжуд тизимлардаги айрим таркибий тўсиқларни ўрганиш ва бартараф қилиш, келгусида ҳаётларига таъсир қилувчи қарорлар қабул қилинишида болалар иштироки учун механизм ва жараёнларни белгилаб олиш зарур. Акс ҳолда, ушбу сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва техник тўсиқлар Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларининг амалга оширилишини секинлаштириши ёки сезирарли даражада тусқинлик қилиши мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон юзага келаётган янги муаммоларни кузатиб бориши ва олдини олиши керак. Бу ўз ичига демографик вазиятни ва ушбу сабабли, айниқса, таълим соҳасида юзага келган босимни олади. Бундан ташқари, вазият таҳлили натижасида Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши келажакда болалар фаровонлиги учун янги имкониятлар билан бирга янги муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкинлиги этироф этилди. Саломатлик учун соғлиқни сақлаш соҳасидаги “тугалланмаган кун тартиби”га, яъни мамлакат кўп йиллар мобайнида ишлаб келаётган муаммоларга қўшимча сифатида руҳий саломатлик муаммолари, ёшлар орасида ОИВ инфекцияси, кўпгина дориларга барқарор сил касаллиги, ортиқча вазн ва семизлик каби муаммолар мавжуд. Яқинда ҳамманинг эътиборини ўзига қаратган қуролли можаролар зоналаридан қайтиб келаётган болалар, шунингдек интернат муассасаларидан чиқарилаётган ёки озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинаётган болалар давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Оила ижтимоий институт сифатида ўзгариб бораётгани шубҳасиз, оиласида ажрашишлар, зўравонликлар сонининг ортиши каби янги тенденциялар пайдо бўляяпти – уларни келгусида комплекс ёндашув асосида ҳал қилиш талаб этилади. Оила – бола омон қолиши, ри-

вожланиши, таълим олиши, ҳимоя қилиниши ва ижтимоий таъминланиши учун ниҳоятда муҳим бўлган ҳимоя муҳитидир. Ўз болалари учун қайғурадиган давлат учун инвестиция уступорлиги айнан оиласида қаратилиши керак. Ниҳоят, иқлимининг ўзгариши болалар учун жуда реал ва жуда аниқ хавфларни ҳозир вужудга келтирмоқда ва келгусида ҳам келтириши аниқ. Иқлим ўзгаришининг болаларни мониторинг қилиш, таълим ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида ушбу глобал таҳдид таъсирини қандай юмшатиш, камбағаллик даражасини камайтириш ва болаларнинг умумий фаровонлигини ошириш ҳақида мулоқотни бошлаш фойдадан ҳоли бўлмайди.

### Тавсиялар

Ушбу вазият таҳлили ижтимоий соҳадаги жорий ислоҳотларни тўлдирувчи айрим тавсиялар билан якунланади:

#### **1-тавсия: Болалар камбағаллигини ўлчашнинг кўп жиҳатли кўрсаткичини ишлаб чиқиш**

Ўзбекистон ҳукуматига халқаро ташкилотларнинг қўллаб-қувватлашига асосланиб туриб болалар камбағаллигини ўлчашнинг кўп жиҳатли кўрсаткичини ишлаб чиқиш тавсия этилади. Ўзбекистонда камбағаллик

даражаси истеъмол қилинаётган калориялар асосида ўлчанади. Лекин бундай ўлчов камбағалликнинг барча жиҳатларини қамраб олмайди. Шунингдек, камбағалликнинг турли жиҳатлари болалар ва болали оиласларга қайтарзда таъсир қилишини ва турли ҳудудлар ҳамда аҳолининг турли гуруҳларида қанчалик фарқланишини аниқлаш имкониятини бермайди. Болалар камбағаллигининг кўп ўлчамили кўрсаткичи камбағалликка таъсир этувчи ва одамларга кундалик ҳаётда тўқнаш келувчи соғлиқнинг ёмонлиги, маълумотларнинг этишмаслиги, турмушнинг паст даражаси, зўравонлик ва экологик хавфли ҳудудларда яшаш хавфи каби турли омилларнинг таъсирини баҳолаш имкониятини беради. Болалар камбағаллигининг кўп ўлчамили кўрсаткичи ўз ичига ушбу кўрсаткини мураккаблигини акс эттирувчи ва камбағалликни камайтириш ҳамда оиласлар ва болалар орасида учрайдиган заифликларни бартараф этишга қаратилган чораларни ишлаб чиқишида фойдаланиши мумкин бўлган бир қатор индикаторларни олади. Бундан ташқари, индикаторлар ҳудудлар ва маҳаллий миқёсда аниқ эҳтиёжлар ва устувор йўналишларни ўлчаш ва идентификация қилиш имкониятини берувчи тарзда танланиши мумкин. Бунда болалар фаровонлигининг индикаторларини улчашда ҳудудлар миқёсида мавжуд маълумотлардан фойдаланиш имконияти мавжуд. Ушбу кўрсаткич

илмий методология асосида энг заиф аҳволда қолган болалар яшайдиган, камбағалликни камайтириш ва заифликларни бартараф этиш талаб қилинаётган ҳудудларни аниқлашга ёрдам бериши мумкин.

**2-тавсия: Болалар камбағаллигининг кўп жиҳатли ўлчаниши натижаларини ҳисобга олиш учун ресурсларни тақсимлаш бўйича мавжуд формулани қайта кўриб чиқиш**

Мазкур вазият таҳлили доирасида ҳукумат бугунги кунда хизматлар учун молиялаштиришни турли секторлар ва ҳудудлар бўйича қайтарзда ҳисоблаётгани ва тақсимлаётгани ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш имконияти тақдим этилмаган. Ҳозир қўлланилаётганди амалиётларнинг ва формулаларнинг комплекс тарзда кўриб чиқилиши, болалар ҳуқуқларини амалга ошириш ва фаровонлигидаги ҳудудий фарқланишларни ҳисобга олган ҳолда, ресурсларни тақсимлаш бўйича янги методларни ишлаб чиқишига ёрдам беради.

**3-тавсия: Болалар эҳтиёжларига ва турли хавфлар ва таҳдидларга таъсирини камайтиришга ёрдам берадиган ижтимоий ҳимоя тизимини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш**

Ижтимоий таъминот дастурлари, ижтимоий хизматлар ва меҳнат бозорида дастурлар-

ни самарали интеграция қилиниши учун ижтимоий ҳимоя тизими ислоҳ қилиниши зарур. Тизим болаларга нисбатан сезгирроқ ва инклюзив бўлиши керак. Хусусан, болалар камбағаллигини қамайтириш ва инсон капитали ривожланишини кучайтириш учун ижтимоий ҳимоя тизимини ислоҳ қилишда қуидагиларга эътибор қаратиш лозим: Болалар учун нафақаларни қайта кўриб чиқиш, жумладан нафақалар дастурлари билан қамраб олинмаган 15-17 ёшли болаларни қўшиш учун нафақалар қамровини кенгайтириш. Бола учун нафақалар оилани қўллаб-қувватлаш ва болалар фаровонлигини яхшилаш учун тегишли ижтимоий хизматлар билан самарали тарзда боғланган бўлиши керак. Шунингдек, Ўзбекистон ҳозирги кунда аҳоли, айниқса, айрим ҳудудлар аҳолиси дуч келаётган хавфлар ва таҳдидлар таъсирини камайтиришга ёрдам берадиган ижтимоий ҳимоя тизимини ишлаб чиқиши лозим. Мамлакат хавфлар зоналарида яшовчи бенефициарларни қўллаб-қувватлашни кўпайтириши ёки қурғоқчилик, сув тошқинлари ёки бошқа оғатлар вақтида уй хўжаликларини вақтинча қўллаб-қувватлаш учун ижтимоий ҳимоянинг асосий дастурларини ишлаб чиқилишига катта бўлмаган ўзгаришларни киритиш имкониятини кўриб чиқиши керак. Бунда фойдаланишга яроқсиз ерларда, айниқса, Оролденгизи ҳудудида яшовчи аҳолига бўлаётган

таъсирларни юмшатишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

#### **4-тавсия: Ёшлар стратегиясини янгилаш**

Миллий ривожланиш стратегияси мавжуд ёшлар сиёсатининг янгиланишини назарда тулади. Юқорида айтилганидек, ёшлар энг заиф гуруҳлардан ҳисобланади, сабаби, ёшлар болалик давридан бери ва ҳаётий давр давомида йиғилиб келган кўп сонли заифликлардан азият чекади. Ушбу ёшлардаги заифликларни камайтириш, шунингдек бугунги кунда юзага келаётган айрим муаммоларни ҳал қилиш мақсадида киритиладиган мақсадли инвестициялар қуидаги қадамларнинг бир қисми бўлиши мумкин:

Мавжуд маълумотлар асосида «бандлик, таълим ва ўқув билан қамраб олинмаган» (қисқарт. – NEET) ёшлар кўрсаткичини камайтиришга йўналтирилган сиёсаллар ва дастурлар ишлаб чиқиш. Бу, дискриминацион гендер меъёрларини бартараф этишни қўллаб-қувватлаш дастурларини, қизлар ва ёш аёллар учун имкониятларни кенгайтириш ва ёшларнинг энг заиф гуруҳларини, жумладан имкониятлари чекланган ёшларни меҳнат бозорига чиқаришни ўз ичига олиши керак.

Ёшларни Ўзбекистонда ва чет элда таълим олиши учун грант дастурларни яратиш ва кенгайтириш.

Ижтимоий тадбиркорликни рағбатлантириш, амалий ўқитиш, тажриба орттириш ва волонтер бўлиш учун имкониятларни яратиш ҳамда хусусий сектор ва фуқаролик жамиятини янада кўпроқ жалб қилиш йўли билан бандлик хизматларини яхшилаш.

Ўз болаларини Интернет ва ижтимоий тармоқлардан хавфсиз ва соғлом фойдаланишга ўргатиш ҳақида ота-оналар учун маълумотлар кўламини кенгайтириш.

Заифлик ва хавфни камайтириш бўйича стратегияларни ишлаб чиқиш, бу можаролар зоналаридан қайтаётган ёшлар ва оилалар, интернат муассасаларидан чиқаётган, одам савдоси қурбонлари ва озодлиқдан маҳрум этилган ёшлардан иборат заиф гуруҳлар учун реинтеграция дастурларининг давоми ва кенгайтирилиши бўлади.

Адлия соҳасида болаларни ҳимоя қилиш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун муқобил васийлик ва ҳомийликни йўлга қўйиш бўйича ислоҳотларни, хусусан, ижтимоий ҳимоя ва болалар ҳимоясининг оилаларни ҳам моддий, ҳам ижтимоий хизматларни тақдим этиш орқали қўллаб-куватлаши мумкин бўлган янада такомиллашган ва интеграциялашган тизимни яратиш заруратини ҳисобга олган ҳолда давом эттириш ва кенгайтириш.

**5-тавсия: Ногиронлиги бўлган болалар учун заифликларни камайтириш бўйича стратегия ва режа**

Ўзбекистонда имкониятлари чекланган катталар ва болалар вазиятини комплекс таҳлили ўтказилган. Имкониятлари чекланган болалар эҳтиёжларини ҳисобга оловчи секторлараро чораларни амалга ошириш харажатлари билан бирга ишлаб чиқилган ҳаракатлар стратегиялари ва режалари ушбу ҳисоботда таҳлил қилинаётган бир қатор ҳуқуқларга нисбатан болалар аҳволини яхшилашга ёрдам беради. Имкониятлари чекланган одамлар билан боғлиқ вазиятлар бўйича аввалроқ ўтказилган таҳлилларда тақдим этилган кўп қамровли тавсиялар тўпламини кўриб чиқишида имкониятлари чекланган болаларга қўмаклашиш бўйича стратегияга қўшимча сифатида қуидаги чоралар киритилиши лозим:

Таълим соҳасида ўтказилаётган жорий ислоҳотларнинг таркибий қисми ҳисобланган инклюзив таълим ислоҳотини жадаллаштириш. Дарҳақиқат, инклюзив таълим тизимлари кўпинча ҳар бир боланинг ўқув эҳтиёжларини қониқтиришга қодир бўлган тизимлардир;

Интернат туридаги муассасалардаги имкониятлари чекланган болалар билан боғлиқ вазиятни баҳолаш, уларнинг яшаш жойида маҳаллий жамоатга тақдим этилиши мумкин бўлган

реабилитация ва таълим бўйича хизматларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш.

Болаларнинг кўпчилиги интернат туридаги муассасаларга жойлаштириладиган ҳудудларда бу каби хизматларни синовдан ўтказиш ва йулга қўйиш .

Имкониятлари чекланган одамларга нисбатан стигма ва дискриминацияга қарши курашиш учун коммуникацион стратегияларни ишлаб чиқиш.

Ногиронлиги бўлган одамларнинг манфаатларига тааллуқли дастурлар ва сиёсатини ишлаб чиқиша иштирокини тартибга солувчи механизmlарга қўмаклашиш.

#### **6-тавсия: Таълим хизматлари сифатини барча даражаларда ошириш**

Таълим тизимининг секторларини ислоҳ қилиш ишлари бошланган. Уларни амалга оширишда қўидагиларни ҳисобга олиш зарур: Мактабгача таълим қамровини жадаллаштириш. Ушбу хизматларни кенгайтиришда мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини, давлат-хусусий шерикчилик моделларини ва мактабгача таълимнинг оиласији шаклларини жорий этиш имкониятларини кўриб чиқиш. Шунингдек, ушбу хизматлар имкониятлари чекланган болалар учун қанчалик инклюзив эканига ҳамда инфратузилма келгусидаги иқлимий хавф ва

ўзгаришларга қай тарзда мослашиши мумкинлигига эътибор қаратиш зарур. Болаларни ўқитишида гендер меъёрлари ва чекловларини қандай ҳисобга олиш масаласини, хизматларни тақдим этишда, ташкиллаштириш ва бошқаришда ота-оналар, васийлар ва ҳомийларнинг иштирокини кўриб чиқиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ўқитишини таълим соҳасидаги ислоҳотнинг асосий мақсади сифатида белгилаш, мавжуд маълумотлар ва давлат органларининг таълим тизимида маълумотларни йиғиши бўйича салоҳиятига асосланган ҳолда сиёсат, стратегиялар ва дастурлар ишлаб чиқиш учун миллий салоҳиятни мустаҳкамлаш.

Таълим сифатини оширишга комплекс ёндашувни таъминлаш, шу жумладан узлуксиз таълимга куникмаларни ривожлантиришга асосланган ёндашувни қўллаш, педагогик усуллар ва баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш имкониятини берувчи ўқув дастурини қайта кўриб чиқиш; ва

Таълим беришни якуний натижалари яхшилинишига қўмаклашиш, шунингдек барча болаларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ўқитишининг муқобил усулларини татбиқ, этиш мақсадида гендер жиҳатларни ҳисобга оловчи амалий, самарали ва сифатли таълим хизматларини тақдим этишлари учун педагог ва менежерлар малакасини ошириш учун дастурларни жорий этиш.

**7-тавсия: Ҳомила пайдо бўлишидан бошлаб,  
болалик ва ёшлиқ даврларида соғлиқни сақлаш  
ва соғлом овқатлантириш бўйича хизматларни  
яхшилаш**

Соғлиқни сақлаш тизимини ҳамда овқатланишни соғломлаштириш ва кучайтириш бўйича дастурларни ислоҳ қилиш ишлари давом этмоқда. Уларни амалга ошириш давомида қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Ногиронлиги бўлган болалар учун профилактикани кучайтириш, организмдаги нуқсонларни ҳомиладорлик даврида, чақалоқлигига аниқлаш ва аралашиб;

Ногиронлиги бўлган болалар, зўравонлик қурбонлари ва турли хавф гуруҳларига мансуб болаларга патронаж ҳамшираларининг ролини эътиборга олган ҳолда, уйда парвариш қилиш тизимини кенгайтириш ва хизмат кўрсатиладиган оиласлар ҳамда маҳаллий жамоатларда гендер меъёrlарини ўзгартириш учун патронаж ҳамшираларигатаълим беришда;

Иммунизация ва соғлом овқатланиш дастурларини кучайтиришни давом эттириш;

Руҳий саломатликни муҳофаза қилиш, руҳий-ижтимоий ёрдам хизматларидан фойдаланиш, хавф гуруҳларидаги болалар реинтеграцияси ва реабилитацияси имкониятларини яхшилаш;

Соғлом турмуш тарзи бўйича, жумладан спиртли

ичимликлар, гиёхванд моддалар, жинсий алоқа орқали юқтириладиган касалликлар ва ОИВ инфекциясига қарши кураш ҳақидаги ахборотни тарқатиш ва чоралар қўллаш бўйича кампанияларни илгари суриш.

**8-тавсия: Етарлича маълумотлар мавжуд бўлмаган ижтимоий меъёрлар, хуқуқлар бузилиши ва заифликлар ҳақидаги билимларни яхшилаш**

Бу ўз ичига болалардаги заифликларини камайтиришга ёрдам бериши мумкин бўлган хулқ-авторни ўзгартириш учун коммуникацион стратегияларни ишлаб чиқиш мақсадида ижтимоий меъёрлар ва маданий амалиётларни ҳар томонлама таҳлил қилишни олади. Гендер ва дискриминация амалиётларини бартараф қилиш ва ўзгартиришга кўп вақт талаб қилинишини билган ҳолда, бу соҳадаги ишни оиласларда бошлаш мумкин: анъанавий уй хўжаликлари ва маҳаллий жамоатларда тарбиялаш ва парвариш қилиш усусларини кўриб чиқиш ва ўрганиш керак, болалар ва аёллар орасида заифликларни камайтиришга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, вояга етмаганлар ўртасида никоҳ ўқитиш каби салбий анъаналарга қарши курашни кучайтириш, гендер зўравонлик ва оиласдаги зўравонликни бартараф қилишга диний етакчиларни жалб қилиш. Шунингдек, миграция билан қамраб олинган болалар, ёшлар ўртасида ги руҳий саломатлик муаммолари бўйича кўпроқ

маълумотлар йиғиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Бундан ташқари, болаларга нисбатан зўравонликлар турлари ва кўринишлирини, уларнинг тарқалганлигини ва болаларнинг уларга дуч келишини яхшироқ тушуниш учун қўшимча тадқиқотлар ўтказилиши лозим.

**9-тавсия: Энг заиф деб топилган алоҳида худудларда ўтказиладиган ислоҳотларнинг комплекс, интеграциялашган ва мувофиқлаштирилган тажриба-синов (пилот) лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш**

Ислоҳотлар бўйича жорий ташаббуслар “юқоридан-қўйига” тамоили бўйича амалга оширилмоқда ва марказлашган режалаштириш тизимига асосланган. Аксинча, муваффақиятли ислоҳотлар ўтказилаётган кўпчилик мамлакатларда “юқоридан-қўйига” тамоили бўйича ислоҳотларнинг амалга оширилиши “қўйидан-юқорига” тамоили бўйича режалаштириш билан самарали тарзда тўлдирилмоқда. Миллий сиёsatнинг ислоҳ қилиниши турли худудларнинг ўзига хос хусусиятларига мослашганига ишонч ҳосил қилиш учун, худудлардаги оилалар ва болалар учун қўллаб-қувватлашнинг комплекс, интеграциялашган ва мувофиқлаштирилган чораларни тақдим этиш бўйича синов (пилот) лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш тавсия этилади. Ушбу тавсияни амалга ошириш учун қўйидагиларни бажариш зарур:

Энг заиф деб топилган алоҳида худудларда тадқиқот (лар) ўтказиш лозим. Тадқиқот (лар) ёрдамида оилаларнинг заифлиги, болалар (масалан, ногиронлиги бўлган болалар)нинг аниқ гуруҳлари учун хавфлар, тарбиялаш амалиётлари, хизматлардан фойдаланиш амалиётлари, хизматларни тақдим этишдаги тўсиқлар ва муаммоли жиҳатлар, ижтимоий ва маданий меъёрлар, ҳамда заиф оилалар эҳтиёжларини қондириш учун давлат органлари салоҳиятидаги бўшлиқлар аниқланади.

Болаларнинг соғлиқни сақлаш, умумий ўрта ва мактабгача таълим хизматларидан фойдаланишига тўскىнлик қилувчи омилларни бартараф қилишни, таълим сифатини яхшилашни қўллаб-қувватловчи чораларни ишлаб чиқиш, болаларни зўравонлиқдан ҳимоя қилинишини кучайтириш, ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш ва болалар иштироки имкониятларини кенгайтириш учун чоралар тўпламини ишлаб чиқиш. Ушбу чоралар тўплами соғлиқни сақлаш, таълим, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва болаларни ҳимоя қилиш каби бир қанча соҳаларни мувофиқлаштирилган ҳолда қамраб олиши керак.

Синов (пилот) худудларида қабул қилинган чораларнинг оилалар заифлиги ва болалар учун хавфларни камайтиришга нисбатан таъсири юзасидан мониторинг ва баҳолашни ўтказиш ва улардан миллий сиёsat ислоҳотини ишлаб чиқишида фойдаланиш.



har bir bola uchun

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти  
Болалар жамғармасининг  
Ўзбекистондаги ваколатхонаси**  
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент,  
100029, Ш. Рашидов кўчаси, 16-уй,  
Телефон: +998 71 233 95 12  
Email: [tashkent@unicef.org](mailto:tashkent@unicef.org)  
[www.unicef.uz](http://www.unicef.uz)